


ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ



Handwritten signature or initials.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2015

УЎК:297.1
86.38
Ж-43

Илмдан бошқа нажот йўқ / Таҳрир хайъати А.Ҳасанов ва бошқалар.
Тошкент ислом университети, Исломунослик илмий-тадқиқот маркази,
муаллифлар: А.Ғ.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Т.: «Тошкент
ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.

КБК 86.38

Таҳрир хайъати:

А.Ҳасанов, тарих фанлари доктори, профессор
И.Усмонов, тарих фанлари номзоди, доцент
З.Ҳидоят

Муаллифлар:

т.ф.н., доц. А.Ғ.Абдуллаев, Н.Ҳакимова,
Ш.Жўраев, Ж.Каримов

Такризчилар:

Шайх Абдулазиз Мансур,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
Қ.Зоҳидов,
тарих фанлари номзоди, доцент

Рисолада сохта салафийликнинг келиб чиқиши, бузғунчи ғоялари ва бугунги кундаги фаолият услублари тизимли таҳлил қилинган. Куръони карим оятлари, ҳадислар, аҳли сунна ва жамоа мазҳаблари, мотуридийлик ақидаси ҳамда машҳур уламоларнинг фикрларига таянган ҳолда сохта салафийларнинг дин асосларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида ислом таълимотларига зид тарзда фойдаланишлари очиқ берилган.

Тошкент ислом университети Исломунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан «Жаҳолатга қарши маърифат» туркумида тайёрланган мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 4654-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-4453-9-0

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.

© Тошкент ислом университети
Исломунослик илмий-тадқиқот маркази, 2015.

КИРИШ

«Кишиларнинг энг яхшилари – бошқа инсонларга фойдаси тегадиганлари».
(Ҳадис)

Сўнгги йилларда бир қатор мусулмон мамлакатларида юз бераётган ташвишли ҳолатлар ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келмоқда. Ливан, Ироқ, Сурия каби давлатларда юзага келган вазият қолаверса, минтақамизда Афғонистон мисолида бир неча ўн йиллардан бери давом этаётган беқарорлик кишини саросимага солади. Бинобарин, уруш ҳолатида бўлган давлатларда ҳеч бир соҳада ривожланиш кузатилмайди, улар дунёда кечаётган сиёсий жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмайдилар, кўп ҳолларда улар учун бошқалар қарор қабул қилади, улар эса сиёсий ўйинларда бир қўғирчоққа айланиб қоладилар. Энг ачинарлиси, бу фожиали воқеаларни ташкил этаётган ёвуз кучлар дин омилидан устомонлик билан фойдаланмоқдалар.

Дунёда беқарорлик вазиятини келтириб чиқариб, мусулмонларни мақсадсиз жанглар, асоссиз ҳижрат каби ёлғон диний қарашлар билан заҳарлаб ўз домига тортаётган турли бузуқ ақидалар сирасида сохта салафийлик ғояси сўнгги йилларда турли мутаассиб оқимлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Гўё ислом динининг “асл моҳияти”га қайтишни баҳона қилиб олган сохта салафийлик ғояси, асрлар давомида мусулмон цивилизацияси босиб ўтган йўлни, қўлга киритилган натижаларни, тараққиётни йўққа чиқариш, мусулмонларни бир сўз билан айтганда ҳар жиҳатдан «бошланғич» ҳолатга қайтаришни тарғиб қилиб, энг аввало мусулмонларга, қолаверса, бутун инсониятга зарар келтирмоқдалар.

Сохта салафийлар исломнинг илк уч асрида яшаган «салаф солиҳлар»ни энг тўғри йўл эгалари бўлганларини ўзларига шиор қилиб, улардан кейин яшаган мусулмонларнинг барчаси

«салаф»лар каби бўлиши кераклигини даъво қиладилар. Биринчи қарашда беғараз туюлган мана шу даъволари асосида сохта салафийлар жиҳодни исломнинг олтинчи аркони, деб эълон қиладилар, «Дор ал-ислом» тушунчасини ўз манфаатлари йўлида талқин этиб ҳижрат, яъни Ватандан воз кечишни тарғиб этадилар, фикҳий мазҳабларни ботилга чиқарадилар, тараққиётдаги ҳар бир янгиликни залолат, деб тушунтирадилар, бошқа дин вакилларига нисбатан кескин мавқени эгаллайдилар, нафақат ислом динининг дастлабки кўриниши, балки ўша давр турмуш тарзининг маиший жиҳатларини мусулмонлар томонидан ўзгаришсиз бугунги кунга татбиқ этилиши имонни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишини таъкидлайдилар. Бир сўз билан айтганда, ислом динини уруш ва қолоқлик, саводсизлик ва тоқатсизлик дини сифатида намоён этадилар.

Аммо шу билан бирга ўз ғояларини тарғиб этишда интернет форумларидан жуда унумли фойдаланиш орқали сохта салафийлар дунё бўйлаб ўз сафдошлари сонини кўпайтиришга интиломқдалар. Афсуски, сўнгги йилларда интернет ёшларимизни маълумот олиш борасидаги чегаралардан халос этиш, тараққиётнинг ижобий ютуқларини ўз ҳаётларида татбиқ қилиш, дунё билан юзлашишга хизмат қилиш баробарида, ғаразли кимсаларнинг бузғунчи ғоялари билан заҳарланишига ҳам йўл очиб бераётган тизимга айланиб бормоқда. Айрим ёшлар орасида куфр, жиҳод, шаҳидлик ҳақидаги ҳамда «Мазҳаблар ўзи бизга нима учун керак?» қабилидаги фикҳий мазҳабларни менсимаслик оҳангида берилаётган саволларнинг туб моҳиятини англаб олиш қийин эмас.

Аслида, ислом дини инсонпарвар, ривожланган, юксак адолатли, маънавиятли ҳаётни таъминлашга қаратилган. Зеро, тинчлик ислом динининг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъно ва мақсадларидан биридир. Шунинг учун ҳам ислом дини номидан амалга оширилаётган ҳар бир иш тинчликни ўрнатишга ёки тинчликни асраб-авайлашга қаратилган бўлиши лозим. Кўр-кўрона мутаассибликка асосланган сохта салафийлик ғояларига мусулмон шарқи мамлакатларининг уламолари ҳам ўз раддияларини бермоқдалар. Қатор халқаро

илмий анжуманлар минбарларидан ислом дунёсининг етакчи олимлари бундай мутаассиблик беқарорлик, низолар, уруш ва вайронагарчиликлар, ихтилофлар ва энг аянчлиси қон тўкилишига олиб келаётганини афсус билан қайд этмоқдалар¹. Сохта салафийлар томонидан айрим исломий тушунчаларнинг ғаразли талқин қилиниши эса носоғлом тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, жиҳод сўзининг маъносини сохталаштириш аянчли оқибатларга олиб келаётгани қатор минбарларда афсус ва надомат билан тилга олинмоқда. «Жиҳод» сўзи «қитол», яъни «уруш» сўзининг синоними эмас. Шунингдек, ҳар қандай жиҳод уруш ва аксинча ҳар қандай уруш жиҳод бўлавермайди. Шаръий матнларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қиладиган ҳар қандай иш борки жиҳод ҳисобланади. Масалан, ота-онага яхшилик қилиш ҳам жиҳод. Бунга «*У иккиси (яъни ота-она) борасида жиҳод қилгин*»² ҳадиси далил бўлади. Аллоҳ таолога итоат қилиб, нафсга, шайтонга тобеъ бўлмаслик ҳам жиҳод саналади. Бу борада Имом Аҳмаддан ривоят қилинган ҳадисда: «*Мужоҳид – Аллоҳ таоло итоатида ўз нафсига қарши курашган кишидир*»³, дейилади.

Шундай экан, ислом жаннатга киришга ҳамда дўзахдан узоқлашишга сабаб бўлувчи Аллоҳ таолонинг зикри, бунёдкорлик ишлари, инсонларга яхшилик қилиш, ер юзида осуда ҳаёт кечириш каби жиҳодга, яъни саъй-ҳаракат қилишга чақиради. Зеро, асл жиҳод – ислом таълимотига кўра – Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи солиҳ амалларни ўз ичига олади. Бинобарин, ҳалол тижорат, ишлаб чиқариш, илм-маърифат билан шуғулланиш ёки қудуқ қазиб сув чиқариш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир. Уруш маъносигаги жиҳодга келадиган бўлсак, у – кишининг ўз Ватанини ҳимоя қилиши эканлигига ҳозирги замон ислом уламолари иттифоқ қилганлар.

Қуръони каримда ҳам ҳар бир мусулмондан тинчликнинг бир учқуни сезилган заҳотиёқ уни қабул қилиш талаб қилинади: «**Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам**

¹ 3-иловага қаранг.

² Саҳиҳи Бухорий, 2871-ҳадис.

³ Муснади Имом Аҳмад, 23422-ҳадис.

унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!»⁴ (Анфол, 61). Бу борада ислом тарихида юз берган Худайбия сулҳида Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг тинчлик учун кўрсатган марҳаматлари маълум ва машҳурдир. Шундай экан, ислом динининг соф моҳиятини англаган мусулмон киши тажовузкорлик ва зўравонликка юз тутиши мантиққа зид. Зеро, «... Аллоҳ ҳақ билан ботилни (мана шундай мисол билан) баён қилур. Бас, кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ерда қолур...» (Раъд, 17).

Қўлингиздаги ушбу рисола сохта салафийликнинг айрим бузғунчи даъволарига аҳли сунна ва жамоа олимларининг асарлари асосида муносабат билдириш йўлидаги бир уринишдир. Рисоланинг савол-жавоб шаклида эканлиги ўқувчига ўзини қизиқтирган масала бўйича осонгина жавоб олиш имконини беради, деб умид қиламиз.

Азиз ўқувчи, муаллифлар жамоаси комилликка даъво қилмаган ҳолда рисолада учраши мумкин бўлган хато ва камчиликлар учун Сиздан олдиндан узр сўрайди. Китобни тайёрлашда ўзларининг маслаҳатлари, амалий таклиф ва тавсиялари билан ҳар томонлама ёрдам берган муфтий У.Алимов, Шайх А.Мансур, проф. А.Ҳасанов, З.Ҳидояттов ҳамда бошқа мутахассисларга самимий миннатдорчилик билдирамыз.

⁴ Ушбу рисолада келтирилган Қуръон оятларининг таржимаси куйидаги манбага асосланади: Қуръони қарим маъноларининг таржима ва тафсири/Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.

САЛАФ ВА ХАЛАФ СЎЗЛАРИ НИМА МАЪНОНИ БИЛДИРАДИ? САЛАФ ВА ХАЛАФ ОЛИМЛАРИ ОРАСИДАГИ ФАРҚ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

«Салафийлик» тушунчаси араб тилидаги «салаф» сўзидан олинган. «Салаф» сўзи эса «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар» маъноларини англатади.

«Салаф» сўзи Қуръонда ҳам «аввал яшаб ўтганлар», «ўтмиш (кишилари)» маъноларида ишлатилган (*Зухруф*, 56).

«Салаф» сўзи Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг ўзларига ҳамда саҳобийларига нисбатан айнан луғатдаги маънода қўлланилганини қатор ҳадисларда кўришимиз мумкин. Расулulloҳ (алайҳис-салом) қизлари Фотима (р.а.)га шундай деганлар: «*Мен сен учун яхши салафман (аждодман)*»⁵. Пайғамбар (алайҳис-салом) бу билан қизларидан аввал дунёни тарк этишларига ишора қилганлар.

«Салаф» сўзи диний истилоҳда муайян бир давр билан боғлиқ маънони беради. Пайғамбар (алайҳис-салом) ўз ҳадисларида «*Энг яхши давр мен яшаган давр, сўнг ундан кейинги ва ундан кейинги даврлардир*»⁶ деб, исломнинг илк уч даврини мадҳ этганлар⁷. Ана шу ҳадисга асосланиб, ислом уламолари Муҳаммад (алайҳис-салом) замонларида ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонларни «салаф солиҳ», яъни «солиҳ аждодлар» деб тавсифлайдилар. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан бу номлар асарларда қўлланилмайди⁸.

⁵ Саҳиҳи Муслим, 4614-ҳадис.

⁶ Саҳиҳи Бухорий, 2537-ҳадис.

⁷ Шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. Ас-Салафийя марҳала заманийя лаа мазҳаб ислабий. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 2005. 9-бет.

⁸ Қаранг: Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010, 5-бет.

Аҳли сунна ва жамоа анъанасига кўра, салафи солиҳлар давридан кейин яшаган мусулмонлар *халафлар*, яъни «кейингилар» деб аталади.

Шу ўринда салаф ва халаф даврларининг хусусиятларига тўхталиб ўтсак. Салаф уламолари даврида ҳар бир масалага ёндашишда асосан Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёсга асосланиб иш кўрилган. Вақт ўтиши билан ислом дини тарқалган ҳудудларнинг жадал кенгайиши, мусулмонларнинг бошқа дин ва маданиятлар билан юзлашиши натижасида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши вазиятни ўзгартириб юборди. Янги шароитларда юзага келган масалалар ечими учун Қуръон ва ҳадисдаги далиллар билан бир қаторда *ақлий далилларга* олдингидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезила бошлади.

Мусулмон олимлари томонидан салафи солиҳларга ҳурмат билан қаралади. Шу билан бирга барча олимларга юксак эҳтиром кўрсатиш кераклиги ҳадисларда зикр этилган. Мисол тарзида *“Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир”*⁹ ҳадисини зикр этиш мумкин. Салафи солиҳлар қарашларининг тадрижий давоми халаф, яъни кейинги олимларнинг ёндашувларида намоён бўлади. Халаф олимлари дарахт ўз илдизидан озиқлангани каби салафи солиҳларнинг қарашлари асосида шаклландилар.

Ислом уламолари салафи солиҳлар билан улардан кейин келган уламоларни бир-бирларига қарши қўйиш дарахтдан илдизни ёки аксинча илдиздан дарахтни ажратиб олган билан баробар эканини таъкидлайдилар. Кейинги даврда яшаб ўтган халаф олимларининг ислом илмлари ривожигаги ўрни ҳам камайтирилмаган. Зеро, ҳадисларда халафлар даври ҳам мақталганлиги ривоят қилинган. Жумладан, Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: Расулulloҳ (алайҳис-салом) мақбара олдига келиб: *«Эй, мўминлар диёри қавми! Сизларга салом бўлсин. Худо хоҳласа, бизлар ҳам сизларга йўлиқурмиз, қани биз биродарларимизни кўрсак эди»*, деганларида,

⁹ Сунани Термизий, 2730-ҳадис.

саҳобийлар: «Эй, Аллоҳнинг расули! Биз сизнинг биродарларингиз эмасми?» – дедилар. Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Сизлар асҳобларимсиз. Биродарларим эса, мени кўрмасдан менга имон келтирганлардир», – дедилар¹⁰.

Кўриб турганимиздек, Пайғамбар (алайҳис-салом) ўзларидан кейин келадиган мусулмонларни «биродарларим», деб эътироф этиб, энг хайрли даврда яшаётган саҳобийлар ҳавас қиладиган даражада ўзларига яқин билганлар. Яна бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзларини кўрмай туриб имон келтирадиган умматларини яхшилик ила дуо қилдилар: «Мени кўрган, менга имон келтирганларга тубо бўлсин ҳамда мени кўрмай туриб менга ишонганларга тубо бўлсин, тубо бўлсин, тубо бўлсин!» дедилар. «Тубо нима, ё Расулуллоҳ?» деб сўрадилар. Пайғамбар (алайҳис-салом): «У жаннатдаги дарахтдир, баландлиги юз йиллик масофа, унинг гулкосасидан жаннат аҳлининг кийими чиқади», деб жавоб бердилар¹¹.

Бу каби ҳадислардан халаф (кейин келадиган) мусулмонларнинг ҳам даражалари юқори эканлиги келиб чиқади.

¹⁰ Муснади Имом Аҳмад, 12382-ҳадис.

¹¹ Муснади Имом Аҳмад, 11500-ҳадис.

СОХТА САЛАФИЙЛАР КИМЛАР?

Сўнгги йилларда «салаф солиҳларга эргашиш» шиорини ниқоб қилиб олган, мутаассиб кўринишдаги сохта салафийлар пайдо бўлди. Асрлар давомида ислом уламолари томонидан ёзилган асарлар ва орттирилган малака, эришилган ютуқларни рад этиб, фақатгина «салафи солиҳлар» даврини эътиборга олиш сохта салафийликнинг тор моҳиятини намоён этади. Улар диний, маънавий, ижтимоий ва сиёсий йўналишларда ислом дини пайдо бўлган илк замонларга қайтиб, мусулмонларнинг эътиқоди ва дунёқарашини ҳозиргача турли соҳаларда эришилган натижалардан «поклаш»ни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Сохта салафийлар ҳар қандай янгиликни бидъат, деб ҳисоблайдилар, фикҳий мазҳабларни инкор қиладилар, тасаввуфни тан олмайдилар, арзимас баҳоналар билан мусулмонларни кофирга чиқарадилар. Сохта салафийларнинг фикрича, салафи солиҳлар даври, яъни исломнинг илк уч асрдан сўнг мусулмонлар орасида ширк, бидъат ва хурофотнинг турли шакллари авж олди. Жамият ҳаётида юзага келаётган айрим муаммолар айнан салафи солиҳларга эргашмасликнинг оқибатидадир, деб таъкидлайдилар. Ваҳоланки, мазҳабларнинг барчаси салафи солиҳларнинг давомчилари бўлиб, улар ўз даврларида юзага келган муаммоларни замон талабидан келиб чиқиб ҳал қилиб келмоқдалар.

Сохта салафийларнинг асосий даъволари қуйидагиларда ўз аксини топади:

– сохта салафийлар Куръон ва суннада келган қоидаларнинг зоҳиригагина кўр-кўрона амал қилиб, уларнинг мазмун-моҳиятини англашдан тўсадилар ҳамда бошқа манбаларни бекорга чиқарадилар;

– гарчи Куръон ва суннадангина олиш, уларга асосланиш керак десалар-да, кўплаб масалалар ечимига Куръон ва суннадан

далил келтирмайдилар, айрим келтирган далиллари ҳам бир ёқламалиги билан ажралиб туради;

– ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, яъни муомалот масаласида Қуръон ва суннада тақиқланмаган барча нарсага рухсат берилган, дейдилар. Бунинг ортида эса ижмо, қиёс, урф каби шариат манбаларини инкор қилиш ётади;

– Қуръон ва суннадаги ҳукмларни сўзма-сўз тушуниш ва шу тартибда амал қилишга даъват қиладилар;

– авлиёлар, шайхлар, мазҳаббошиларни Аллоҳ ва диндорлар орасидаги «ўртакашлар» деб номлаб, уларга ҳурмат кўрсатишни ягона Аллоҳга ишонишдан узоқлашиш, деб ҳисоблайдилар;

– Пайғамбар (алайҳис-салом)ни васила қилишни тан олмайдилар;

– қабрларни зиёрат қилишни ҳаромга чиқарадилар. Муҳаммад (алайҳис-салом) қабрларини зиёрат қилиш, у зотнинг масжидларида намоз ўқишни ҳам тақиқлайдилар;

– ўта мутаассиб сохта салафийлар “одамлар сиғиниб кетмасликлари учун” Пайғамбар (алайҳис-салом) ва у зотнинг саҳобийлари қабрларини бузиш ҳамда муборак жасадларини у ердан чиқариб ташлашга чақирадилар;

– маййит дафн қилинаётган вақтда ҳам, дафн қилингандан сўнг ҳам қабристонда Қуръон тиловат қилишни ман этадилар;

– эркакларга соқол кўйиш ва аёллар доимий тарзда ниқобда бўлишларини фарз даражасига кўтарадилар;

– жиҳодни диннинг руҳи билиб, уни исломнинг олтинчи аркони деб ҳисоблайдилар;

– асоссиз равишда такфир ва ҳижрат масалаларини илгари сурмоқдалар;

– диний бағрикенгликни ёқламайдилар, ғайридинлар билан муомалада кескинлик ва тоқатсизликни тарғиб қиладилар;

– фикҳий мазҳабларни инкор қиладилар;

– намоздан сўнг жамоа билан дуо қилишни, зикр ва тасбеҳ айтишни инкор этадилар;

– ҳар қандай янгиликни бидъатга йўядилар;

– ўзларини “юқори табақа мусулмонлари” деб ҳисоблаб, мазҳабларга мансуб мусулмонларни паст табақа, заиф, ноқис

мусулмонлар, деб биладилар. Улар ўзларини салафларга эргашувчилар, деб ҳисоблаб, мазҳабдаги мусулмонларни эса айрим олимларгагина эргашадилар, деб даъво қиладилар;

– илк ислом даврларидаги, яъни ҳижрий иккинчи – учинчи асрлардаги фатволарни ҳозирги кунда ҳам татбиқ этилиши лозим, деб қарайдилар.

Сохта салафийларнинг асосий даъволари, яъни Қуръон ва суннани сўзма-сўз тушуниб, бу борада фақат салафи солиҳларга эргашишимиз керак, дейишлари уларнинг юқорида келтирилган даъволарининг деярли барчасига асос бўлиб хизмат қилади. Бир қарашда уларнинг даъволари жуда беғараз ва ўринлидек туюлади. Чунки сохта салафийлар масалага жуда жўн ва содда ёндашадилар. Ҳар бир масалани фақат Қуръон ва ҳадис асосида ҳал этиш лозим, деб таъкидлайдилар. Бу эса ислом дини тарихи, шариат манбалари ва ниҳоят фикҳ ҳамда унинг методологияси ҳақида атрофлича хабари бўлмаган оддий инсон учун энг тўғри йўл бўлиб кўринади.

Лекин масалага чуқурроқ ёндашсак, бу даъволарнинг ноўрин эканини кўрамиз:

– Биринчидан, бир масала бўйича турлича ҳукм чиқариш ҳолати саҳобийлар даврида ҳам кўп бўлган. Фикрлар хилма-хиллиги одатий ҳол сифатида қаралган. Салафи солиҳларнинг ўзлари ҳам шахсий ва ҳаётий тажрибаларидан, зеҳн ва идрок қилиш қобилиятлари, дунёқарашларидан келиб чиқиб, бир масалани тушунишда турли хил ёндашганларини манбаларда кўришимиз мумкин. Сохта салафийлар салафи солиҳларга эргашишни даъво қила туриб, аҳли сунна ва жамоа мазҳаб имомларини тан олмасликлари уларнинг айнан «салафи солиҳлар»га нисбатан туҳматларини билдиради. *«Энг яхши давр мен яшаган давр, сўнг ундан кейинги ва ундан кейинги даврлардир»* мазмунидаги ҳадисга асосланадиган бўлсак, аҳли сунна ва жамоа йўналишидаги барча мазҳаббошилар яшаган даврлари ҳамда мужтаҳидлик даражалари нуқтаи назаридан айнан салафи солиҳлар ҳисобланадилар. Хусусан, имом Абу Ҳанифа (р.а.) яшаган даврда 4 саҳобий ҳаёт бўлгани манбаларда қайд этилган. Улар – Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Абу Авф Ансорий, Абу

Туфайл Омир ибн Восила ҳамда Саҳл ибн Саъд Саидийлардир (р.а.)¹². Анас ибн Молик ҳаётлик чоғларида имом Абу Ҳанифа у киши билан кўришган. Тобейй бўлиш учун эса имон келтирган ҳолда саҳобийни кўриш етарли ҳисобланади.

– Иккинчидан, ислом динидаги амалларнинг тартиб-қоидалари борасида саҳобийлар томонидан турлича ривоятлар келган. Пайғамбар (а.с.) ҳам бир амал бўйича турли тартиб-қоидаларни ўргатган ҳолатлари ҳам бўлган. Шундай экан, мазҳаб олимлари турфа ривоятлардан бирини танлаб, муайян амал учун маълум қоидаларни тизимлаганлар. Демак, бу вазият тақозоси бўлиб, мазҳабларнинг пайдо бўлиши ҳам табиий ҳол эди. Зеро, салаф солиҳларнинг ўзлари турли “мазҳаб”ларда бўлганлар. Бинобарин, улар ибодатларини турли йўсинда бажарганлар, бир масала бўйича турли-туман хулосалар берганлар. Шундай экан, салафи солиҳ йўли муайян тизимга эга алоҳида йўналиш бўлиши мумкин эмас. У даврга боғлиқ атамадир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳанафийлик-мотуридийлик таълимоти ва салафийларнинг диний матнларга ёндашувларидаги асосий фарқ шундаки, ҳанафийлик-мотуридийликда (моликийликда ҳам) агар бир киши ривоят қилган ҳадис Қуръон оятлари ва бошқа ҳадислар мазмуни ва зоҳирига хилоф бўлса, ўша ҳадис устун қилинмаслиги ҳақида қоида ишлаб чиқилган. Мана шу мазҳабимизни уларнинг ёндашувидан ажратиб турувчи асосий хусусиятлардан биридир.

– Учинчидан, бирор бир оят ёки ҳадисда мужтаҳид даражасидаги олим ўз ақлини ишлатмай, фақат салафларнинг тушунчалари бўйича Қуръонни тушунсин ёки тушунтирсин, деб айтилмаган.

Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 82-оятда шундай дейилади: **«Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чуқурроқ) фикр юритмайдиларми?! Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан (келган) бўлса эди, унда кўпгина қарама-қарши гапларни топган бўлур эдилар»**. Мана ўн тўрт асрдан бери, илоҳий мўъжиза Қуръони карим оятларида келтирилган

¹² Ал-Мулла Али ал-Қори. Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар ли Аби Ҳанифа ан-Нуъман. – Байрут: Дор ан-Нафоис, 1997. 5-бет.

маълумотлар ҳаётда ўз тасдиғини топиб бормоқда. Илм-фан ютуқлари, фалакиёт, коинот, ҳайвонот, наботот, илоҳиёт ва табиий фанларга доир оятлар бугунги кунда илмий кашфиётлар асосида шарҳланмоқда. Айрим оятларнинг мазмунини инсоният эндигина, яъни кашфиётлар ва техника тараққиёти асри бўлган XX ва XXI асрдагина тўлиқроқ англаб ета бошлади. Илм-фан ривожланиши самараси ўлароқ, Қуръон оятлари ўз тасдиғини топиб бориши, биз уларни тўғри тушуна бошлаганимиздан, ёки салафлар нотўғри тушунганларидан далолат бермайди.

Сохта салафийларнинг фикрларича, салафи солиҳлар биз учун барча масалаларнинг ечимини берганлар, уларнинг хулосаларидан ташқари чиқиш мумкин эмас. Яъни улар ҳижрий иккинчи — милодий еттинчи асрдаги фатволарни ҳозирги кун учун татбиқ этишга ҳаракат қиладилар. Бу даъволар салафи солиҳлар давридан бошлаб ҳозиргача бўлган даврни, инсоният тараққиёти, мусулмон цивилизацияси эришган ютуқларни инкор этиш билан баробардир. Замоннинг ўзгариши, тараққиёт жараёнлари тушунчаларимизга, онгимизга, борлиқни қабул қилишимизга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Қуръонни замон тафсир қилишининг ўзи унинг илоҳий мўъжиза эканлигига, фақат бир замон учун эмас, балки ҳамма замонлар учун ҳар томонлама ҳақ китоб эканлигига далолат қилади. Ҳозирги кун уламолари ҳам ҳукм чиқаришда воқелик билан ҳисоблашиш — бу айнан Расулulloҳ (алайҳис-салом) суннатлари эканини таъкидламоқдалар¹³.

¹³ Қаранг: Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Танбиҳ ал-Марожий ала таъсил фикҳ ал-вақийъ. — Абу Даби, 2014. 122-бет.

СОХТА САЛАФИЙЛИК ҚАЧОН ВУЖУДГА КЕЛДИ?

VIII аср охири ва IX аср бошларида ислом оламида муътазила оқими жамиятнинг зиёли қатлами орасида ўз таълимотини ёя бошлади. Бу оқим бир қанча масалаларда суннийлик ақидаларига зид фикрларни илгари сурган. Муътазилийларнинг бузуқ ақидаларига қарши курашда зоҳирийликка асосланган илк салафийлик ғояси юзага келди¹⁴. Бироқ, бу ҳаракат айтарли натижаларга эриша олмади. Чунки фақат Қуръон ва ҳадисга, яъни нақлий далилларга таянган ҳолда «салаф солиҳ»ларнинг ҳаёт тарзига қайтишга бўлган даъватлар билан мусулмон жамиятида пайдо бўлган турли фалсафий мактабларнинг бузуқ таълимотларига раддия бериш осон эмас эди.

Аҳли сунна ва жамоа эътиқодига кўра фикҳнинг асосий манбалари – Қуръон, сунна, ижмо ва қиёс ҳисобланади. Ўрта асрларда ислом диёрларида вужудга келган фирқа ва оқимлар мазкур манбаларни ўз қарашлари ва қизиқишларига мослаштириб фаолият олиб бордилар. Ўша даврларда Қуръон ва суннага зоҳиран қараб, тадаббур қилмайдиган, бошқа манбаларни бекорга чиқарадиган, «салафи солиҳ»лар яшаб ўтган даврга қайтишни қўмсайдиган, ўзларини гўёки «салафларнинг издошларимиз» деб ҳисоблайдиган ҳаракатлар пайдо бўлди.

Ўз даврида суриялик Ибн Таймия (1263-1328) салафийлик ғоялари учун зарур бўлган мутаассибона назарий асосларни белгилаб берган эди. Ибн Таймия умри давомида ўзининг қарашлари сабабли тўрт марта (1307, 1309, 1322 ва 1326-йилларда) қамоққа олингани ҳам унинг фикрлари барча замонларда хатарли деб топилганини кўрсатади. У 1328 йилда зиндонда вафот этган¹⁵.

¹⁴ 2-схемага қаранг.

¹⁵ Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: Шарқ, 2013. 204-бет.

Шу ўринда Ибн Таймиянинг тавҳидни учга бўлишини зикр этиш ўринлидир. Ушбу қараш салафлар даврига ҳам халафлар давридаги ақидавий дунёқарашга асосланмайди. Унинг фикрига кўра, тавҳид қуйидаги уч қисмдан иборат:

1. Тавҳиди улуҳия.
2. Тавҳиди рубубия.
3. Тавҳид асмо ва-с-сифот.

Илоҳиёт бобидаги ушбу тақсим туфайли кўпчилик мусулмонларни мушрикка чиқариш мумкин бўлиб қолади. Чунки қуйида келтирилган оятга мувофиқ араб мушриклари Аллоҳни Рабб сифатида тан олиб, Илоҳ сифатида тан олмаганлар. Ибн Таймия илгари сурган ақидасига қуйидаги оятни далил қилиб келтиради: **«Қасамки, агар Сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган,» – деб сўрасангиз, улар, албатта: «Аллоҳ», – дерлар»...** (*Зумар, 38*). Ибн Таймия бу ўринда Аллоҳни Рабб сифатида тан олиб Илоҳ сифатида тан олмайдилар, деб шарҳ беради. Аслида оятда Рабб сўзи ишлатилмаган. Ибн Таймия томонидан ишлаб чиқилган ушбу қоидага мувофиқ Аллоҳни Рабб сифатида тан олиб унга ибодат қилмайдиган кишилар Аллоҳни Илоҳ сифатида тан олмаган ҳисобланади. Бу билан гуноҳ содир этадиган, ибодатларни тўлиқ бажармайдиган, тавассул қиладиган кишиларни Аллоҳни Илоҳ сифатида тан олмаган мушрикларга ўхшатишга йўл очиб қўйилади. Ваҳоланки, ҳукм чиқариш қоидаларга кўра, бирор мавзу бўйича хулоса бериш учун шу мавзуга оид барча Қуръон оятлари ва сунна тўлиқ ўрганилиши лозимдир. Бир оятнинг ўзига таяниб илоҳиёт масаласида хулоса чиқариш шаръан мумкин эмас. Қуйидаги оят эса Ибн Таймиянинг назаридан четда қолган кўринади: **«... Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандлари ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни рабб (илоҳ) қилиб олдилар. Ваҳоланки, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга буюрилган эдилар...»** (*Тавба, 31*). Юқоридаги оятга кўра, Аллоҳдан бошқани Рабб қилиб олиш ҳам танқид қилинган. Яъни Ибн Таймия келтирган тавҳидни рубубий ва улуҳийга

тақсимланишига бу оят монелик қилади. Чунки унда тавҳидни яхлит ҳолда тушунишга далолат қилинади.

Ибн Таймия илгари сурган тақсимотнинг зарарли оқибатлари ҳозирги кунга қадар давом этиб, кишилар бир-бирларини кофир, мушрикка чиқаришларида “қўл” келмоқда. Аслида салаф ва халаф уламолари, жумладан, мазҳаб имомлари, имом Мотуридий ва Ашъарий ҳамда уларнинг издошлари асарларида тавҳид масаласи қатъий тақсимлаб ўрганилмаганини кузатиш мумкин. Лекин уларнинг асарлари диққат билан ўрганилса тавҳид асосан қуйидаги мавзулар остида кўриб чиқилганини кузатиш мумкин:

1. Ваҳдония физ-зот (Аллоҳга ўхшаш ҳеч ерда мавжуд эмас...)

2. Ваҳдония фис-сифот (Аллоҳ сифатларида ягона...)

3. Ваҳдония фил-афъол (Аллоҳ феълларида ягона, унинг хоҳиши, ихтиёри ман этилмайди...)

Демак, илоҳиёт бобида қатъий тақсимотсиз ёндашув асосли ва жумхур уламоларнинг йўлидир. Тавҳидни мавзуларга бўлинган ҳолда тушунтирилганини кўриш учун жумхур уламолар асарларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ ва тўғри бўлади. Аслида кишининг охиратдаги нажоти учун тавҳиднинг бундай тақсимотига имон келтиришнинг заррача ҳам аҳамияти йўқ. Балки, аҳли сунна олимларининг иттифоқига кўра ягона Аллоҳга имон келтиришнинг ўзи кифоя.

Сохта салафийлар, нақлий ва ақлий далиллар асосида ақидавий масалаларни ечган ашъарий ва мотуридийларни кескин равишда инкор этганлар. «Салафийлар»нинг ўзлари эса кўплаб аҳли сунна уламолари томонидан «Аллоҳга жиҳатни собит қилиш ва антропоморфизм (тажсим)»¹⁶ни илгари сурганликда айбланганлар.

Сохта салафийликда тажсим, ташбиҳ масаласи эътиқодий масала ҳисобланади. Гарчи барча уламоларнинг жумладан, Мотуридий томонидан берилган асосли далилларга кўра Аллоҳга махлуқотлар каби, инсонлар каби жисм ва ҳаракатлар мансуб қилинмайди.

¹⁶ Аллоҳни инсоннинг жисмоний сифатлари билан тавсифлаш.

Сохта салафийликда Аллоҳнинг ҳар томонидан чегараси, жисмоний аъзолари бор, яна Аллоҳга ташқаридан бирор таъсир бўлиши мумкин ҳамда Аллоҳга ҳаракат – бир жойдан бошқасига кўчади, каби фасод ақидалар илгари сурилади. Мотуридийликка кўра “У каби ҳеч нарса йўқ” ояти асосида Аллоҳга аъзолар мансуб қилинмайди. “Аллоҳнинг қўли”, “Аллоҳнинг юзи” сифатида келган муташобих оятларга имон келтирилади ҳамда бу оятлардан кўзланган мақсад, мазмун ва маъно Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади¹⁷. Аҳли сунна эътиқодига кўра Аллоҳ замон ва маконни яратишдан олдин қандай бўлса уларни яратгандан кейин ҳам шундай, деб ишонилади ҳамда унга макон, тараф, ҳаракат, жисм сифатини бериш мумкин эмас. Бу қараш нафақат мотуридийликнинг қараши, балки салаф олимлари ва улардан кейинги халаф олимларининг ҳам фикридир. Шунга кўра кўра ақидавий масалалардан тажсим борасида сохта салафийликда, айниқса Ибн Таймия асарларида гулув ва залолатга кетилган. Масаланинг хатарли жиҳати шундаки, салаф солиҳлар ҳам Аллоҳга жисмни мансуб қилганлар деб, тушунтиришга ҳаракат қилинади. Аслида салафлар бу борада кўп сўз юритишмаган, Аллоҳнинг қандайлиги, у ҳақда Қуръонда келган муташобих оятларни шарҳлаб, унга жисм ва аъзоларни мансуб қилмаганлар.

Муҳаммад Саид Рамазон Бутийнинг «Салафийлик муборак даврдир, исломий мазҳаб эмас» китобида шундай дейилади:

«Британия босқинидан сўнг салафийлик шиорининг Мисрда тарқалиши Жамолиддин Афғоний (1839-1897) ва Муҳаммад Абдух (1849-1905) бошчилик қилган диний ислохот ҳаракати вужудга келиш вақтига тўғри келади. Лекин бу шиор исломий мазҳабни англатмасди, балки даъватнинг бир кўриниши эди.

Бу пайтда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобга (1703-1792) нисбат берилган ваҳҳобийлик ҳаракати Арабистон ярим оролининг Нажд ва бошқа қисмларида ҳам кенг тарқалиб улгурган эди.

¹⁷ Абул-Муъин Насафий. Баҳр ал-калом. – Дамашк: Мактаба Дор ал-Фарфур, 2000. 105-б.

Ваххобийлик ҳам, Мисрдаги диний ислохот ҳаракати ҳам бидъат ва хурофотларга қарши курашишда яқдил эди. Шу сабабли салафийлик шиори ваххобийлик тарафдорлари орасида ҳам кенг тарқалди»¹⁸.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунимизга қадар дунё бўйлаб диний-экстремистик ва террористик ташкилотларнинг фаоллашуви сезиларли даражада намоён бўлди. Буни биргина исломни байроқ қилиб дин ниқоби остида ҳаракат қиладиган, асл мақсадлари ҳокимият ва бошқарувни қўлга киритишдан иборат бўлган юзлаб оқим ва гуруҳлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Мазкур оқимларнинг аксарияти сохта салафийликнинг тажовузкор таълимотидан таъсирлангани маълум.

XX асрда «салафийлик» ғоялари «Мусулмон биродарлар» ташкилоти томонидан асос қилиб олинган эди. Кейинчалик «Мусулмон биродарлар» ташкилоти асосида «Такфир ва ҳижрат» ҳамда «Жиҳод» жамоалари вужудга келди¹⁹. Бугунги кунда Ироқ ва Шом ислом давлати террористик ташкилоти сохта салафийликка асосланганини таъкидлаш ўринлидир²⁰.

Ҳозирги кунда сохта салафийлик ғояларини араб мамлакатлари ва бошқа мусулмон давлатлари аҳолиси орасида тарғиб қилишга ҳаракат қилинмоқда. Бинобарин, улар диний масалаларни тушунтиришда содда, яъни фақат зоҳирий жиҳатларга эътибор қаратадилар. Шунинг учун диний саводи йўқларга бу услуб энг тўғридек кўринади гўё. Масалан, динга оид бирор муаммонинг ечимини кўрсатишда фақат оят ёки ҳадисни узуқ-юлуқ ҳолда келтириб, унга зоҳиран ёндашиб гўё муаммога жавоб топиб берадилар²¹. Уларнинг бу услуби омма учун ҳар хил илмий атамалар ва назариялар орқали тушунишдан кўра осонроқ туюлади. Шу йўл билан ҳам улар

¹⁸ Рамазон Бутий. Ас-Салафийя марҳала заманийя ла мазҳаб исламий. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1998. 231-236-бетлар.

¹⁹ Салоҳ Абу Саъуд. Ал-фирақ ва-л-жамаат ва-л-мазаҳиб ал-исламийя. – Қоҳира: Мактабатун нафиза, 2005. 249-б.

²⁰ 3-схемага қаранг.

²¹ Юнусов А.С. Исламские радикальные и нетрадиционные организации. Глава 7. // «Ислам в Азербайджане». Баку, 2004. 79-стр.

ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринадилар. Бундан ташқари бу оқим тарғибот ишлари учун сўзамол, кучли нотиклик хислатларига эга, бошқа кишиларни ўзига жалб эта олиш қобилиятига эга бўлган воизларни махсус тарбиялашга катта эътибор берадилар. Шунингдек, интернет орқали ҳам сохта салафийлар ўз тарғиботларини турли тилларда фаол олиб бориб, кенг аудиторияни ўзларига мойил қилишга гўё муваффақ бўлмоқдалар. Ёшлар орасида «салафий» форумларининг тобора оммалашуви муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Аслида салафийликнинг моҳиятини сохта салафийларнинг ўзлари ҳам яхши тушунмайдилар. Салаф олимларининг сўзлари шунчалик турфаки, уларни бир тизим ва бир қоидага солишнинг имкони йўқ. Сохта салафийлар илгари сураётган ғоя амалга ошмайдиган хаёл бўлиб, давр ва замон бир жойда тўхтаб турмаслиги, илгариги даврга қайтиб яшашнинг имкони йўқлиги учун ҳам имконсиздир.

МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИГА КЎРА ИМОН НИМА?

Ушбу мавзуга киришдан олдин имом Мотуридий ва умуман калом илмининг ислом эътиқоди масалаларини тўғри талқин этиш, ақидага бидъат ва хурофотларнинг кириб қолишидан сақлашдаги ўрнини очиб бериш лозим. Чунки сохта салафийлар ҳозирги кунда калом илми уламолари, жумладан, имом Мотуридийга нисбатан турли танқидларни баён этишмоқда. Шунингдек, мутакаллимларни муътазила оқими фалсафасидан фойдаланган, ақлни нақлдан юқори қўювчилар сифатида инкор этиб келмоқдалар.

Аслида эса аҳли сунна мутакаллимлари ўз даврларида юзага келган эътиқодий муаммолар ва бидъатларга нақл асосида ақлни юритиб раддиялар берганлар. Улар орасида Мотуридий ўзининг катта ҳажмли асарларидаги илмий тафаккури билан ажралиб туради.

Мотуридийнинг қарашига кўра ақл маърифат (Аллохни таниш) учун воситадир. Бунга Қуръоннинг 100 дан ортиқ ўринлардаги ақл юритиш, тафаккур ва тадаббур қилишга чақириқлар далил бўлишини унутмаслик лозим. Бу қараш муътазилийларнинг ҳукмлар ақл билан ўрнатилади, деган қарашларидан тубдан фарқ қилади. Чунки мотуридийликка кўра ҳукмлар нақл билан ўрнатилиши белгиланган.

Бу аҳли сунна мутакаллимларининг умумий қараши ҳамдир, яъни унга кўра вожиботлар нақл воситасида, маърифат ақл воситасида ўрнатилади.

Имом Мотуридий ақидавий масалаларни ўрганишда доимо энг аввало нақлдан, сўнг эса ақлий далиллардан фойдаланган. Шунинг учун Мотуридий асарларидаги услуб ва ёндашув асосида айтиш мумкинки, олим ақидавий масалаларни ечишда нақл ва ақлдан биргаликда истифода этган ҳамда ақлни нақлдан юқори ёки олдин қўймаган.

Имон исломнинг биринчи шarti ҳисобланади. Сохта салафийлар ўзларининг қарашларини маъқулламаган ва улардек фикрламаган мусулмонларни имонсизликда айблар эканлар,

уларга муносиб жавоб бера олиш учун аввало «имон нима» деган саволни атрофлича кўриб чиқиш, бу борадаги уламоларнинг тўхтамлари ва улар орасидаги нозик фарқларни билиб олиш муҳим ҳисобланади.

Имон сўзи луғатда «ишониш», «тасдиқлаш» маъноларини англатади. Имоннинг истилоҳий маъносини эса, қуйидаги ҳадисдан билиб олишимиз мумкин: Умар ибн Хаттобдан (р.а.) ривоят қилинади: Пайғамбар (алайҳис-салом) имон ҳақида берилган саволга: *«Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, расулларига ва охират кунига, яхши ва ёмон тақдирга имон келтирмоғинг»*²² деб жавоб бердилар.

Юқоридаги ҳадиси шарифда имоннинг шариат истилоҳидаги маъноси ўз аксини топган. Демак, ҳадисда келтирилганларнинг барчасига ишонч билдириш имон ҳисобланади.

Имоннинг моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш мақсадида, уламолар имонни таркиб жиҳатидан ҳам таърифлайдилар. Имом Абу Ҳанифа (рх.) имонга қисқа қилиб, шундай таъриф берадилар: «Имон – иқрор ва тасдиқдир»²³. Яъни имон тилда иқрор қилиб, қалб билан тасдиқлашдир. «Моида» сурасининг 83–85-оятларида шундай дейилади: **«Расул (Муҳаммад)га нозил қилинган нарса (Куръон)ни эшитганларида, унинг ҳақлигини англаганларидан кўзлари ёшга тўлаётганини кўрасиз. Айтадилар: «Эй, Раббимиз! (Биз Муҳаммадга) имон келтирдик. Бизни шаҳодат аҳли билан бирга ёзгин! Аллоҳга ва бизга келган ҳақ (пайғамбар)га қандай ҳам имон келтирмайликки, ўзимиз Раббимиздан солиҳларга қўшиб (жаннатга) киритишини умид қилаётган бўлсак?!»** Айтган (шу) гаплари туфайли Аллоҳ уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари билан мукофотлагай ва у ерда абадий қолурлар. Бу чиройли иш қилувчиларнинг мукофотидир». Ояти каримадан кўриниб турибдики, имон қалбда тасдиқлаш (унинг ҳақлигини англаганларидан кўзлари ёшга тўлаётганини кўрасиз) ва тил билан иқрор қилишдир (айтган (шу) гаплари туфайли Аллоҳ уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари билан мукофотлагай ва у ерда абадий қолурлар).

²² Саҳиҳи Муслим, 4-ҳадис.

²³ Ал-Мулла Али ал-Қори. Шарҳ ал-фиқҳ ал-акбар ли Аби Ҳанифа ан-Нўъман. – Байрут: Дор ан-Нафаис, 1997. 19-бет.

Мотуридийнинг «Китаб ат-тавҳид» асарида ҳам имон қалб билан тасдиқланиши таъкидланиб, қалб тасдиғисиз имон калимаси ҳақиқатга ўтмайди²⁴. Мотуридия давомчиси Абул Юср Паздавий имон – тил билан иқрор ва қалб билан эътиқод қилиш, деб келтиради²⁵. Имом Мотуридий «амаллар имоннинг шартин эмас»лигини Аллоҳнинг қуйидаги сўзи билан далиллайди. Унда Аллоҳ имонни алоҳида, амалларни алоҳида ажратиб, шундай марҳамат қилади: «**Албатта, имон келтирган, яхши ишларни қилган, намозни баркамол ўқиб, закотни берганлар учун Парвардигорларининг ҳузурида (махсус) мукофотлари бордир...**» (Бақара, 277). Бу ояти каримада яхши амалларни қилиш доимо лозимлиги ҳақида гап бормоқда. Қуйидаги оятдан ҳам имон ва амалларнинг алоҳида-алоҳида эканлигини фаҳмлаш қийин эмас: «**Кимки, мўмин бўлган ҳолда эзгу ишларни қилса, бас, у зулмдан (қилмаган гуноҳларга жавоб беришдан) ҳам, камайишдан (савоби тўла берилмай қолишдан) ҳам хавфсирамас**» (Тоҳо, 112). Аллоҳ таоло мазкур оятларда амал қилмасдан аввал ҳам уларни мўминлар деб атади. Шунингдек, Қуръонда зикр этилган фиръавн ва Мусо (алайҳиссалом) қиссасида сеҳргарларнинг Мусо (алайҳиссалом)га имон келтирганлари ва улар ҳали амалсиз бўлса-да, имонлари тўғри эканлиги борасида аҳли илм орасида ихтилоф йўқ.

Амаллар имоннинг бир бўлаги бўлиш ёки бўлмаслиги уламолар орасида баҳсни юзага келтирган. Бу мавзудаги баҳснинг мантиқий давоми имоннинг зиёдалашуви ва нуқсонли бўлиши борасидаги кейинги баҳсни тақозо этади. Амал имоннинг бир қисми, деб ҳисоблайдиган ақидавий йўналишлар, имон зиёдалашади ва ноқис бўлади, деб ишонадилар. Уларнинг фикрича имоннинг таркибий қисми ҳисобланган амалларнинг зиёдалашуви ёки камайиши ўз навбатида имоннинг ҳам зиёдалашуви ёки камайишига олиб келади. Имом Мотуридий ва мотуридийлик йўналиши олимлари эса амални имонга қўшмайди, шу сабабли имон зиёдалашмайди ва камаймайди (нуқсонли ҳам бўлмайди) ҳамда ҳар бир мўмин-мусулмон

²⁴ Қаранг: Имом Мотуридий «Китаб ат-тавҳид». – Анқара, 2003. 601-бет.

²⁵ Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Ҳ.Петерленс нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактаба Азҳарийя ли-т-турос, 2003. 148-бет.

комил имон соҳибидир. Мотуридий буни шундай изоҳлайди: инсоннинг қалбида имон худди осмонда ой ягона бўлгани каби ягона бўлади. Агарда у камайса, яримта, кўпайса бир ярим ёки иккита бўлиши керак. Бу эса ҳақиқатга зиддир. Имоннинг фақат қалбдаги нуригина яхши амаллар сабабли ёруғлашиши ва хиралашиши мумкин. Шунингдек, гуноҳ ишлар қилиниши имон нурининг хиралашишига олиб келади²⁶. Мана шу ёндашув Қуръон ва суннага тўлиқ мосдир. Чунки Қуръонда имоннинг ноқис ёки заиф бўлиши мумкинлигига умуман далил ҳам, ишора ҳам мавжуд эмас.

Мотуридия ва ашъария ақидалари орасидаги санокли фарқлардан бири ҳам айнан имоннинг зиёдалашуви ва ноқис бўлиши борасидадир. Яъни имом Ашъарийдан икки хил қараш ривоят қилинган: бири, имон зиёдалашади ва ноқис ҳам бўлади, чунки амал мукамал имоннинг бир бўлаги ҳисобланади. Иккинчиси имон зиёдалашмайди ва ноқис ҳам бўлмайди. Лекин кейинги даврларда имоннинг зиёдалашуви ва ноқис бўлиши ҳақидаги ақида ашъарийлар орасида асосий ўрин тутди. Аммо ашъарийликда амаллар таъсирида имоннинг ўзи зиёдалашади ва ноқис бўлади, дейилиши билан бирга фақат мукамал ёки комил имон амални тақозо қилишини айтиб, амал қилмаган мўмин имондан чиқмаслиги таъкидланади.

Сохта салафийлар эса, муътазила оқими қарашига яқин қарашни илгари сурадилар, унга кўра гуноҳи кабира қилган кишининг имони тўлиқ эмас, деб саналади ҳамда намозни тарк этган, куфрий иш қилган киши имондан чиқади, деб ҳисобланади.

Масаланинг яна бир нозик томони борки, афсуски сохта салафийлар мусулмонларни осонгина имонсизга, яъни кофирга чиқаришда айнан ўша жиҳатни ўзларига қурол қилиб олганлар. Уларнинг фикрича, агар амал имоннинг таркибий қисми бўлса, у ҳолда ислом арконларига амал қилмайдиган ёки чала амал қиладиган мусулмонларни имонсизлар – «кофир»лар деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг натижаси ўлароқ, у «кофир»ларни ўлдириш ҳамда уларнинг мол-мулкларига эга бўлиш «ҳалол»

²⁶ Оқилов С. Калом илми (Ақоид). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. 84-бет.

деган очик бузғунчи ғояни ўзларига «дастуруламал» қилиб олганлар. Сохта салафийларнинг масалага бунчалик юзаки ёндашувлари нафақат имон масаласида, балки бошқа ақидавий масалаларда ҳам намоён бўлади.

Ҳолбуки, аҳли сунна ва жамоа эътиқодига кўра, агар бирор киши имон келтирса-ю, лекин амалларни тўлиқ бажармаса, ўзи эса гуноҳлардан узоқ бўлмаса, ундай киши «аҳли қибла» дея эътироф этилади ҳамда мўмин деб ҳисобланади. **“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Роббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остида анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса!...”** (Таҳрим, 8). Гуноҳ содир этган мўминларга юқоридаги оятда “Эй, имон келтирганлар” дея мурожаат қилиниши эътиборга молик.

Набий (алайҳис-салом): *«Уч нарса имоннинг аслидир: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кимсага тегмаслик, гуноҳи туфайли уни куфрда айбламаслик, амали туфайли уни исломдан чиқармаслик»*²⁷, деган эдилар. Ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, сохта салафийлар таълимотининг акси ўлароқ, «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кимсага тегмаслик, уни кофирга чиқармаслик ва диндан чиқармаслик имоннинг асли ҳисобланади. Ҳатто Имом Ашъарий амални мукамал имоннинг бир бўлаги сифатида қараса ҳам, амал қилмаган кишини «кофир» деб билмайди. Фақат хорижийларгина амал қилмаган, гуноҳкор кишини «кофир» деб билганлар.

Бугунги кунда мусулмонлар орасида имоннинг ноқис бўлишига ўхшаш тушунча сифатида имоннинг заиф ёки кучли бўлиши ҳақидаги хато эътиқодий тушунча тарқалмоқда. Бу эса, ўз навбатида мусулмонлар ўзаро бир-бирларини имонда табақалаштиришга олиб борувчи, бир-бирини кофирга чиқаришга етаклайдиган иллатли тушунчадир. Ушбу тушунча, яъни имоннинг ноқис ёки заиф бўлиши мумкинлигига Қуръон ва суннада далил мавжуд эмас. Имоннинг заиф бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ривоят эса, Қуръон ҳамда суннанинг зоҳири ва мазмунига хилоф бўлгани учун ҳанафийлик-мотуридийлик асосларига кўра унга таяниб эътиқодий тушунчалар ишлаб чиқилмайди.

²⁷ Сунани Абу Довуд, 2213-ҳадис.

СОХТА САЛАФИЙЛАРНИНГ КУФР МАСАЛАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ТЎҒРИМИ?

Йўқ, сохта салафийларнинг куфр масаласидаги қарашлари ислом таълимотига зиддир.

Аввало, имон инсон қалби билан боғлиқ бўлиб, у ихтиёрийлик асосида қабул қилиниши лозим. Исломнинг биринчи аркони ҳисобланган имонни мажбуран, куч билан сингдириб бўлмайди. Шу билан бирга инсон имонни қалбан тасдиқ этганини, яъни имонли эканини билиш илми фақат Аллоҳга хос. Бу борада бир инсоннинг бошқаларни имонсиз, яъни кофир деб ҳукм чиқариши қаттиқ қайтарилган амаллардандир.

Шунга қарамай замонавий сохта салафийлар такфир масаласида ҳаддан ошиб, ҳар қандай гуноҳ содир этган мусулмонни кофирликда айблашдан тортинмайдилар.

Маълумки, «куфр» сўзи «беркитмоқ», «яширмоқ» деган маъноларни англатади. Шунингдек, «куфр»нинг «кофир бўлмоқ», «динсиз бўлмоқ» каби маънолари бўлиб, у имоннинг акси ҳисобланади. Қалбида умуман имони бўлмаган шахс эса «кофир» дейилади²⁸. Имом Ғаззолий «куфр»га таъриф бериб: «Расулulloҳ (алайҳис-салом) олиб келган нарсани ёлгонга чиқаришдир», деганлар²⁹.

Қалбида имони бор одамни куфрда айблаш ва унинг қонини тўкишни ҳалол санаш мўтабар манбаларда қатъий далиллар асосида тақиқланган. Жумладан, Куръони каримда: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳ йўлида сафарга чиққанингизда, аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (ўлжани) кўзлаб: «Мўмин эмассан», – демангиз!..»** (Нисо, 94) дейилади. Бу оят тафсирида муфассирлар «Сизларга мусулмонлигини билдирган кишига мўмин эмассан, деб адоват қилманг» деганлар.

Кимки, мусулмон эканини тил билан айтиб турса, шунинг ўзи мусулмончилигига кифоя қилади. Бу ҳақида Усома ибн Зайд

²⁸ Қаранг: Юсуф Қарзовий. Зоҳират ал-ғулув фи-т-такфир. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990. 26-28-бетлар.

²⁹ Файсалу-т-тафриқа байна-л-ислам ва-з-зандақа. – Дамашқ, 1993. 25-бет.

(р.а.)дан ривоят қилинган ҳадис ҳам кучли далил бўлиб хизмат қилади: «Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бизларни Жухайнадан бир қабилага юбордилар. Биз уларни сувларигача қувиб бордик. Мен ва ансорлардан бир киши улардан бир кишини қувиб етиб, қуршаб олганимизда «Ла илаҳа иллаллоҳ», деди. Ансорий ундан қўлини тортди. Мен эса, уни найзам билан яралаб ўлдирдим. Мадинага келиб, бу хабар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етганида, менга «Эй Усома, сен уни «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганидан сўнг ўлдирдингми?» дедилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, бу уни ўзини сақлаш учун айтди», дедим. У киши: «Уни «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганидан сўнг ўлдирдингми?» деб такрорлайвердилар. Ҳатто мен (пушаймон бўлиб) ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсайдим, дедим»³⁰.

Бундан ташқари агар бир мусулмон киши иккинчи мусулмонни куфрда айбласа, унинг имонига путур етиши ҳақида қатъий огоҳлантирилган. Жумладан, Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Киши бошқа бир мусулмонни кофир ёки фосиқ деса, агар шу нарсалар унда топилмаса, айтган инсоннинг ўзи кофир ёки фосиқ бўлади»³¹, дейилган. Ҳадис мазмунидан кўриниб турибдики, мўмин инсонни куфрда айблаш айбловчининг имонини дарз кетишига олиб келади.

Шу боисдан ҳам имон тушунчасини ёритган етук уламоларимиз масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиб, имон масаласидаги ҳар қандай тортишув ва даҳанаки низолардан ўзларини четда сақлашга ҳаракат қилганлар.

Бугунги кунда эса ўзларига «олимпик» нисбатини берувчи айрим экстремистик оқим вакиллари, жумладан, сохта салафийлар томонидан бу каби тушунчаларни нотўғри талқин этиш натижасида мусулмон жамиятларида турли ихтилоф ва низолар келиб чиқаётгани сир эмас. Улар кишилар хатти-ҳаракати ва дин арконларини бажариш чоғида кузатилиши мумкин бўлган жузъий камчиликлар туфайли мусулмонларни «ислом динидан чиққан», «муртад», «кофир» каби юки оғир гуноҳлар билан айбламоқдалар.

Ваҳоланки, Пайғамбар (алайҳис-салом)дан бизгача етиб келган бир қанча саҳиҳ ҳадисларда инсоннинг гуноҳи сабабли диндан чиқмаслиги қаттиқ таъкидланган. Жумладан, Имом Абу Довуддан ривоят қилинган ҳадисда Муҳаммад (алайҳис-салом):

³⁰ Саҳиҳи Бухорий, 6509-ҳадис.

³¹ Саҳиҳи Бухорий, 71-ҳадис.

«Уч нарса имоннинг аслидир: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кимсага тегмаслик, гуноҳи туфайли уни куфрда айбламаслик, амали туфайли уни исломдан чиқармаслик»³², деган эдилар. Бундан кўриниб турибдики, инсон гуноҳ иш содир этиб, фосиқ бўлиши мумкин, лекин муслмончиликдан чиқмайди.

Бу ҳақида ҳанафий мазҳаби асосчиси буюк Имом Абу Ҳанифа (р.х.) ҳам «ал-Фикҳ ал-акбар» китобида: «Бирор муслмонни қилган гуноҳи туфайли кофирга чиқармаймиз, гарчи у гуноҳи кабира бўлса ҳам. Башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини ҳам олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайвераимиз. Уни фосиқ мўмин деб аташ мумкин, фақат кофир деб эмас»³³, деган эдилар.

Мотуридийлик ақидасига кўра гуноҳи кўп киши ҳам гуноҳи кам киши ҳам имон соҳиби эканлиги Қуръон ва сунна асосида ишлаб чиқилган муҳим эътиқодий масаладир.

Демак, бир инсон зоҳирида «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган калимаи шаҳодатни айтиб, ўзини муслмон эканини изҳор қилса, унинг гуноҳи ва қилаётган амалидан қатъи назар у муслмон саналади. Чунки имон қалбга оиддир. Қалб ичидагини билиш имкони фақат Аллоҳга хосдир.

Муслмонларни куфрда айблаш муслмон жамиятларида бугун пайдо бўлган ҳолат эмас. Бундай аянчли амалиёт ҳазрати Али (р.а.) халифалик даврларининг сўнггида юзага келган хорижийлар фаолиятида авжига чиққан эди. Бу тоифа вакиллари инсонлар ўртасида фитна келиб чиқишига сабаб бўлувчи турли саволлар билан муслмонларга мурожаат этар, ўзлари учун мақбул жавобни бермаганларни «кофир» дея эълон қилишарди.

Шунингдек, улар гуноҳ содир этган ёки диний амалларни бажаришда камчиликларга йўл қўйган муслмонни куфрда айблаб, уни ўлдиришни мубоҳ санашган эди. Хавориж ёки хорижий номи айни шу бузғунчи оқимга нисбатан айтилса-да, кўплаб дин уламолари бугунги кундаги илми оз бўлса-да ўзини доно санаб, ўзидан бошқа муслмоннинг имонига шубҳа билан

³² Сунани Абу Довуд, 2213-ҳадис.

³³ Имом Аъзам. Ал-Фикҳ ал-акбар. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2006. 12-бет.

қарайдиган айрим тоифаларни ҳам «замонамиз хорижийлари», деб атамоқдалар⁵⁴.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳам келажакда бўладиган бундай қабихликни илоҳий башорат асосида англаб етган ҳолда мусулмонларни бу каби ишлардан қайтарган эдилар. Жумладан, Имом Термизий Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Муҳаммад (алайҳис-салом):

«Охир замонда бир қавм чиқади. Уларнинг ёшлари кичик, ақллари паст. Қуръонни қироат қилурлар. У (Қуръон қироати) уларнинг бўғзидан нарига ўтмас. Улар одамларнинг энг яхши гапларини сўзлайдилар. Диндан худди камондан ўқ чиққандек чиқарлар», дедилар⁵⁵.

Шу мазмундаги яна бир ҳадисда айтилишича, Али ибн Абу Толиб Ямандан Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га бир бўлак тилла юборди. Муҳаммад (алайҳис-салом) уни Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳобис, Зайд Хойл ва Алқама ибн Улосага тақсимлаб бердилар. Шунда бир киши бундай тақсимотдан порози бўлиб: «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳдан қўрқинг», деб юборди. У зот: «*Шўринг қуригур, мен ер юзи аҳлининг Аллоҳдан қўрқишга энг ҳақлироғи эмасманми?!*» – дедилар. Ҳалиги одам орқасига бурилиб кетди. Шунда Холид ибн Валид Расулуллоҳдан уни жазолашга изн сўраган эди, Расулуллоҳ: «*Йўқ, балки у намоз ўқир*», дедилар. Холид ибн Валид деди: «Қанчадан қанча намоз ўқийдиган одамлар борки, тили билан қалбида бўлмаган нарсани сўзлайди». Шунда Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «*Мен одамларнинг қалбларини тешиб кўришга ва қоринларини ёриб кўришга буюрилмаганман*», дедилар⁵⁶.

Бу ҳадиси шарифда ҳам имон қалбга боғлиқ амал экани, шунингдек инсоннинг қилаётган иши оғир гуноҳ бўлса-да, у инсоннинг куфрига далолат қилмаслиги кўриниб турибди. Агар мўминнинг гуноҳи туфайли диндан чиқиши ҳукм қилинганида эди, Аллоҳнинг пайғамбарини «адолатсиз» деб гумон қилган

⁵⁴ I-схемага қаранг.

⁵⁵ Сунани Термизий, 2208-ҳадис.

⁵⁶ Саҳиҳи Муслим, 1839-ҳадис.

киши энг аввалгилардан бўлиб куфрда айбланган бўлар эди. Ваҳоланки, Пайғамбар (алайҳис-салом) у кишини «кофир бўлди» демадилар, балки «*Мен одамларнинг қалбларини тешиб кўришга ва қоринларини ёриб кўришга буюрилмаганман*», деб умматларга имон қалбга боғлиқ ва дахлсиз эканини таълим бердилар.

Бундан ташқари мусулмонни куфрда айблаш оғир гуноҳ экани, ҳатто бу иш уни ўлдиришга тенг маъсият амаллардан бўлишини «*Бирор мўминни кофирликда айлаган киши уни ўлдиргандек (гуноҳга мубтало) бўлади*»³⁷ деган ҳадис мазмунидан ҳам билиб олиш мумкин.

Аммо шу билан бирга кўплаб оят ва ҳадисларда инсон бирор амални қилган ёки қилмаганлиги учун кофир бўлиб қолишидан огоҳлантирилади. Жумладан, «...**Аллоҳ нозил қилган нарса** (оятлар) **билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир**», (*Моида, 44*). Бу оят хусусида буюк саҳобий Ибн Аббос (р.а.)дан нақл қилинадики, Аллоҳнинг ҳукмларидан бирортасини инкор этмай иқроор ва тасдиқ этган ҳолда уларга мувофиқ ҳукм қилмаса, кофир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади.

Бундан ташқари, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)дан ҳам зоҳиран қараганда баъзи амалларни қилиш куфрга сабаб бўлиши ҳақидаги бир қанча ҳадислар етиб келган. Жумладан, Муҳаммад (алайҳис-салом) айтадилар: «*Биз билан у (мунофиқ) лар ўртасидаги аҳд – намоздир. Ким уни тарк қилса кофир бўлибди*»³⁸. Яна бир ҳадисда эса Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «*Аллоҳ таоло бандаларга беш вақт намозни фарз қилди. Уларни адо этган ва зое қилмаган киши учун Аллоҳнинг ҳузурида уни жаннатга киритиш аҳди бордир. Уларни адо этмаган кишилар учун Аллоҳнинг ҳузурида аҳд йўқдир. Аллоҳ хоҳласа уларни жазолайди, хоҳласа жаннатига киритади*»³⁹.

Дастлабки ҳадисда келганидек, намозни тарк этиш диндан чиқарувчи куфр бўлганида, иккинчи ҳадисдаги Аллоҳ хоҳласа, намозни зое қилган инсонни ҳам жаннатга киритиши мумкинлиги ҳақидаги хабар келмаган бўларди. Ёки бўлмаса Муҳаммад (алайҳис-салом): «*Мусулмонни сўкиш фосиқлик, у билан*

³⁷ Саҳиҳи Бухорий, 5776-ҳадис.

³⁸ Муснади Имом Аҳмад, 22492-ҳадис.

³⁹ Сунани Ибн Можа, 1404-ҳадис.

уруш қилиш кифрди»⁴⁰, дея мусулмонларни ўзаро урушсалар кофир бўлиб қолишдан огоҳлантирганлар. Ҳадиснинг зоҳирий маъносидан ўзаро жанжаллашган, урушган икки мусулмон диндан чиқиб қолишини англаш қийин эмас. Аммо Куръони каримда Аллоҳ таоло: «Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!... Албатта, мўминлар (динда) ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз», (*Ҳужурот*, 9-10) деб ўзаро урушган икки мусулмонларни «кофир» деб эмас, «мўмин» деб атамоқда.

Бунга ўхшаш яна кўплаб ҳадислар саҳиҳ тўпламлардан ўрин олган. Жумладан, «*Ким фолбинга ёки қоҳинга борса ва унинг айтган гапини тасдиқласа, шубҳасиз, Муҳаммадга тушган нарсага кофир бўлибди*»⁴¹, «*Ким Аллоҳдан ўзга ила қасам ичса, батаҳқиқ кофир бўлибди*»⁴², «*Мендан кейин бир-бирингизнинг бошингизни оладиган кофир бўлиб кетмангиз!*»⁴³ Бу каби ҳадисларни ўрганган муҳаддис олимлар улардаги «кофир бўлибди», «биздан эмас» сингари сўзларда зажр, яъни қўрқитиш маъноси борлиги, ҳадисда қайтарилган амални қилган инсон мусулмончиликдан чиқмаслиги, балки оғир гуноҳкор бўлишини таъкидлаганлар.

Ўрта осийлик машҳур фақиҳ ва мутакаллим Абул Юср Паздавий (1030-1099) юқоридаги каби ҳадисларни таҳлил этиб, шундай хулоса беради, яъни кифрга нисбат беришга далолат қиладиган ҳадислардан ўша ишни қилиб, тавба қилмаса, шу ҳолатда Аллоҳнинг азобидан омонда бўлмайди, деб тушунилади⁴⁴. Чунки бошқа ҳадисларда гуноҳи кабира қилган мўмин мусулмон барибир жаннатга дохил бўлиши зикр этилган, яъни унинг ҳукми Аллоҳга ҳавола, хоҳласа кечиради, хоҳласа гуноҳига яраша жазо бериб, сўнг жаннатга киритади.

Имом Бухорий ва Муслим томонларидан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (алайҳис-салом): «*Кимки, ихлос билан «Ла*

⁴⁰ Саҳиҳи Бухорий, 48-ҳадис; Саҳиҳи Муслим, 126-ҳадис.

⁴¹ Муснади Имом Аҳмад, 9378-ҳадис.

⁴² Муснади Имом Аҳмад, 5917-ҳадис.

⁴³ Саҳиҳи Бухорий, 120-ҳадис.

⁴⁴ Қаранг: Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Ҳ.Петерленс нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактаба Азҳарийя ли-т-турос, 2003. 152-153 бет.

илаҳа шлаллоҳ» деса жаннатга киради”, деб марҳамат қилдилар. Машҳур саҳобий Абу Зар Ғифорий эса 3 марта такроран “Зино қилса ҳам, ўғрилиқ қилса ҳамми?” – деб сўрайверди. Шунда Расулulloҳ (алайҳис-салом): *Зино қилса ҳам, ўғрилиқ қилса ҳам, гарчи бу Абу Зарга ёқмаса ҳам*”, дедилар⁴⁵. Аммо “Зинокор зино қилаётганда мўмин бўлмайди”, деган ҳадис ушбу юқоридаги ҳадис билан биргаликда ўрганилади ҳамда “бирор гуноҳ учун мўмин бўлмайди” деганда, ҳақиқатда диндан чиққан деб ҳисобланмайди. Бунга яна бир далил сифатида фақиҳлар томонидан мўминларни бирор гуноҳлари туфайли диндан чиққан деб, белгиланмаганини зикр этиш ўринли. Балки диндан чиққан киши ўзи аниқ тарзда эътироф этиши лозим бўлган ҳамда панд-насиҳатларни узоқ муддат давомида қабул қилмагандан кейингина мусулмончиликдан чиққан, деб ҳисобланган. Яъни ўзи икром бўлиши шарт бўлган. Бу борада ҳадисда келган مؤمن (муъмин) сўзини машҳур фақиҳ Абул Юср Паздавий охиратда Аллоҳ мағфират этмаса, азобдан омонда бўлмайди, қутулмайди, деб шарҳлайди. Яъни инсон тавба қилиб бу каби гуноҳ ишларни зинҳор қилмаслиги зарурлигини таъкидлайди⁴⁶.

Яна бир мовароуннаҳрлик уламо Абу Шакур Солимий Кеший (XI аср) эса: «Кимки намозни қасддан тарк этса, кофир бўлибди» ҳадисидан Аллоҳга кофир бўлишни эмас, балки куфрони неъмат, яъни «ношукрлик қилибди» маъноси ирода қилинган. Бунинг мисоли Сулаймон (алайҳис-салом) қиссасида зикр қилинган, яъни «...Бас, унинг (тахтнинг) ўз ҳузурда турганини кўргач, деди: «Бу Раббимнинг шукр қиламанми ёки ношукрлик қиламанми, имтиҳон қилиш учун берган фазлидандир...» (Намл, 40). Шу ўринда «ношукрлик қиламанми» сўзи Куръонда «куфр келтираманми», «инкор этаманми» тарзида келганини таъкидлаш ўринли. Пайғамбарлардан куфр бўлишини ақл бовар қилмайди. Бундан юқоридаги ҳадисдаги «кофир бўлибди»

⁴⁵ Саҳиҳ Бухорий, 5379-ҳадис; Саҳиҳи Муслим, 138-ҳадис.

⁴⁶ Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Ҳ.Петерленс нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактаба Азҳарийя ли-т-турос, 2003. 152-153 бет.

калимасидан куфрони неъмат, яъни ношукрлик маъноси ирода қилингани маълум бўлади» – деб таъкидлайди⁴⁷.

Ақида уламолари шунга ўхшаш эътиқодий қоидалардан келиб чиққан ҳолда куфрни эътиқодий куфр ва амалий куфр, деб иккига ажратадилар. Бунга сабаб юқоридаги каби оят ва ҳадисларда қайсидир амални бажариш ёки бажармаслик оқибатида мусулмончиликдан чиқиб қолиш билан кўрқитилган ўринларнинг барчасида ҳам мусулмон одам чин маънодаги кофир бўлиб қолавермайди.

Агар шариатда мусулмон одам катта гуноҳ қилгани учун аниқ кофир бўлиши белгиланганида эди, ўша гуноҳкор бандага диндан қайтган (муртад) киши учун белгиланган жазо тайин қилиниши зарур бўлар эди. Жумладан, хотини билан никоҳи бузилади, меросдан маҳрум бўлади, агар у вафот этса, жаноза ўқилмайди, мусулмонлар қабристонига қўйилмайди ва бошқа чоралар назарда тутилган. Шу муносабат билан юқоридаги ҳадисларни тушунишда бошқа ҳадислардан ҳам фойдаланилади.

Диндан қайтганлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Пайғамбар (алаҳиссалом) ҳаётлик чоғларида уларни жазолаганлари ҳақида маълумотлар келмаган. Ваҳоланки, У зот ким мунофиқ, ким муртад эканини аниқ билганлар. Бир неча одам ўзларининг олдида диндан қайтганларини эълон қилган. Лекин шунда ҳам уларга чора кўрмаганлар.

Ўз даврининг етук уламози Ибн Нужайм ал-Ҳанафий ал-Мисрий (ваф. 970/1563 й.) ақидавий ва фикҳий масалаларни атрофлича ўрганиб, «Агар бир масалада кофир дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир демаслик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак. Аммо динда ҳаддан ошиб ғулувга кетганлар бу масалада «мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейишлик учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизни қўйиб, ўша бир далилни олиш керак», дейишга бориб етдилар. Бу

⁴⁷ Абу Шакур Солимиий. Ат-тамҳид фи баёнит тавҳид / Таржимон ва изоҳлар муаллифи Соатмурод Примов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. 172-бет.

эса, барча исломий мазҳаблар ва уламоларнинг тутган йўлига тескаридир», дейди.

Агар инсон амалий куфр эмас, эътиқодий куфрга кетганида ҳам уни диндан чиққанлигини аниқлаштиришнинг ўзига хос қоидалари ўрнатилган. Тарихий манбаларга кўра, бирор кимса куфрга далолат қилувчи хатти-ҳаракатни амалга оширса, у албатта, гувоҳлар иштирокида қозига олиб борилган ва ундан қилган иши, айтган гапи ҳақида сўралган. Мабодо, сўроқ қилинувчи айтган гапидан тонса, кофирлигига ўз сўзи билан иқрор бўлмаса, унга нисбатан жазо белгиланмаган ва бу унинг тавбаси ҳисобида қабул қилинган.

Агар куфрда гумонланаётган кимса бирор оятни нотўғри таъвил қилган ёки билмасдан куфрга олиб борувчи сўз айтган ёхуд хатти-ҳаракатни содир этган бўлса, у ҳолда унга бу ҳақида тушунтирилган ва хушёр бўлишга чақирилган. Агар айбланувчи қилган ишининг моҳиятини тўлиқ англаб етган ҳолда бажарган бўлса ва муртад бўлганини қози ҳузурида ўзи ҳам тан олса, уни тавба қилишга даъват қилинган.

Бу ҳолатлар киши имондан чиққанига очиқ далолат қилувчи аломатлар кузатилганда бажариладиган амаллардир. Лекин мўмин эканини очикдан-очик таъкидлаб, мусулмончилигини изҳор қилиб турган инсонни куфрда айблаш эса мусулмончиликка тўғри келмайдиган ўта қабиҳ амаллардандир. Шундай экан, ҳар бир инсон гапираётган ҳар қандай сўзига огоҳ бўлмоғи, ўйламай-нетмай ўзгаларни кофирга чиқариб юборишдан тийилиши, қолаверса, бу билан ўз имонини сақламоғи лозим.

МАЗҲАБСИЗЛИК ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Сохта салафийлар томонидан илгари сурилаётган мазҳабсизлик ғояси ислом шариатини тўғри тушунишга хавф солаётган хатарли ғоялардан биридир. Мазҳабларнинг шариатни тўғри талқин қилишдаги ўрни ҳақида гапиришдан аввал шариат ва фикҳ тушунчаларининг маъноларига тўхталиб ўтамиз.

«Шариат» сўзи араб тилида икки маънода ишлатилади: биринчиси, «сувга олиб борадиган йўл» маъносида. Араб мақолида шу маънода «Сув ичишнинг энгил йўли шариатга киришдир», дейилган; иккинчиси, «тўғри йўл» деган маънода. Қуръони каримнинг «Жосия» сураси 18-оятда «**Сўнгра** (эй, Муҳаммад!), **Биз сизни** (диний) **ишдан иборат шариат узра** (барқарор) **қилдик...**» дейилганда шу маъно назарда тутилган.

Ислом ҳуқуқида «шариат» деганда, уламолар Қуръони карим ва Пайғамбар суннатида келган илоҳий кўрсатмалар (ҳукмлар)нинг мажмуини тушунсалар, ҳуқуқшунослар эса ислом қонунчилиқ мажмуини назарда тутадилар.

Араб тилидаги «*фикҳ*» сўзи ўзбек тилида «чуқур тушуниш», «идрок этиш» деган маъноларни билдиради. «Фикҳ» сўзи билан бир қаторда «фаҳм», «маърифат», «илм» сўзлари ҳам англаш, билиш, идрок этиш маъноларини билдиради. Аммо «фикҳ» деганда атрофлича, моҳиятига етган ҳолда билиш ва тушуниш кўзда тутилади. «*Рубба ҳомили фикҳин ғайру фақиҳин*», яъни «*фикҳни ташувчи кўпгина кишилар фақиҳ эмаслар*» деган ҳадисда шу хусусият кўзда тутилгандир. Пайғамбаримизнинг машҳур ҳадисларидан бирида шундай дейилади: «*Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса уни динда фақиҳ қилиб қўяди*»⁴⁸. Бу ҳадис

⁴⁸ Саҳиҳи Бухорий, 71-ҳадис.

кўп ҳолларда дин илми билимдонларини улуғлаш мақсадида зикр қилинади.

Истилоҳда эса «фиқҳ» – шариат ҳукмларини ўрганиш, шариат қоидаларини барча жузъиёти билан англаш ҳамда қайси мақсадда ишлаб чиқилганини тушуниш ва ўзлаштирилган ушбу илми амалга татбиқ этишдир⁴⁹.

Ислом фиқҳининг алоҳида соҳа сифатида шаклланиши ҳамда фиқҳий мазҳабларнинг ривожланиши айнан шариатни тўғри тушуниш ва татбиқ этиш борасидаги қадамлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Суннийликдаги фиқҳий мактабларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий муносабатларда шариат кўрсатмаларини айнан ўз ўрнида тўғри қўллаш учун муносиб шароит яратиб берди.

Сохта салафийлик мафкурасига кўра фиқҳий мазҳаблар томонидан ишлаб чиқилган категориялар шариатни тўғри тушуниш методологияси сифатида тан олинмайди, тўғридан-тўғри шариат аҳкомларини амалга татбиқ этиш энг тўғри йўл, деб ҳисобланади.

Сохта салафийлар илгари сураётган мазҳабсизлик ғояси ўтган минглаб олимларнинг қилган меҳнатларини, қанча машаққат билан умр сарфлаб яратилган ноёб манбаларни бекорга чиқаради. Асрлар давомида барча мусулмонлар амал қилиб келган анъаналар нотўғри, шунча мусулмон адашган экан, деган хулосага олиб келади. Энг аянчлиси, мусулмонларни бирлаштириб, жамлаб турган тўғри йўлга путур етказди. Бунинг натижасида эса, мусулмонлар орасида ўзаро парокандалик юзага келади. Бу тарздаги мазҳабсизликка чақириқ мазҳаблар моҳияти ва қийматини умуман билмасликдан келиб чиқади. Гарчи мазҳаблар 4 та бўлса ҳам, улар ягона аҳли сунна ва жамоанинг йўналишлари сифатида эътибор қилинади ва мусулмон умматини жамлайди, бирлаштиради. Зеро, Пайғамбар (алайҳис-салом) шундай марҳамат қиладилар: *«Аллоҳ умматимни бирор*

⁴⁹ Қаранг: Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. 52-бет.

залолатга жамламас»⁵⁰. Яна бир ҳадисда «Мусулмонлар яхши деб билган нарса Аллоҳнинг ҳузурида ҳам яхшидир»⁵¹ – дейилган.

Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳаётларининг охирига келиб, турли қабила ва юрт одамлари исломни қабул қила бошладилар. Янги мусулмонлар олдида йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида нозил бўлган оятларни ўрганиш, шариат аҳкомларини ўз ҳаётларига татбиқ қилиш вазифаси турар эди. Табиийки, ёш саҳобийлар ўзларидан катталардан, янги мусулмонлар эса, аввалги мусулмонлардан шаръий масалаларни ўргана бошладилар⁵².

Биринчи ҳижрий асрнинг иккинчи ярми ва иккинчи ҳижрий асрда ислом дини дунё бўйлаб, турли минтақаларда тарқалди. Турли араб бўлмаган халқлар ҳам мусулмон бўлдилар. Табиийки, улар ўзларига Қуръони карим ва Пайғамбар (алайҳис-салом) суннатларидан шариат аҳкомларини чиқариб, тартибга солиш имконига эга эмас эдилар.

Шундай қилиб, жамиятда аста-секин кишиларга диний ҳукмларни ўргатадиган, уларнинг саволларига жавоб бера оладиган, муайян илмларга эга инсонларга эҳтиёж тобора ортиб борди.

Шу тариқа турли диёрларда олимлар етишиб чиқа бошладилар. Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеий ва Имом Аҳмадлар бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган тўрт фикҳий мазҳабга асос солдилар. Улар ибодатлар ва бошқа барча масалаларни Қуръони карим ва ҳадиси шарифга кўра маълум қоидаларга солиб чиқдилар. Манбанинг бойлиги ва Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг айрим вақтларда бир амални турлича бажарганлари, бир масала бўйича турлича тасарруфлари ҳақидаги ҳадис ва хабарлар, ривоятлар бу олимларнинг ишларида ҳам маълум жузъий фарқларни пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, турли минтақалардаги шароитларнинг

⁵⁰ Имом Найсобурий, Ал-Мустадрок, 363-ҳадис.

⁵¹ Имом Найсобурий. Ал-Мустадрок. 4465-ҳадис.

⁵² Ас-Сайис Али Муҳаммад. Тарих ал-фикҳ ал-исламий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. 87-бет.

турличалиги, шариат масалаларида табиий тафовутларнинг юзага келишига асос бўлди. Масалан, шофеий мазҳабида таҳоратдан сўнг юз-қўлни артмаслик афзал бўлса, ҳанафий мазҳабида артиш афзалдир. Бу ўринда мазҳаблар тарқалган ҳудудлардаги иқлим шароити ҳам эътиборга олинган. Бинобарин, Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан икки ҳолатни ҳам тасдиқловчи ривоятлар етиб келган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Имом Шофеий Мисрга келганларидан сўнг, Бағдодда айтган баъзи ҳукмларини урф ўзгаргани учун ўзгартирганлар. Масалан, икки даъвогар ўз даъволарида ҳужжатлари йўқлиги сабабидан келиша олмасалар, урф қайси бирини қувватласа, ҳукм шунинг фойдасига бўлиши; эр билан хотин маҳрнинг аввалдан бериладиган ва кейин бериладиган қисмларига келиша олмасалар урфга асосан ҳал қилиниши; бир киши гўшт емайман, деб қасам ичса-да, балиқ еса, қасамига каффорат бермаслиги каби ҳодисалар урфга асосан ҳал қилинган.

Юқорида зикр этилганидек, жузъий масалаларда ихтилоф қилингани билан, тўрт сунний мазҳабда исломнинг асосий масалалари бўйича ихтилофлар йўқ. Мазҳаблар ўртасидаги фарқлар намоз ибодатида кўпроқ кўзга ташланади: намозда тик турганда қўлни боғлаш шакли, такбирларда қўлни кўтариш, имомга иқтидо қилганда «Фотиҳа»ни ўқиш ёки ўқимаслик ва бошқалар.

Шунингдек, намоз ўқиш жараёнида қўлларини кўкрак устига, кўкрак қуйроғига, киндик қуйроғига ёки қўлларини икки ёнга тушириб туриши ҳақидаги тартибларнинг бари ҳадисларда келган. Ҳамда мазҳаб имомлари томонидан ушбу ривоятлар ўрганилиб, ҳар бир мазҳабда алоҳида қоида муайян асосида танлаб олинган. Бу каби фикҳий масалалардаги ҳадисларга асосланишдаги турлилик мазҳабларда жуда кўп кузатилади. Бинобарин, уларнинг барчалари ҳадисларни танлашда турлича ёндашувга таянадилар. Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа ҳам ҳадисларга мурожаат қилишда ўзига хос йўл тутган.

Ривоятга кўра, Абу Ҳанифа билан Авзойи⁵³ суҳбатлашганда, Авзойи унга «Нима учун рукуъда қўлингизни кўтармайсизлар, деб савол беради. Абу Ҳанифа «бу борада Муҳаммад (алаҳис-салом)дан саҳиҳ ҳадис келмаган», деб жавоб беради. Авзойи: «Қандай қилиб, Зухрий Солимдан, у отаси Абдуллоҳ ибн Умардан: «Муҳаммад (алайҳис-салом) намоз бошланишида, рукуъда ва рукуъдан турганларида икки қўллари кўтарардилар», деб ривоят қилишган-ку, дейди. Абу Ҳанифа: Ҳаммод ибн Салама, Иброҳим Наҳаъийдан, у Алқама ва Асваддан, улар Абдуллоҳ ибн Масъуддан «Муҳаммад (алайҳис-салом) намозда фақат унинг бошланишидагина икки қўллари кўтарардилар, бошқа бу ҳаракатни қилмасдилар», деган ҳадисни келтиради. Авзойи: «Мен Зухрий, Солим, Ибн Умар силсиласи билан ҳадис айтсам, сиз Ҳаммоднинг Иброҳимдан қилган ривоятини устун қўйяпсиз», дейди. Абу Ҳанифа: «Ҳаммод Зухрийдан фақиҳроқ, Иброҳим Солимдан фақиҳроқ, Алқама Ибн Умардек эмас, Асвад эса кўп фазилатлик киши, лекин Абдуллоҳ ибн Масъуд эса, у Абдуллоҳ ибн Масъуддир», деган. Авзойи бу сўзлардан кейин сукут қилган. Бундан Абу Ҳанифанинг ўз ечимларини ҳадисларнинг ичидан танлаб, ровийларининг фикҳдаги илм даражаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз хулосасини ишлаб чиққани намоён бўлади.

Ҳаж маросими пайтида Маккадаги Масжид ал-Ҳаромда ҳар хил юртлардан келган ҳожилар ўзларида қабул қилинган қоидага кўра намоз ўқийверадилар ва бу ҳеч қандай эътироз ёки ноқулайликка сабаб бўлмайди⁵⁴. Аммо бир диёрда бир хил тартибда, бир мазҳаб кўрсатмалари доирасида ибодат қилиш маҳаллий аҳоли вакиллари жипслаштиришга хизмат қилиб келган. Унинг акси эса турли ихтилофларга йўл очиб берган.

⁵³ Тўлиқ исми Абу Амр Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Авзойи (707-774). Авзойи мазҳабининг асосчиси. Бу мазҳаб Андалусия (Испания) ва Шом (Сурия) ҳудудларида тарқалган эди. Лекин ўз даврининг мураккаб масалаларига жавоб беролмаган мазкур мазҳаб кенг миқёсда ёйилмади ва аста-секин йўқ бўлиб кетди.

⁵⁴ Ҳасанов. А. А. Ислом тарихи дарслиги. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2008. 168-бет.

Ислом динининг Ўрта Осиё халқлари тарихида ижобий роль ўйнаганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Айни вақтда Ўрта Осиёда шаклланган минтақавий исломнинг ҳам умуммуслмон маданиятида ўзига хос салмоқли ўрни борлиги ҳам сир эмас. Мазҳабсизлик ғоясининг асл мазмуни эса, асрлар давомида муслмонлар амал қилиб келаётган ҳуқуқий мактабларни бекорга чиқаришдир. Бунинг натижасида жамиятда турли ихтилофлар вужудга келади, асрлар давомида ўз маромида келаётган ҳаёт изидан чиқиб кетади.

Олимлар наздида ҳар доим одамлар шариат билимларини билиш даражасига кўра хос ва оммага бўлинган. Хос кишилар маълум бир соҳа билан шуғулланиб, ўз мутахассислигини мукамал ўрганган. Омма одамлар эса, ўзларининг одатий ишлари, касб-хунарлари каби ишлар билан машғул бўлган ва зарурат туғилганда керакли мутахассисга мурожаат қилиб ўз масаласи бўйича ечим топган. Шаръий ҳукм чиқариш билан ҳам хос кишилар, яъни мужтаҳид фақиҳлар шуғулланган, омма муслмонлар эса ушбу ҳукмларга амал қилган. Демак, шариат ҳукмлари ва уларнинг далилларига нисбатан одамлар икки гуруҳга бўлинади: *мужтаҳидлар ва муқаллидлар*.

Мазҳаб ва мазҳабга эргашиш ҳақида гап кетганда, ижтиҳод ва одамларнинг унга нисбатан даражалари ҳақида айтиб ўтиш зарур, зеро бирор мазҳабга эргашиш ижтиҳод даражасига етмаган киши учун лозим бўлади. Мазҳаблар ижтиҳоднинг маҳсули, ижтиҳод эса ҳамманинг қўлидан келадиган оддий иш эмас. «Ижтиҳод» бу арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси қийин бир иш учун қўлидан келганича ҳаракат қилиш ва бор имкониятларни ишга солиш, деганидир. *Истилоҳда* (фанда кўзда тутилган маъноси) эса, ижтиҳод «шариатда муайян илмий салоҳиятга эга фақиҳ олимнинг шариатнинг муфассал далилларидан шаръий ҳукмларни чиқариб олиш, яъни истинбот қилиш жараёнидир⁵⁵. Ижтиҳод қилиш, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланадиган шахс – *мужтаҳид* деб аталади. Мужтаҳид шариат ҳукмларини кўрсатувчи (белгилаб берувчи) далилларни ва шу далиллардан

⁵⁵ Қаранг: Зухайлий В. Усул ал-фиқҳ ал-ислабий. – Дамашқ; Дор ал-фикр, 1986. Ж. 2. 311-бет. Абу Захра. Тарих ал-мазаҳиб ал-ислабийя. 306-бет.

қандай ҳукм олишни билади. Улар ўз навбатида мутлақ мужтахид ва муқайяд мужтахидга бўлинади. Мутлақ мужтахид барча масалаларда ўзи мустақил ижтиҳод қилади, мазҳабга тақлид қилмайди. Ҳозирги кунда мутлақ мужтахидлик шартларини ўзида жамлаган кишилар йўқ, деб ҳисобланади. Тўрт мазҳаббоши Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар мутлақ мужтахид, деб эътироф этилади. Муқайяд мужтахид эса, бир мазҳаб доирасидаги мужтахид ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу каби ижтиҳодий масалалар халқаро миқёсдаги фатво кенгашлари, фикҳий академиялар, уламолар кенгашлари томонидан ўрнатилади ва тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Юқорида *ижтиҳод ва мужтахидлар* тўғрисида сўз юритдик, энди одамларнинг иккинчи гуруҳи – *муқаллидлар* ҳақида сўз юритамиз.

Шариат ҳукмларига далолат қилувчи далилларни ва шу далиллардан қандай ҳукм олишни умуман билмайдиган ёки далилларни билса-да, улардан қандай ҳукм олинишини билмайдиган киши, яъни ижтиҳод қилиш салоҳиятига эга бўлмаган кишилар мужтахидларга эргашади ва бу тақлид қилиш дейилади. Тақлид қилувчи эса *муқаллид* дейилади.

«*Тақлид*» арабча сўз бўлиб, луғатда «бирор нарсани ёки тақинчоқни бошқа кишининг бўйнига қўйиш, осийш» деган маънони англатади⁵⁶. Истилоҳда эса, чиқарилган ҳукмга унинг далилини билмаган ҳолда эргашишдир⁵⁷. Ҳанафий мазҳаби олимлари ва мотуридийлик ақидасига кўра тақлидий диндор бўлиш жоиз эканлиги, эътиқод ва амалларда далилларни билмаслиги унинг динига путур етказмаслигини таъкидлаганлар. Умуман, аксарият уламолар ҳам тақлид қилиш шариатга зид эмас эканлиги ва ижтиҳод даражасига етмаган киши агар олим бўлса ҳам тақлид қилиши шарт эканлигини таъкидлаган ҳолда Қуръон, ижмо ва ақлий далиллардан қуйидагиларни келтирганлар:

⁵⁶ Зухайлий В. Усул ал-фикҳ ал-исламий. Ж. 2. 391-бет.

⁵⁷ Ўша манба. 390-бет.

Қуръони каримдан далил:

Қуръони каримнинг «...Агар (бу ҳақда) билмайдиган бўлсангиз, аҳли зикрлардан сўрангиз!» (Наҳл, 43) деган оятига биноан шариат ҳукмини ҳамда унинг далилини билмайдиган киши буни биладиган кишидан сўраб, унга эргашиши шарт бўлади⁵⁸.

Ижмодан далил:

Ибн Халдун ва бошқа тарихчи олимлар айтганидек, саҳобийларнинг ҳаммаси ҳам фатво бермаган, дин уларнинг ҳар биридан ўрганлмаган. Балки фатво берувчи мужтаҳид саҳобийлар сони фатво сўрайдиган муқаллид саҳобийларга нисбатан жуда оз бўлган. Мужтаҳид саҳобийлар муқаллидларини фатво сўрашдан қайтармаганлар ва уларга ўзлари ижтиҳод даражасини ҳосил қилишга ҳам буюрмаганлар. Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам фақиҳ саҳобийларни аҳолиси исломдан билимлари йўқ халқлар ҳузурига юборганлар. У ердаги аҳоли ўша юборилган саҳобийнинг барча фатволарига амал қилган. Гоҳида Қуръон ва суннадан далил топа олмаган масалаларда саҳобий ижтиҳод қилган ва одамлар унинг ижтиҳодига эргашганлар. Саҳобий ва тобейилардан ҳеч бири буни инкор қилмаганлари тақлид қилиш жоиз эканлигига сукутий ижмо сифатида баҳоланади⁵⁹.

Ақлий далил:

Ижтиҳод жуда оз кишиларгина ҳосил қилиши мумкин бўлган малакадир. Шундай экан, одамларнинг ҳаммасини бунга буюриш тоқатдан юқори нарсага буюришдир, бу шаръан мумкин эмас, зеро «Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани тақлиф этмайди...» (Бақара, 286).

Мусулмон киши бу дунёда ҳаёт кечирар экан, у яшаш учун интилиши, касб-ҳунар қилиши, оиласини боқиши ва бошқа яшаш учун зарурий бўлган ишларни қилиши керак. Агар ҳар бир киши ҳукмларнинг далилларини билиши керак бўлса, барча ишларни

⁵⁸ Қаранг: Зуҳайлий В. Усул ал-фиқҳ ал-ислабий. Ж. 2. 399-бет. Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий. Ал-Ламазхабийя ахтару бидъат тухаддид аш-шариа ал-ислабийя. – Дамашқ: Дор ал-Фаробий, 2005. 97-бет.

⁵⁹ Қаранг: Ал-Бутий. Ал-Ламазхабийя ахтару бидъа тухаддид аш-шариа ал-ислабийя. 98-бет. Зуҳайлий В. Усул ал-фиқҳ ал-ислабий. Ж. 2. 339-бет.

четга суриб, шаръий ҳукмларнинг далилларини ўрганишга киришиши керак бўлади. Натижада жамиятдаги ижтимоий ҳаёт тизгини издан чиқиб, кўп ишлар қолиб кетади, ҳаёт тизими бузилади ҳамда одамларга қийинчилик туғдиради. Бу эса ислом динига зид, зеро Аллоҳ таоло «... динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади...» (Ҳаж, 78). Муаммонинг ечими мутахассислар, яъни мужтахидлар чиқарган шаръий ҳукмларга, яъни мазҳабларга тақлид қилишдир⁶⁰. Хужжатул ислом аллома Имом Ғаззолий ўзининг машҳур «Ихё улум ад-дин» асарида шундай деган: «Авомнинг ҳаққи – имон келтириб, таслим бўлиш ҳамда ўз ибодатлари ва ҳаёт ишлари билан шуғулланишдир, илми эса олимларга қўйиб бериш керак. Чунки Аллоҳ ва Унинг дини борасида аниқ илмсиз ҳолда гапирган инсон, худди тубсиз денгизга тушиб қолган сузишни билмайдиган киши каби ўзи билмаган ҳолда куфрга тушиб қолади»⁶¹.

Тақлид қилиш табиий нарса, бундан бошқа йўл йўқ. Ҳатто мазҳабга эргашмаймиз, деб даъво қилаётганлар ҳам, гарчи тўрт мазҳабнинг мужтахид имомларига тақлид қилмаса-да, кимларгадир эргашади.

Юқоридаги далиллар ижтиҳод ва истинбот қилиш, яъни ҳукм олиш даражасига етмаган киши мужтахидга тақлид қилиши керак эканлигига далолат қилар экан, машҳур олим Абу Исҳоқ Иброҳим Шотибий айтади: «Мужтахидга шаръий далиллар қандай бўлса, мужтахиднинг фатвоси авомга нисбатан ҳам шундай ўриндадир».

Асрлар давомида мусулмонлар тўрт мазҳаб – ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларидан бирига амал қилиб келганлар. Ҳеч ким буни инкор қилмаган. Қанча-қанча фақиҳ, муҳаддис, мутакаллим ва мутасаввиф олимлар ҳам шу мазҳабларга асосан ўз фаолиятларини олиб бордилар.

Мазҳабсизлик ғояси ўзида миллатни ортга тортиш, қоқоқликка маҳкум қилиш хавфини мужассамлайди, тараққиётдан четга чиқиб қолишга олиб келади. Чунки турли

⁶⁰ Қаранг: Зухайлий В. Усул ал-фикҳ ал-ислабий. Ж. 2. 340-бет. Ал-Бутий. Ал-Ламазҳабий ахтару бидъат тухаддид аш-шариа ал-ислабийя. 97-98-бетлар.

⁶¹ Зухайлий В. Усул ал-фикҳ ал-ислабий. Ж. 2. 340-бет.

соҳа мутахассислари мазҳабсизлик ғоясига эргашса, унда умрларини ўз касбий маҳоратларини юксалтириш, изланишлар олиб боришга эмас, балки тубсиз диний масалаларга ўралашиб қолиб, ҳаётларини фақат ўзлари учун диний ҳукмлар чиқаришга сарфлайдилар. Оқибатда турли соҳалардаги мутахассислар ҳам тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ўзларини йўқотиб қўядилар: яхши мутахассис ҳам, етук уламо ҳам бўла олмайдилар. Натижада мутахассислардан мосуво бўлиб бориши баробарида, миллат аввалида турғунлик, кейинчалик эса таназзулга юз тутади. Аслида эса ҳар бир мутахассиснинг ўз соҳасини пухта эгаллаши, жамият ривожини учун хизмат қилиши, одамлар оғирини енгил қилиши, юрт равнақига ҳисса қўшиши ҳам улуғ ибодатдир.

Мазҳабсизлик ғояси – компьютер вируси каби юртимизнинг ҳанафий мазҳаби таълимоти билан боғлиқ ўн икки асрлик тарихини бир зумда ўчириб ташлаб, ўрнига ўзининг зарарли ғоясини юкламоқчи бўлади.

Ҳозирги кунда ҳали ҳам юртдошларимиз орасида билиб-билмай мазҳабсизлик ғояси таъсирида юрган кишиларнинг мавжуд бўлиши бу ғоянинг бузуқ моҳиятини халқимизга тушунтириб бериш, мазҳабларнинг асл моҳияти, уларнинг бебаҳо қиймати, хусусан, халқимиз азалдан амал қилиб келаётган ҳанафий мазҳабининг аҳамиятини халқимизга, ёшларимизга тўғри тушунтириб бориш заруриятини тақозо этади.

ФАҚИХЛАР ТОМОНИДАН ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ҲАДИСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚАНДАЙ АСОСЛАРГА ТАЯНАДИ?

Маълумки, ҳадислар (сунна) Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган манба бўлиб, фикҳ илмида кенг фойдаланилади. Фақат айрим адашган оқимлар томонидан суннат акс этган ривоятлар масалалар ечимида четда қолган. Барча мазҳабларда ҳадислар Қуръондан кейинги далил олишда манба сифатида қаралиб келган. Жумладан, ҳанафий мазҳабида фикҳий масалалар ечимида ҳадисларга алоҳида эътибор билан қаралади. Сохта салафийлар томонидан ҳанафийлик фикҳи ва мотуридийлик ақидавий йўналиши даражасини тушириш мақсадида ушбу мазҳабга “ҳадислардан кўра раъй ва ижтиҳодга мойиллик устун” деган таъна қилинади. Лекин барча асрларда бўлгани каби ҳанафийлик мазҳаби раъй ва ижтиҳодга эътибор қаратиши билан бирга ҳадисларни зинҳор тарк этмаган, балки масалалар ечимида улардан самарали фойдаланган. Бунда фақиҳлар томонидан ҳадисларнинг турли-туманлиги, орасида ишончли ва ишончсизлиги мавжудлиги, мазҳаб имомлари яшаган даврларда кўплаб бидъат ва хурофотга берилган оқимларнинг ҳадисларни тўқиб чиқаришлари авж олган вақтларда турлича усулий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Ҳадисларнинг мутавотири, машҳури, оҳодларини турли масалаларда ечим сифатида қабул қилиниши билан бирга улардан истифода этишда ислом уламоларининг ўзига хос ёндашувларини кузатиш мумкин.

Масалан, Имом Молик ибн Анас хабарул оҳодни агар у Мадина аҳли амалига хилоф бўлмаса қабул қилинишини айтган. Яъни бир киши ривоят қилган ҳадисни Мадинада кўплаб саҳобийларнинг яшаб фаолият кўрсатиб, динни ўргатганлари сабабидан уларни қабул қилган амалларидан устун бўлмаслигини

таъкидлаган. Чунки у Мадина аҳли амалини Пайғамбар (а.с.)дан ривоятдек санаган.

Абу Ҳанифа эса оҳод хабарни қабул қилишда қуйидаги қоидаларни қўллаган ҳамда сўнг ундан ҳужжат сифатида фойдаланган:

– оҳод хабар бошқа машҳур қавлий ёки феълий сунна (ҳадис) га хилоф бўлмаслиги лозим;

– бирон бир ўлкага келиб яшаган саҳобий ва тобейларнинг ўргатган таълимларига хилоф бўлмаслиги лозим;

– Қуръоннинг умум маъноларига ва зоҳирига хилоф бўлмаслиги, чунки Қуръон қатъий ва мутавотир бўлиб, унинг умум маънолари ва зоҳири ҳам қатъий ва мутавотирдир. Аммо агар оҳод хабар Қуръоннинг умум маънолари ва зоҳирига хилоф бўлмаса, балки унинг мужмал ўринларини баён қилиб берса, унда улардан фойдаланилади, чунки баён ва шарҳ этилмай далил ишлаб чиқиб бўлмайди.

Шунингдек, Қуръони каримда ва баъзи ҳадисларда шундай оят ва иборалар борки, уларнинг зоҳирий маъносига суянилса, Аллоҳ таолога муносиб бўлмаган қусурли ақида ва тушунчалар келиб чиқади. Мисол учун “ядуллоҳ” (Аллоҳнинг қўли), “важҳуллоҳ” (Аллоҳнинг юзи) кабилар. Бундай иборалар “муташобих оятлар”да келади. Бу оятларнинг маънолари ҳақида машҳур ҳанафий олими Шамсулаимма Сарахсий шундай дейди: “Аллоҳнинг исм ва сифатлари ҳақида Аҳли сунна ва жамоа насс, яъни қатъий оятлар ва ишончли далиллар билан маълум бўлган нарсаларни ҳақиқат деб биладилар. Уларнинг қандайлиги (кайфияти) номаълум деган фикрда тўхтаганлар. Бу иш билан шуғулланиш мумкин эмас, деганлар”. Зеро муташобих оятларга Қуръон ва сунна асосида таъвил йўли билан маъно берилмаса, унинг зоҳирига кўра “ташбих ва тажсим” каби бузуқ ақидалар шаклланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Масалан, Қуръон оятларидаги “Аллоҳнинг қўли ва юзи”, деганда зоҳирийлар бандаларга хос сифатларни нисбат берган бўлсалар, мотуридийлик эътиқодига кўра ушбу оятларга имон келтириб

кўзда тутилган ғоя Аллоҳга “тафвиз” – ҳавола қилинади. Бу билан турли бузуқ таъвилларнинг олди олинади.

Ҳозирги кундаги сохта салафийлар муташобих оятларни нотўғри таъвил қилиб, Аллоҳнинг юзи, қўли бор, лекин одамларники каби эмас, деб мусулмонларда Аллоҳ ва Унинг сифатлари ҳақида турли нотўғри тушунчалар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Аҳли сунна ва жамоа йўналишида эса, бу каби оятларнинг муроди Аллоҳга маълум эканига имон келтирилади.

Абу Ҳанифа Абу Ҳурайранинг агар ит бирор идишни яласа, унда уни етти марта чайиш лозимлиги ҳақидаги ҳадисини унинг ўзининг бу масаладаги фатвосига қарама-қарши бўлгани учун қабул қилмаган. Абу Ҳурайра бундай идишни уч марта ювиш лозимлиги ҳақида фатво берган эди.

Абу Ҳанифа шу каби далиллар билан оҳод ҳадислардан фойдаланишда эҳтиёткорлик қилади. Бу ёндашув ҳанафийлик уламолари жумладан, Абу Мансур Мотуридий услубида ҳам кузатилади.

Шофеий эса, оҳод ҳадислардан фойдаланиш зарурлигини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилган. Лекин у бошқа машҳур олимларга хилоф равишда мурсал ҳадислардан фойдаланмаслик, улардан ҳужжат келтирмасликка асосланади. Фақат катта тобейилардан мурсал ҳадис маъноси бошқа йўл билан (саҳобий ёки катта уламолар ривояти билан) қўллаб-қувватлансагина фойдаланиш мумкинлигини айтади. Яъни санадан саҳобий тушиб қолиб, тобейининг “Расулуллоҳ бундай дедилар”, “Расулуллоҳ шундай қилардилар” каби йўсиндаги ҳадисларни ишлатмаслик ҳақида қонидани ишлаб чиққан. Абу Ҳанифа, Суфён Саврий, Молик ва бошқа кўпчилик катта уламолар фикҳий масалаларни ечишда мурсал ҳадислардан фойдаланишга асосланганлар.

Шофеийнинг оҳод ҳадисларни ҳимоя қилишига унинг даврида мўътазила оқимининг авж олгани ва уларнинг оҳод ҳадисларни умуман далил ҳужжат қилиб бўлмаслиги ҳақидаги қарашларининг тарқалаётгани сабаб бўлган.

Шунинг учун Шофеий ҳадисларни ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг орасидаги оҳодларини ҳам доимо ҳужжат бўлишини таъкидлашга ҳаракат қилган.

Оҳод ҳадисларга ҳанафийлик-мотуридийлик асослари билан ёндашилса ҳозирги кунда кенг тарқалган, биргина Абу Саид Худрийдан ривоят қилинган ҳадисдаги имоннинг заиф бўлиши мумкинлигини ислом динидаги таълимот даражасига кўтармаслик келиб чиқади. Ушбу ҳадисда *“Сизлардан бирор ким бирор мункар ишни кўрса, уни қўли билан тузатсин, агар қўлидан келмаса, тили билан тузатсин, агар бу ҳам қўлидан келмаса, унда қалби билан қарши бўлсин, лекин бу имоннинг ўта заифлигини билдиради”* – дейилган. Қуръонда ҳам бошқа ишончли ҳадисларда ҳам, айнан киши имонининг ноқис ёки заиф бўлиши мумкинлигига ишора ҳам, аниқ далил ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам имом Мотуридий ишлаб чиққан ақидавий қарашга кўра ҳар бир имон соҳибининг имони комил, тўлиқдир, камаймайди ҳам кўпаймайди ҳам, амаллар қилиш ёки қилмаслик билан уларга ноқислик ҳам зиёдалик ҳам бўлмайди. Балки имон нури ёруғлашиши, тақвоси зиёдалашиши мумкин, аммо имоннинг ўзи доимо комил бўлган ҳолда туради. Бу қараш аслида кишиларнинг бир-бирларини куфрга нисбат бермасликлари, имонда бир-бирларини табақалантирмасликлари кабиларни таъминлаши билан бирга юртимизда мўмин-мусулмонларнинг асрлар оша ўзаро бағрикенглик, мўътадиллик асосида турмуш кечеришларига замин яратди.

Сохта салафийларнинг ўз фаолиятларида ҳадисларга бўлган муносабатлари ҳам аҳли сунна ва жамоа ёндашувидан фарқ қилади. Улар томонидан ёшлар ўртасида саҳиҳ ҳадис тўпламларида келтирилган ҳадисларни рўкач қилиб, турли фитналарни қўзғаш, ихтилофлар келтириб чиқариш ҳолати юз бермоқда. Ваҳоланки, бу тўпламларда ҳадисларнинг шарҳи, носих-мансухи, таъвиллари келтирилмаган. Бинобарин, Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам суннатни маҳкам тутишни буюрганлар, ҳадисларни эмас. Сохта салафийлар барча ҳадис ҳам суннат бўлмаслигини эътибордан четда қолдирадilar.

Уч қисм ривоятлар ҳадис бўлади, аммо суннат бўлмаслигига уламолар иттифоқ қилганлар: мансух ҳадислар; Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг ўзларига хос ҳадислар; айрим маслаҳат ёки тушунтириш маъносидаги айтган сўзлари ёки амаллари (масалан, туриб пешоб қилиш, туя гўшти еган одам таҳорат янгилashi, оловда пишган нарса истеъмол қилганда таҳорат янгиланиши, фарзандни кўтариб намоз ўқиш ва бошқа).

Сохта салафийларнинг заиф ҳадисларни мавзу-тўқима ҳадислар билан бир қаторда кўришлари ҳам анъанавий аҳли сунна вал жамоа ёндашувидан тубдан фарқ қилади. Ваҳоланки, тўртала мазҳабда ҳам саҳиҳ, ҳасан, заиф ҳадисларнинг бари ҳадис сифатида эътиборга олинади ва ўз даражаларига мувофиқ уларга амал қилинади. Замонавий сохта салафийлар томонидан шу кунгача мусулмонлар ўртасида машҳур бўлиб келган саҳиҳ ҳадис тўпламларидаги улар заиф ҳисоблаётган ҳадисларни ажратиб, уларни тўқима ҳадисларга қўшиб юборадилар. Бу эса кучсиз, пуч ва саёз фикрларга таянган ҳолда неча асрлар давомида ислом уламолари бой манба асосида ишлаб чиққан пухта фикҳий қоидаларни инкор этишдир.

ИСЛОМ ДИНИ КЎРСАТМАЛАРИНИ СОХТА САЛАФИЙЛАР КАБИ ҲАРФИЙ ТУШУНИБ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ТЎҒРИМИ?

Сохта салафийлар томонидан илгари сурилаётган бузуқ ғоялар айнан ислом дини манбаларини юзаки ва ҳарфий тушунишдан келиб чиқади. Гап шундаки, ислом дини маълум мақсадни ирода этган ҳолда нозил қилинган. Асл мақсадни англамаган ҳолда, диний кўрсатмаларга кўр-кўрона эргашиш салбий оқибатларга олиб бориши аниқ. Саҳобийлар ҳам Пайғамбар (алайҳис-салом)дан айтилган дунёвий масалалардаги сўзларни баъзан сўзма-сўз – ҳарфий тушунишдан қочганлар. Ҳатто, «Бу Аллоҳдан ваҳий бўлганми ёки ўзингизнинг раъйингизми», деб сўрар, агар «ўз раъйим», десалар, у ҳолда саҳобийлар ўша масала бўйича ўз фикрларини билдирар эдилар. Агар уларнинг фикрлари маъқул келса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) уни қабул қилар ва ўз раъйларини ўзгартирар эдилар. Масалан, Бадр жангида саҳобий Хубоб ибн Мунзир мусулмон қўшин қароргоҳини Расулуллоҳ (алайҳис-салом) жойлаштирган ўриндан стратегик жиҳатдан яхшироқ, душман учун эса ноқулай бўлган жойга кўчириш ҳақида ўз муносабатини билдирганда, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) унинг фикрини қабул қилдилар ва қўшин қароргоҳини кўчирдилар. Бу каби ҳолатлар Расулуллоҳ (алайҳис-салом) даврларида кўп бўлган. Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг ўзлари ҳам айрим диний масалаларни сўзма-сўз тушунишдан қайтарганлар. Жумладан, «Бақара» сурасининг 187-ояти:

«... Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз. Сўнгра рўзани кечгача (қуёш ботгунча) мукамал тутингиз!..» нозил бўлганда, айрим саҳобийлар бу оятнинг зоҳирига қараб иш тутганларида, Пайғамбар (алайҳис-салом): *«Агар ип деб ўйлаган бўлсангиз, янглишасиз!»* – дедилар, сўнг *«Асло ундай эмас, улар тун қоронғулиги ва кун ёруғлигидир»*, – деб марҳамат қилганлар⁶².

⁶² Саҳиҳи Бухорий, 4263-ҳадис.

Хулафои рошидун орасида айниқса, Умар (р.а.) ўз яшаган даври муҳитини инобатга олиб амалга оширган ишлари талайгина. Масалан, саҳобийлар Умар (р.а.) даврларида Миср ва Ироқ худудларида босиб олинган ерларни ўлжа сифатида жангчилар орасида бўлиб беришни сўрайдилар. Уларнинг талаблари Куръони карим оятлари билан очиқ-ойдин далилланган эди. Лекин Умар (р.а.) умумманфаатни кўзлаб, шаҳар ва қишлоқларни жангчилар орасида тақсимлашни рад этадилар ва Куръони каримнинг бошқа оятини асос қилиб келтирадилар: «**Аллоҳ шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берилган нарсалар, сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина қўлма-қўл бўлиб юраверадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳга, Пайғамбарга ва (у зотнинг) қариндошлари, етимлар, мискинлар ва мусофирларга тегишлидир...**» (*Хашир, 7*).

Яна бир мисол, Мадинада бўлган очарчилик йилида Умар (р.а.) ўғрилиқ қилган кимсага нисбатан қўл кесиш жазосини бекор қилганлар. Инсонлар бирламчи эҳтиёж, яъни қорин тўйдиришга имконлари йўқ бўлган бир пайтда, ислом ҳуқуқининг адолат тамойили жазо чорасини қўллашдан кўра устунроқ маъно касб этган.

Умар (р.а.) бошқа хулафои рошидунлар каби диний кўрсатмаларнинг асл моҳиятини англаган ҳолда қарорлар қабул қилар эди. Жумладан, Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг закот вожиб бўладиган чорва моллар қаторига отларни қўшмаганлари ҳақида очиқ кўрсатмалар мавжуд бўлган бир вақтда, Умар (р.а.) ўз даврларида отлардан ҳам закот ундирганлар. Гап шундаки, Умар (р.а.) даврларига келиб, отлар Пайғамбар (алайҳис-салом) закот бериш вожиб, деб таъкидлаган туялардан ҳам кўра қимматроқ жониворга айланди. Бошқача қилиб айтганда, Умар (р.а.) закот жорий этилишининг мақсади ва моҳиятига эътибор қаратганлар. Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларида мол-мулкнинг закот вожиб бўлган маълум турлари санаб ўтилгани билан, авваламбор закот маълум миқдордаги бойликдан ночорларга ёрдам беришни ўзида мужассам этади. Ханафий мазҳабидан бошқа аҳли сунна ва жамоанинг барча мазҳаблари бу фикрни аввалига ёқламаганлар. Бу ҳолат мақсадга эмас,

балки кўпроқ шаклга эътибор қаратиш айрим ислом ҳуқуқи мактабларининг классик кўринишларида мавжуд бўлганидан далолат беради.

Лекин Умар (р.а.) ислом ҳуқуқи кўрсатмаларининг фақатгина моҳиятига эътибор қаратишни ҳамма вақт ҳам қўлламаганлар. Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилади: «Умар (р.а.)дан сўрадилар: Нима учун биз ислом дини Маккада жорий бўлганидан кейин ҳам Каъбани елкаларимизни очган ҳолда тавоф қилишимиз керак»? Бу савол берилишининг асосий сабаби шунда эдики, Макка фатҳидан аввал ҳижрий 7 йилда мусулмонлар умра зиёратига отланган вақтда маккаликлар орасида Пайғамбар (алайҳис-салом) ва саҳобийларни Мадина безгаги анча ҳолдан тойдириб соғликларини йўқотганлар, деган гап тарқалган эди. Бу гапларнинг асоссиз эканини билдириш учун Пайғамбар (алайҳис-салом) саҳобийларга елкаларини очган ҳолда баданларидаги куч-ғайрат ва соғлиқни Макка мушрикларига кўрсатиш мақсадида Каъбани илдам қадам ташлаб тавоф қилишга амр қиладилар. Лекин Умар (р.а.) ўз замонасида тавофни бундай кўринишда бажаришдан кўзда тутилган мақсадга эътибор қаратмай, шундай жавоб бердилар: «Биз Пайғамбар (алайҳис-салом) даврларида бажаришга одатланган ишларни ҳеч бирини бекор қилмаймиз»⁶³. Мана шу жавоб билан Умар (р.а.) шариат мақсадларини амалда қўллашда ўзгармас тамойиллар борлигини ҳам таъкидлаганлар. Кейинчалик, бу тамойил барча ҳуқуқ мактаблари томонидан ўзлаштирилди. Шариат мақсадларини атрофлича ўрганган йирик олимлардан бири Имом Шотибий бу борада шундай ёзади: «Ибодат масаласидаги кўрсатмаларни ҳарфий қабул қилиш тақозо этилса, дунёвий масалалар бўйича кўрсатмаларнинг асл мақсадини кўриб чиқиш тақозо этилади». Лекин шунга қарамасдан, ислом ҳуқуқи уламолари мақсадли ёндашув манбалардаги кўрсатмаларга зид бўлмаслиги кераклигини таъкидлайдилар.

Доктор Муҳаммад Хусайн Ҳайкал ўзининг машҳур «ал-Форук Умар» китобида шундай деб ёзади: «Ҳазрати Умар буюк имон эгаси бўлгани ва изчиллик билан Пайғамбар йўлидан боргани учун ҳатто баъзан нассинг зоҳирига муҳолиф бўлса ҳам,

⁶³ Саҳиҳи Бухорий, 675-ҳадис.

жасорат билан ижтиҳод қиларди. Агар бирон бир нассни амалга ошириш учун жамият ҳаётида ўрин қолмаган бўлса, уни татбиқ этмасди. Жамият ҳаётида нассни таъвил⁶⁴ этиш зарурати юзага келганда уни таъвил қиларди. У ҳар доим ҳукмларни ислом руҳи ва ҳазрат Муҳаммад (алайҳис-салом) таълимоти билан ҳамоҳанг сақлаган ҳолда жамият ҳаёти билан уйғунлаштиришга ҳаддан ортиқ қизиқарди»⁶⁵.

Учинчи халифа Усмон (р.а.) даврларида ҳам воқеликдан келиб чиқиб талайгина ишлар амалга оширилди: барча мусулмонлар бир мусхаф атрофида жамланиб, қолган мусхафлар ихтилофларнинг олдини олиш учун ёқиб юборилди, одамлар масжидларда кўпайгани боис жума намозида иккинчи азон жорий қилинди, айрим йилларда закот йиғувчилар фақат ҳайвон ва экин закоти билан чекланиб, тижорат ва молия амалиётларидан закот бериш ишлари закот тўлайдиганларнинг ўзларига топширилди, яъни улар ўз закотини ҳисоблаб ҳақдорларга берадиган бўлди. Зеро, бу даврда фатҳлар кенгайиб, мўл-кўлчилик юзага келган ва ортиқча молга эҳтиёж йўқ эди⁶⁶.

Халифа Али (р.а.) эса, ҳад ёки таъзир жазолари амалга оширилаётган вақтда жиноятчи вафот этса, байтул-молдан унга дия тўлаш керак эканлигини жорий этдилар. Бу ҳолат Пайғамбар (алайҳис-салом) даврларида кузатилмаган эди.

Кўриб турганимиздек, ислом динининг асосий тамойилларини бузмаган ҳолда хулафои рошидунлар ҳам ижтиҳод қилишда эркин бўлганлар. Ислом динининг асосий моҳиятини кўра билганлар. Бу билан эса, кейинги авлодга ҳар бир масалада ортга қайтиш эмас, балки аввалги хулосаларга асосланган ҳолда олдинга қараб ривожланиш ва давр талабини инобатга олган ҳолда ислом динининг асосий моҳиятига

⁶⁴ Сўзни юзаки маъносидан фарқлироқ этиб изоҳлаш, сўзнинг ички маъносини ёритиб бериш ва тафсир қилиш.

⁶⁵ Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002. 37-бет.

⁶⁶ Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Ал-ирҳоб ат-ташхис ва-л-хулуд // Мавқиф ал-ислам мин ал-ғулу ва-т-татарруф. Ар-Риёд: 2012. 48-бет.

зид бўлмаган тартибда ҳаёт кечириб кетган эканлигини ўз мисолларида кўрсатиб кетганлар.

Сохта салафийлар эса, ҳадиси шарифлардан юзаки равишда фойдаланиб, «*Ҳар бир бидъат (янгилик) залолатдир ва ҳар бир залолат дўзахдадир*» ҳадисини ўзларига шиор қилиб олганлар⁶⁷.

Аслида, кундалик турмушимиздаги ҳар бир янгилик ислом динининг руҳи ва Пайғамбар (алайҳис-салом) келтирган таълимот билан ҳамоҳанг сақланган ҳолда жамият ҳаёти билан уйғунлаштирилган бўлса, айна муддаодир. Исломи дини кўрсатмаларига зид бўлмаган ўзгаришлар, тараққиёт ва ривожланиш ҳеч бир манбада тақиқланмаган. Сохта салафийларда кузатиладиган субъектив қолиплар доирасидаги фикрий турғунлик қуйидагиларда кўринади:

– Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл мақсад-мазмунини билишга интирмай, фақат ҳарфига, зоҳирига эътибор бериш, тор дунёқараш, шунингдек таъвил ва мажозни рад қилиш;

– бугунги кун воқелигини олдинги давр рамкаларида кўришга интилиш;

– ақлий далилларга етарли даражада аҳамият бермаслик ва бошқалар.

Фикрий турғунлик ҳар бир замон алломасини хавотирга солган ҳолатдир. Воқеликни инобатга олмайдиган, ҳар масалада ҳарфий ёндашувни ёқлайдиган тоифалар ўз даврида Абу Муқотил Самарқандийнинг «ал-Олим ва-л-мутаалим» китобида Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирди ўртасидаги савол-жавобда ҳам танқид остига олинади. Жумладан, шогирд Имом Абу Ҳанифага савол беради:

– Мен турли савиядаги одамлар билан мулоқотда бўлиб тураман. Улардан, иншааллоҳ менинг назаримда энг паст савияда бўлганларидан гапни бошлайман. Менга уларга қарши далилларни айтиш. «Бу ишга асло дахл этма. Зеро саҳобийлар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига дахл этмаганлар. Улар қилганини қил», дейдиган тоифаларни кўрдим. Улар тошқин дарё ичида турган, унинг саёз жойини билмаганидан фарқ бўлаётганга, жойингда тур, саёз жойни излама, деяётган кишига ўхшайдилар.

⁶⁷ Бу ҳадиснинг шарҳи китобнинг “Сохта салафийлар тушунгандек «ҳар бир янгилик залолатми?»” бўлимида атрофлича кўриб чиқилади.

Абу Ҳанифа:

– Сен уларнинг камчиликларидан баъзиларини кўриб, уларга қарши далил излаётганингни пайқадим. Агарда улар сенга: «саҳобийларга етган нарса сенга етмайдими», десалар, уларга: «саҳобийларнинг ўринларида бўлганимда, уларга етган нарса менга ҳам етарди, аммо уларнинг ҳузурида бўлган Зот менинг ёнимда йўқ», дегин. Биз, бизни бадном қилувчилар ва қонларимизни тўкишни ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик. Қайси биримиз ноҳақ ва қайси биримиз ҳақ? Буни билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг асҳоблари эса, қарши курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, бизни бадном қилувчиларга ва қонимизни тўкишни ҳалол дегувчиларга дучор бўлдик»⁶⁸. Яъни, Абу Ҳанифа чуқур билимга эга бўлмаган ва масалаларнинг моҳиятига етиб бормаيدиган шахсларни танқид остига олиб, уларга қарши илму маърифат билан курашиш лозимлигига ишора қилмоқда.

Юртимиздан етишиб чиққан уламолар ҳам ўз муҳитларида шу каби муаммоларга дуч келиб, унинг хатарини англаган ҳолда ўз асарларида диний кўрсатмаларнинг фақат ҳарфига эмас, мазмун-моҳиятига урғу беришга аҳамият қаратганлар. Жумладан, ислом ҳуқуқидан кўзда тутилган мақсадларга – мақосид аш-шарийага эътибор қаратиш юртимиз алломаларининг IX–X асрларга оид асарларида ўз аксини топа бошлади. Бу борада ёзилган илк асарлар юртимиз алломалари Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.), Абу Мансур Мотуридий (870-944), Ҳаким Самарқандий (ваф. 954 й.) ва Қафқол Шоший (ваф. 975 й.) қаламига мансубдир.

Ҳаким Термизийнинг «Намоз ва унинг мақсадлари» асари ислом дини тарихида мақсадли ёндашувга қўйилган илк қадамлардан бири бўлди. Китобда намоз арконларининг ҳикматлари очиқ берилган. Масалан, намозда Аллоҳга ҳамд айтишдан мақсад – кишининг розилигини тасдиқлаш, Каъбага

⁶⁸ Абу Муқотил Самарқандий. «Ал-Олим ва-л-мутаалим». – Қохира, ал-Анвар. 1946. 9-бет.

юзланишдан мақсад – ўз ибодатига эътиборни жамлаш, Аллоҳни улуғлашдан мақсад – маълум онгли тафаккурга эришиш ва ҳ.к. Унинг «Ҳаж ва унинг сир-асрорлари» китоби ҳам бу борада ёзилган қимматли асардир.

Қафғол Шошийнинг «Шариат гўзалликлари» асари фикҳий тартибда ёзилган бўлиб, унда ҳар бир фикҳий кўрсатманинг ҳикмати ва моҳиятига алоҳида эътибор берилади ва батафсил ёритиб берилади. Бу китоб ҳам мақсадли ёндашув бўйича ёзилган илк фикҳий асарлардандир. Китобнинг кириш қисмида шундай дейилади:

«...мен нозил қилинган ҳуқуқнинг гўзалликларини, унинг олийҳиммат ва маънавий мазмуни ҳамда соғлом ақлга мувофиқ эканлигини кўрсатиб бериш учун бу китобни ёзишга қарор қилдим. Ҳукмларнинг ҳикмати ва сабаби ҳақида сўрайдиган инсонларнинг саволларига жавоб тариқасида ўз фикрларимни баён этдим. Бундай саволлар фақат икки тоифа инсонлар томонидан берилиши мумкин. Биринчи тоифа, дунёнинг яратилиши унинг ёлғиз Яратувчисига тегишли эканлигига ва пайғамбарликнинг ҳақлигига ишонадилар, улар ҳукмнинг ҳикмати Ҳақим ва Қодир Аллоҳга тегишлидир, У эса ўз бандалари учун фақат яхшиликка кўрсатма беради деб ишонадилар.... Иккинчи тоифа инсонлар, пайғамбарликнинг ёлғон эканлиги ва дунё яралишининг ягона Яратувчига алоқаси йўқ эканлигини исботлаш учун ёки дунёнинг ягона Яратувчисини тан ола туриб, пайғамбарликни инкор қилиш ниятида ушбу саволларни берадилар. Бу тоифа инсонлар, ҳукмнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш орқали, ҳукми нозил қилган Зотнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат мантиққа суянадилар...»

Ҳақим Самарқандий эса Қуръон оятларини зоҳирига қараб ҳукм олиш борасида фикр юритиб, “Қуръондаги ҳамма нарсани ҳам зоҳирига қараб шарҳлаш мумкин эмас, чунки Қуръонда кўп ўринларда оятларнинг зоҳири бошқа маънони, ботини бошқа маънони англатади. Аллоҳдан қўрқинг. Қуръонни фақат ўз раъйингиздан келиб чиқиб шарҳламамг”, деб бу ишнинг шариат кўрсатмасига хилоф эканини таъкидлаган⁶⁹.

⁶⁹ Ҳақим Самарқандий. Китоб ас-савод ал-аъзам. Кўлөзма №2630/II. 133-194-варақлар.

Абу Мансур Мотуридий (870-944)нинг «Ма’ахиз ал-шароийъ» китоби ҳам шариат ҳукмларининг айна сабаблари ва омилларини муҳокама қилишга бағишланган бўлган.

Имом Мотуридий ҳам ўз давридаги Қуръоннинг мазмун-моҳиятига эътибор бермай, зоҳирига қараб иш тутадиган айрим кишиларни танқид остига олади. Жумладан, Абу Бакр Косоний (ваф.1191) «Бадоийъ ас-саноийъ» асарининг «Намоз китоби»да «Рум» сурасининг 17, 18-оятларини келтириб, унинг ортидан Имом Мотуридийнинг сўзларини нақл қилади: **«Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтингиз! Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган барча) ҳамд Унга хосдир. Кечки пайтда ҳам, қуёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбеҳ айтингиз)!»** Абу Мансур Мотуридий айтдилар: «Улар (саҳобийлар) ушбу оятларни беш вақт намоз учун далил қилганлар, агар улар ҳозирги кундаги айрим олимлар каби бўлганларида, бу оятдан Аллоҳга тасбеҳ айтишдан бошқа нарсани тушунмаган бўлар эдилар»⁷⁰. Демак, Имом Мотуридий ҳам ўз даврида масаланинг туб моҳиятига етиб бора олмайдиган айрим мутаассиб зоҳирий уламоларнинг фаолиятдан ўз норозилигини билдириб ўтган. Имом Мотуридий Қуръон оятларини нақл ва ақл асосида шархлашга асосланиши, ўз ақидавий тизимини ушбу икки асосда кўриб чиққани туфайли унинг қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотмай келмоқда.

Сохта салафийлар эса диний масалаларга ҳарфий, зоҳиран ёндашиб, Қуръони карим ва ҳадисларни тўғридан-тўғри олиб сўзма-сўз ҳаётга татбиқ этишга уринишлари жамиятларда кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Диний кўрсатмаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш чуқур билим ва масъулият талаб этади. Етарли диний билим ва малакаси бўлмаганлар эса бу борада шошма-шошарлик қилмай, юртда эътироф этилган уламолардан сўраб олишлари, шубҳали фатволардан сақланишлари лозим. Зеро, илмсизлик ва жаҳолатга эргашган инсон ўзига ва ўзгаларга зулм қилади.

⁷⁰ Косоний. Бадоийъ ас-саноийъ фи тартиб аш-шароийъ. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмийя. 1986. Ж. 1. 90-бет.

«ФАТВОХОНЛИК» ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ислом илм, маърифат ҳамда инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи диндир. Шундай экан, мусулмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инсон камолоти ва жамият фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни кўзлаб фатво чиқариш алоҳида билим, малака ва масъулиятни талаб этади. Муътабар манбаларга кўра, араб тили, Куръон ва ҳадис илмлари, фикҳ ва ислом тарихини жуда чуқур ва мукамал биладиган мужтаҳидларгина фатво чиқариш ҳуқуқига эгадир.

Бироқ, тарих ва замонавий воқелик ёвуз кучларнинг ўз манфур мақсадларини амалга ошириш йўлида буюртма фатволар чиқартириб, барчани унга амал қилдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлди. Бундай ҳаракатлар муқаддас ислом дини қоидаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганини ва ҳамон оширилаётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Сўнги йилларда сохта салафийлик ниқоби остида турли гуруҳлар ўз ҳаракатларини «шаръий» деб ҳисоблаб, жамиятда турли хил қарама-қаршиликларни юзага келтириш мақсадида неча асрлардан буён мусулмонлар жамоаси эргшиб келаётган мазҳаб таълимотларига зид бўлган турли руҳдаги «фатволар»ни чиқариб келмоқдалар. Бу эса, бир томондан инсонларнинг адашиб, нотўғри йўлларга кириб кетишларига сабаб бўлса, иккинчи томондан жамиятда ўзаро тушунмовчилик, адоват кайфиятининг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, фатво ўзи нима? Уни кимлар беришга ҳақли?

Маълумки, «фатво» (ар.) – «саволга жавоб бериш», «шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ», «маслаҳат бермоқ», «муфтийнинг хулосаси» маъносини англатади⁷¹. Истилоҳда

⁷¹ Ибн Манзур. Лисонал-араб. – Байрут: Дор ас-Содир, 2003. – Ж. 15. 145-147-бетлар.

эса, «сўраган кишига шаръий далил асосида ҳукм чиқариш»га нисбатан қўлланилади⁷².

Луғавий жиҳатдан фатво берувчи инсон «муфтий», деб аталади. Бу борада олимлар бир қанча фикрларни билдирганлар. Жумладан, машҳур фақиҳлардан Имом Қарофий шундай деган: «Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар нассга таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар»⁷³. Имом Шотибий эса: «Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илми мерос қилиб қолдирганлар»⁷⁴, ҳадисини келтирадилар» деб шарҳлаганлар⁷⁵. Демак, фатво бериш ўта шарафли ва масъулиятли вазифалардан ҳисобланган.

Дастлаб фатво бериш мақомида Расулуллоҳ (алайҳис-салом) турганлар. У киши Аллоҳ таоло томонидан ваҳий қилинган ҳолда фатво чиқарганлар. Расулуллоҳ (алайҳис-салом) билан саҳобийлар ўртасидаги суҳбатлар одатда савол-жавоб тарзида бўлар эди. Расулуллоҳ билганларига жавоб берар, билмаганларига Аллоҳ таолодан шу саволга жавобни билдиришни сўрар эдилар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан сўнг саҳобийлар, улардан кейин тобейлар фатво берганлар. Шундай бўлса-да, фатво беришнинг масъулияти оғир эканини ҳис қилиб, саҳобийлардан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша онамиз, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) каби санокли кишиларгина фатво чиқарганлар. Ибн Абу Лайло айтадилар: «Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг 120 та ансорларини учратдим. Уларнинг бирларидан савол сўраганимда кейингисига ўтказар, ундан сўрасам у бошқасини кўрсатар эди. Охири айланиб яна биринчи савол берган кишига

⁷² Жалолиддин ас-Суьутий. Адаб ал-фатйаа / Муҳий Ҳилол таҳқиқи. – Қоҳира: Дор ал-офоқ ал-арабийя, 2007. 35-бет.

⁷³ Ал-Қарофий. Ал-Фуруқ / Халил Мансур таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. 358-бет.

⁷⁴ Сунани Термизий, 2730-ҳадис.

⁷⁵ Имом Шотибий. Ал-Мувафақот / Муҳаммад Абдуллоҳ Дироз таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2007. – Ж. 4. 178-179-бетлар.

келдим»⁷⁶. Саҳобийлар фатво беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлари бу ривоятда аён бўлади.

Саҳобийлардан сўнг тобейлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришдан ўзларини тияр эдилар. Жумладан, тобей бўлган Шаъбийдан бир савол сўралганда, у киши: «билмайман», деб жавоб қилади. Шунда, одамлар: «Сен Ироқ фақиҳи бўлсанг, «билмайман» дейишга уялмайсанми?!» деганда Шаъбий: «Фаришталар: «...Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир...» (Бақара, 32), дейишга уялмаган, мен нега уялай», деб жавоб берган⁷⁷.

Фатво бериш масаласида мазҳаббошилардан бири бўлмиш Имом Молик: «Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилсин-да, кейин жавоб берсин», деган экан. Бир куни у кишидан савол сўралганда Имом Молик «билмайман», деб жавоб беради. Савол берган киши: «Бу осон савол бўлса, шуни ҳам билмайман, дейишга уялмайсанми?!» деганда Имом Молик ғазабланиб: «Осон масала?! Билиб қўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг: «**Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни** (Қуръонни) **туширажакмиз**» (Муззаммил, 5), оятини эшитмаганмисан?! Илмнинг барчаси қийин, жумладан сен сўраган нарса ҳам», деб жавоб қайтарган экан⁷⁸.

Фатво мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини англаган ҳолда, фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас эканлигини қайд этиш зарур. Зеро, ноҳолис ва ножоиз фатволар қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом ҳақида жоҳиллик, ёвузлик, босқинчилик ва қотиллик дини суратида тасаввур пайдо бўлишига сабаб бўлади. Аслида, ислом қоидаларига биноан фатво бериш ҳуқуқи юқорида қайд этилганидек, фақатгина ақида, фикр илмида мукаммал даражага етган, Қуръонни тафсирлари ва турли бошқа илмлари билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, «муфтий (фатво берувчи)» мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилиши маълум. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (р.х.)

⁷⁶ Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруха, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008. 16-бет.

⁷⁷ Абу Абдуллоҳ ал-Ҳароний. Сифат ал-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. –Байрут: ал-Мактаб ал-исломий, 1976. 9-бет.

⁷⁸ Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруха, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. –Макка, 2008. 17-бет.

дан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мумкинлиги ҳақида сўралганда, муфтий камида 400 минг ҳадисни билиши кераклигини айтган. Ибн Асокир келтирган Расулulloҳ (алайҳис-салом)нинг «*Кимда-ким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лаънати бўлсин*», деган ҳадислари ҳам бузғунчиларга хизмат қилувчи «фатвохон уламолар»нинг фаолиятига муносиб баҳодир.

Бугунги кунда баъзи эътироф этилмаган оқимлар ҳамда шахслар томонидан ўз ғаразли мақсадлари, амалиётларини оқлаш йўлида муқаддас ислом номи билан турли «фатволар» бериб келаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, «жиход», «такфир (кофирга чиқариш)», «ҳижрат», «ўз-ўзини ўлдириш» каби масалаларда чиқарилаётган фатволар шулар жумласидандир. Масалан, экстремистик руҳдаги фатволарнинг бирида шундай дейилади: «...кофирларнинг ҳарбий лагерларида уларга шикаст етказиш учун ўзини портлатиб юборадими, ёки портловчи модда солинган белбоғни боғлаб ўзини ҳам, кофирларни ҳам портлатиб юборадими – бунинг фарқи йўқ. Модомики, булар кофирга қарши жанг қилиш воситалари экан, барчаси жоиз». Ваҳоланки, динимиз таълимотларида ҳаёт Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган имконият ва айни дамда омонатлиги, бу неъматни асраб-авайлаш, унга хиёнат қилмаслик лозимлиги таъкидланиб, ўз жонига қасд қилиш катта гуноҳ сифатида қораланган. Қолаверса, мазкур фатвони асослаш учун келтирилган Қуръони карим оятларини ўзларининг «фойдаси»га мослаб шарҳлаганларини кўриш мумкин. Жумладан, унда «Тавба» сураси 36-оятининг бир қисмигина, яъни «... **барча мушрикларга қарши жанг қилингиз**» тарзида таржима қилиниб, далил сифатида келтирилган. Ваҳоланки, ушбу оят тўлиқ ҳолида таржима қилинса, умуман бошқа маъно чиқишини кўриш мумкин. «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлardир. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар,

(сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!» (Тавба, 36). Мазкур оятнинг шарҳида бундай дейилади: «Ушбу оят далолат қиладики, исломда мушриклар билан жанг қилиш, балки умуман урушишга фақат зарурат тақозоси билан рухсат этилади ва шунда ҳам мусулмонларга тақвони қўлдан бермаслик ва тажовузкорликка ўтмаслик буюрилади». Бундан келиб чиқадики, биринчидан, ушбу оятнинг охирида келтирилган маъно мушрикларга қарши қаратилган. Лекин террорчи гуруҳлар буни мусулмонларни кофирликда айблаб уларга қарши далил сифатида келтирмоқда; иккинчидан, оятда «**Мушриклар** (мазкур тўрт ой асносида) **сизларга ёппасига уруш очсалар...**» маъносида шарт қўйилмоқда. Агар улар уруш очмасалар, урушишга ҳожат йўқ!

Шунингдек, баъзи тоифалар мансух бўлган ҳадислардан ҳам кенг фойдаланишга уринаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, айрим ашаддий салафийликка мансуб гуруҳлар қабрларни зиёрат қилишни ширкка чиқармоқдалар. Уларнинг даъволарига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқар экан. Шу билан бир қаторда, баъзи «фатвоҳонлар» томонидан Расулulloҳ (алайҳис-салом)нинг қабрлари устига қурилган гумбазни бузиб ташлаш кераклиги ҳақида ҳам фатвоҳлар чиқарилган. Бунинг натижасида баъзи тоифалар ўз даврида Мадинаи мунавварадаги саҳобийларнинг қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам яқин келган эдилар. Ваҳоланки, қабрларни зиёрат қилиш ислом динида хайрли амал ҳисобланиб, унинг ўзига хос одоби мавжуд. Исломдан аввалги жоҳилият даврида қабрларни улуғлаш, уларга сиғиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад (алайҳис-салом) дастлаб мусулмонлар бутпарастлик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавҳид тўлиқ қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарган эдилар. Ислом бутунлай қарор топгандан сўнг, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) охиратни эслатишини инобатга олиб, қабрларни зиёрат қилишга изн берганлар. Бинобарин, ўтганлар хотирасини ёдга олиш дунёнинг

Ўткинчи эканини ҳис этиш, шу орқали кишини бошқаларга зарар етказадиган, гуноҳ ишларни қилишдан сақлаш ва эзгу амалларни кўпроқ қилишга ундайди.

Бузғунчи фатволар жамиятнинг пароканда бўлишига, инсонларнинг қони тўкилишига, фитналарнинг кўпайишига олиб келаётгани унинг ислом таълимотларига зид эканини намоён этади. Зеро, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «*Фитна уйқудадир. Уни уйғотганни Аллоҳ лаънатласин*», деб марҳамат қилганлар⁷⁹.

Мисрлик бир сохта «фатвохон»нинг такси ҳайдовчиларига христиан руҳонийларини таксида олиб юриш гуноҳи спиртли ичимликларни ичиш билан баробарлиги тўғрисидаги фатвоси ёки қизларнинг таълим даргоҳларида таҳсил олиб дунёвий фанларни ўқишларидан ҳеч бир фойда йўқлиги, бу нарса оғир мусибат экани ва қизларни мактабларга боришларини тақиқловчи ва бошқа шу каби фатволари диний кескинликнинг юзага келишига, бир қатор давлатларда қизларнинг мактабларига ҳужумлар уюштирилишига ва кўплаб талафотлар етказилишига сабаб бўлган.

Фатво масаласидаги яна хатарли жиҳатлардан бири бу – бугунги кунда ОАВ, сунъий йўлдош каналлари ва интернет форумлари орқали тўғридан-тўғри бериб юборилаётган фатволардир. Бу ҳолатда фатво берувчи шахс фатво сўровчининг на ҳолати ва на вазияти тўғрисида билимга эга бўлади. Шуларнинг барчасидан беҳабар ҳолда фатволарни бериб юбораверади. Бунинг энг хавfli салбий оқибатларидан бири – берилаётган фатволарни бир ёки ўн киши эмас, балки бутун дунё бўйлаб, миллионлаб турли мазҳабдаги бўлган муслмонлар эшитади. Ваҳоланки, фикҳий китобларда қайд этилишича, фатво бераётган муфтий юксак илм соҳиби бўлиш билан бир қаторда, ўзи яшаб турган вақтнинг воқелигини, инсонларнинг ҳолатини яхши билиши керак. Бу айни Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг суннатларидир. Зеро, У зот бирор масала бўйича мурожаат қилган саҳобийларнинг вазиятини инобатга олиб, ҳар бирининг ҳолатига муносиб равишда ҳукм чиқарганлар.

⁷⁹ Имом Рофеий ривояти.

Ибн Ҳиббон ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Бир саҳобий қиш кунларининг бирида эҳтилом бўлиб қолиб, бу ҳақда саҳобийларга мурожаат қилганда унга ғусл қилишни буюрдилар. Оқибатда у нобуд бўлди. Бу гап Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га етиб борганда, у зот дарғазаб бўлиб: *“Улар нима қилиб қўйдилар, ахир ўлдириб қўйибдилар-ку. Аллоҳ уларни нобуд қилсин”* дедилар ва *“Ахир Аллоҳ тупроқ (таяммум)ни покловчи қилиб қўйган эдику”*, деб уч марта такрорладилар.

Шу ўринда, сўнгги йилларда интернет тизими орқали ҳам кўплаб бузғунчи фатволар бериб борилаётганини таъкидлаш лозим. Хатарли тарафи шундаки, бу каби фатволар ислом оламида кўзга кўринган уламоларга нисбат берилмоқда. Шундай фатволардан бири, «никоҳ жиҳоди» деб аталиб, унга кўра, Яқин Шарқ мамлакатларида «жиҳод қиляпмиз» деб иддао қилаётган «жиҳодчилар»га никоҳланишга, уларнинг жинсий эҳтиёжини қондиришлари учун бошқа давлатлардан аёллар ва қизларнинг у ерга ҳижрат қилишлари лозимлигини таъкидлайди. Одатда бундай сохта фатвога учиб жиҳодчиларнинг лагерларига келиб қолган қизларга жорияларга қилинадиган муносабат кўрсатилади. Жумладан, Яқин Шарқда бир неча террорчилик уюшмаларини ўзида бирлаштирган “Ироқ ва Шом ислом давлати” – “ИШИД” томонидан эълон қилинган “Асиралар ва чўрилар қўлланмаси”да ташкилот ўзининг бузуқ ғояларини ислом таълимотлари ортига яшириб иш тутаётганини кўриш мумкин. Ушбу “қўлланма”да инсониятни яна қулдорлик даврига қайтаришга уриниш, бегуноҳ инсонларни жинси ва ёшига эътибор бермай қатл этиш, аҳли китоб ва бошқа диндаги аёлларни асирга олиш, асирга олинганларни сотиш, бир-бирларига совға қилиш ҳамда ўзларидан кейин мерос қолдириш, балоғат ёшига етмаган асиралар билан яқинлик қилиш, асирларни “тартибга чақириш” мақсадида калтаклаш, қочиб кетган асирларни энг катта гуноҳкор деб эълон қилиш ва уларни ваҳшиёна жазолаш бўйича келтирилган фатволар на замонага ва на инсоний ва на исломий меъёрларга мос келади. Зеро, қулдорлик ўз вақтида энг авжига чиққан даврларда ҳам айнан ислом дини унга барҳам беришга киришган. Ўрта асрлардаги

ислом қонунчилигида ҳам муайян жиноят ёки гуноҳ каффорати учун ҳам қул озод қилиш белгиланган. Шу билан бир қаторда энг савобли иш ҳам айнан қул озод қилиш ҳисобланган. Зеро, Куръон ва суннада ҳам қул озод қилишга ташвиқ этилган. Шунинг учун ҳам мусулмон мамлакатларда қул ва чўриларни озод қилиш ҳамда улар ҳур ва мустақил ҳаёт кечиришларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганлар. Ҳозирги қулдорлик тугатилган замонда уни ислом дини номидан қайта тиклашга уринишлар эса муқаддас динимиз таълимотларига зиддир.

Аслида ислом дини илм-маърифатли бўлишга, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бугуннинг ҳузур-ҳаловати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, онгсиз кимсаларни Куръони каримда «...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшитмайдилар». Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир» (*Аъроф*, 179), деб таърифлайди. Шунингдек, Ҳасан Басрий (р.х.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «*Инсонлар илм ўрганиб амални тарк қилганларида, тиллари ила севишиб, қалблари ила адоватда бўлсалар ва силаи раҳмни узсалар, Аллоҳ уларни лаънатлаб, қулоқларини кар ва кўзларини кўр қилиб қўяди*»⁸⁰. Ислом оламининг эътиборли уламолари томонидан мўътабар манбалар асосида берилаётган фатволар ёки раддияларни тан олмаётган турли фирқа ва оқим тарафдорларини ҳам юқоридаги оят ва ҳадисларда келтирилган кимсаларга қиёслаш мумкин.

Мусулмонлар ҳаётида фатво муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас. Фатво беришга, фақатгина, илмда муайян даражага етишган ҳамда уламолар томонидан эътироф этилган кишигина ҳақлидир. Фатво оладиган одам ҳам албатта, ўз навбатида ишончли, ҳамма эътироф этган уламога мурожаат қилиши билан ўзини ҳам атрофдагиларни ҳам, турли мусибатлардан асраган бўлади.

⁸⁰ Имом Суютий, Ад-Дур ал-Мансур. – Байрут: Дор ал-фикр. Ж.7. 501-бет.

ТАВАССУЛ БОРАСИДА СОХТА САЛАФИЙЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ АСОСЛИМИ?

Сохта салафийларнинг тавассул борасидаги тор қарашлари Куръон, сунна, аҳли сунна ва жамоанинг жумхур уламоларининг қарашларига зиддир.

Тавассул – бу Аллоҳга яқинлашиш мақсадида ўртага бирор воситани қўйиб, Унинг даргоҳига васила қилмоқ, демакдир. Васила сифатида гоҳида қилинадиган солиҳ амаллар, Аллоҳ учун бажарилган тоат-ибодатлар Парвардигорнинг даргоҳига яқинлаштирувчи кучли восита бўлса, баъзан эса Аллоҳ наздида юксак мартабага эга бўлган обрў-эътиборли солиҳ бандалар Яратган ҳузурида восита ва васила бўладилар.

Ислом динида ҳар бир амалнинг тартиб-қоидаси бўлганидек, тавассулнинг ҳам ўзига хос қатъий қоидалари мавжуд.

Биринчидан, тавассул қилишда талаб ва эҳтиёж Пайғамбар (алайҳис-салом) ёки қайсидир пирдан сўралмайди. Айниқса, ўтиб кетган авлиёлар, улуг зотлар қабрига бориб улардан фарзанд, бахту саодат сўраш каби ҳолатлар тўғри эмас. Балки уларнинг ҳаққига дуо қилиш ва уларнинг сабабидан дуолар ижобатини Аллоҳдан сўраш тавассул борасидаги тўғри йўлдир.

Иккинчидан, васила қилинаётган шахс сабабидан дуонинг Аллоҳ томонидан ижобат бўлишига умид қилинади. Шунингдек, васила қилувчи шахс дуонинг қабули Аллоҳнинг иродасига боғлиқ экани, у тавассулсиз ҳам қабул бўлиши ва тавассул билан ҳам ижобат бўлмаслигини англаб етиши зарур. Лекин шуни унутмаслик керакки, диний кўрсатмаларга мувофиқ тарзда тавассул қилиб, Аллоҳдан бирор нарса сўралганда унинг ижобати осонроқ бўлишини уламолар таъкидлаганлар.

Шунинг учун ҳам ислом динида тавассул қилиш яхши амаллардан саналади ҳамда Куръони карим ва ҳадиси шарифларда бунга оид кўрсатмалар мавжуд. Жумладан, «Моида» сурасининг 35-оятда: **«Эй имон келтирганлар! Аллоҳдан**

қўрқингиз ва Унга (яқинлаштирувчи савобли ишлардан) **васила** (восита) **излангиз ҳамда Унинг йўли** (тоати)да **жидду жаҳд қилингиз, токи** (охиратда) **нажот топгайсиз!**» – дейилади.

Тавассул борасида сўз юритган уламоларимиз бу оят шахслар ва амалларни васила қилиш мумкинлигини ўз ичига олади, деб таъкидлайдилар. Шариатдаги тавассулда ҳам зеҳнга биринчи келадигани шахс ва амални ўртага қўйишдир. Бунда тирик ва ўликни ажратиш фикри фақат руҳларнинг йўқ бўлиб кетишига эътиқод қилувчилардан чиқиши мумкин.

Оят умумийлиги шахсларни ҳам қамраб олиши қуруқ фикр ёки луғавий маънонинг ўзигина эмас, балки бу динимизнинг мўътабар шахслари, жумладан, Умар (р.а.)дан ҳам ривоят қилинган. У киши ёмғир сўрашда Пайғамбар (алайҳис-салом) нинг амакилари Аббос (р.а.) билан тавассул қилганлар. Бу Аллоҳ таолога васила қилишнинг бир кўринишидир⁸¹.

Қуръони каримнинг «Нисо» сураси 64-оятда ҳам: **«...Агар улар ўзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сўраганда, Аллоҳни кечирувчи ва раҳм-шафқатли эканини билган бўлур эдилар»**, дейилади. Уламолар бу оят ҳам Расулulloҳ (алайҳис-салом)ни мағфират сўраш учун ҳаётликларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам васила қилишнинг жоизлигига далил, деб ҳисоблаганлар.

Жумладан, Ибн Касир ушбу оят тафсирида салафи солиҳлардан бўлган Утбийдан қуйидаги ҳикояни нақл қилади: **«Пайғамбар (алайҳис-салом) қабрлари ёнида ўтирган эдим, бир аъробий келиб: «Ассалому алайка, ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таолонинг «...Агар улар ўзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сўраганда, Аллоҳни кечирувчи ва раҳм-шафқатли эканини билган бўлур эдилар» (Нисо, 64), деганини эшитдим ва гуноҳимга мағфират сўраб, Раббимга шафоатчи бўлишингизни сўраб келдим»**, деб, шундай шеър айтди:

⁸¹ Кавсарий. «Маҳқ ат-тақавул фи масъалат ат-тавассул». 2-бет. Шамила электрон дастури.

*Эй, ерга мадфунларнинг энг афзали,
Сиз сабабли еру қирлар топди иззат.
Сизга маскан қабрга жоним фидо,
Унда бордир иффат, саховату ҳурмат.*

Сўнг аъробий кетди. Кўзим илиниб, тушимда Пайғамбар (алайҳис-салом)ни кўрдим. У зот: «Эй Утбий, аъробийнинг орқасидан бориб, уни Аллоҳ мағфират қилганини айт», дедилар»⁸².

Таассуфки, бугунги кунда айрим шахслар томонидан исломга оид бир қанча тушунчаларда ихтилофлар келтириб чиқарилаётгани маълум. Ана шундай ихтилофли ва тортишувли масалалардан бири бу тавассул масаласидир. Энг ачинарлиси шундаки, бу тортишувлар кўп ҳолларда тавассул қилувчини ширкда айблаш, керак бўлса, унинг қонию молига тажовуз қилишни ҳалол санаш билан якун топмоқда. Шу каби тортишувларга зўр бериб киришаётган тоифалардан бири бу сохта салафийлардир. Улар масалага жуда тор ёндашган ҳолда бу борада келган оят ва ҳадисларни ўз фикрларини асослаш йўлида талқин этишга ҳаракат қилишмоқда.

Уламолар наздида тавассулнинг бир қанча турлари айтиб ўтилган. Жумладан, солиҳ амалларни васила қилиш, Пайғамбар ва солиҳ зотларни васила қилиш, солиҳ бандалардан дуо сўраш ва бошқалар.

Солиҳ амалларни восита қилиш масаласида аҳли сунна ва жамоа мазҳабларида умумийлик бор, яъни тавассулни ширк деб атаётган тоифа вакиллари ҳам бу хилдаги василани қабул қиладилар. Бу борада Ибн Умар (р.а.)нинг Пайғамбар (алайҳис-салом)дан ривоят қилган машҳур ҳадис кучли далил сифатида келтирилади. Унда айтилишича, уч нафар киши ёмғирдан сақланиш учун тоғдаги ғорга кириб оладилар ва тоғдан бир харсанг тош тушиб, чиқиш йўлини тўсиб қўяди. Шунда улар ғордан чиқиш учун холис Аллоҳ йўлида қилган солиҳ амалларини васила қилиб, Яратганга дуо қиладилар. Натижада ғор оғзи очилиб, улар эркинликка чиқадилар. Бу ривоят солиҳ амалларни васила қилиш мумкин эканига инкор этиб бўлмайдиган далил ҳисобланади.

⁸² Тафсири Ибн Касир, Ж 2, «Тайба», 1999, 347-бет; Имом Байҳақий, 4019-ҳадис.

Пайғамбар ва солиҳ зотларни васила қилиш масаласида эса турли ихтилоф ва тортишувлар авж олган. Бу борада етиб келган саҳиҳ ҳадисларда васила қилишга оид масалага далолат қилувчи кўрсатмалар мавжуд. Жумладан, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ибн Ҳанбал (р.а.) Усмон ибн Ҳаниф (р.а.) дан ривоят қилган ҳадиси шарифда тавассулга оид масалалар анчайин ойдинлашади. Ҳанафий мазҳаби уламолари айнан шу ҳадисни Пайғамбар (алайҳис-салом) ва солиҳ зотлар билан Аллоҳга тавассул қилиш мумкин эканига далил сифатида келтирадилар. Аммо бу турдаги тавассулни ширк, деб атаётган тоифа вакиллари ҳам айни шу ҳадис ва бошқа далиллар асосида ўз фикрларини исботлашга уринадилар. Уларнинг фикрича, ҳадисда келтирилаётган масаланинг моҳияти ўзгача. Келинг, ҳадиснинг моҳиятига бир оз тўхталиб ўтайлик.

Бир кўзи ожиз мусулмон Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳузурларига келиб, кўзи кўрмаслигидан қийналаётгани ва бу дарднинг шифоси учун дуо қилишларини сўради. Муҳаммад (алайҳис-салом) эса, унга икки хил йўлни таклиф қилдилар, яъни шифо топиш ёки Аллоҳнинг тақдирига сабр қилиб кун кечириш. Агар иккинчи йўлга рози бўлса, унга катта ажр бўлишини ҳам айтиб ўтдилар. Албатта, кўзи ожиз кишининг икки йўлдан бирини танлаши ихтиёрий, яъни мубоҳ амал эди. Шу боис у шифо йўлини танлади. Шунда Пайғамбар (алайҳис-салом) унга чиройли таҳорат олиб, икки ракъат намоз ўқишга ва «Эй Аллоҳим, албатта Сендан сўрайман ва Сенга, пайғамбаринг, раҳмат пайғамбари – Муҳаммаднинг сабаби билан юзланаман. Эй Муҳаммад, албатта сенинг сабабинг билан Раббимга эҳтиёжим қондирилиши учун юзланаман. Эй Аллоҳим, уни менга шафоатчи қилгин», деб дуо қилишга амр қилдилар. Айтилганларни бажаргач, ўша кишининг кўзи кўра бошлади⁸⁵.

Бу ҳадисни Пайғамбар (алайҳис-салом) ва солиҳ зотлар билан тавассул қилиш мумкин эканига далил қилиб келтирувчи уламоларнинг айтишича, кўзи ожиз киши муроди ҳосил бўлиши учун Муҳаммад (алайҳис-салом)ни васила қилгани сабабидан Аллоҳ дуосини қабул қилган. Иккинчи томоннинг фикрича,

⁸⁵ Сунани Термизий, 3578-ҳадис; Сунани Кубро, 9173-ҳадис.

кўзи ожиз киши тавассул натижасида эмас, балки Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг дуолари шарофатидан кўзи кўра бошлаган.

Дарҳақиқат, Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ҳар бир дуолари Аллоҳ даргоҳида қабул бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо бу ўринда Пайғамбар (алайҳис-салом) унга дуо қилмадилар, балки Аллоҳга тавассул қилишни ўргатдилар. Акс ҳолда, Муҳаммад (алайҳис-салом) унга таҳорат қилиб, намоз ўқиш ва айтилгандек дуо қилишга буюрмасдан қўлларини очиб ўзлари дуо қилиб кўярдилар. Бу орқали Пайғамбар (алайҳис-салом) мусулмонларга тавассул қилиш қоидаларини ўргатганлар.

Шунга оид қуйидаги ривоятда ҳам бу масала янада ойдинлашган. Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб (р.а.) қаҳатчилик бўлганда Аббос ибн Абдулмутталиб ила истиско қиларди:

«Ё Аллоҳ, биз Сенга пайғамбаримизни васила қилиб сўрардик, бизга ёмғир берардинг. Энди Сенга пайғамбаримизнинг амакисини васила қилиб, сўраймиз, бизга ёмғир ёғдир»⁸⁴. Кўриниб турибдики, ҳазрати Умар (р.а.) ҳам Пайғамбар (алайҳис-салом) билан тавассул қилишларини эътироф этгач, Аббос ибн Абдулмутталибни васила қилишларини айтиб ўтмоқдалар. Тавассул қилувчиларни айбловчи томон эса бу ривоятни тан олган ҳолда ўзгача хулоса чиқарганлар. Уларнинг фикрича, бу ривоятдан шундай хулоса қилиш мумкинки, фоний дунёдан ўтиб кетган инсонлар билан тавассул қилиш мутлақо мумкин эмас. Агар бу иш мумкин бўлганида эди, ҳазрати Умардек зот Муҳаммад (алайҳис-салом)ни васила қилиш ўрнига у зотнинг амакиларини ўртага қўймасдилар.

Юзаки қараганда, тўғри далилга ўхшайди, лекин масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор, яъни Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)нинг Пайғамбар (алайҳис-салом)га алоқадорлиги. У зот Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг амакилари эди, шу билан бирга ўта тақволи ва олим инсон эди. Шунинг учун ҳам Умар ибн Хаттоб (р.а.) Аббос ибн Абдулмутталиб (р.а.)ни ёмғир сўраш учун васила қилганлар. Агар масаланинг фақат бир жиҳати, яъни

⁸⁴ Саҳиҳи Бухорий, 978-ҳадис.

илм ва тақво юзасидан у зотни васила қилганлар, дейилса, ўша даврда олим ва зоҳид инсонлар жуда кўп бўлган.

Шунингдек, Умар (р.а.)нинг истисқода «...Пайғамбаримизнинг амакисини васила қилиб, сўраймиз, бизга ёмғир ёғдир», деб саҳобийни, яъни инсонни тавассул қилганлар. У кишининг «васила қилиб сўрардик», дейишлари саҳобийларнинг бу ишни Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳаётликларида ва вафотларидан сўнг ҳам қилиб келишганини англатади.

Бундан ташқари Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (алайҳис-салом) Фотима бинт Асад (р.а.) вафот этганида унинг қабрига тушиб бундай дуо қилганлар: *«Ҳаёт берадиган ва ўлдирадиган Аллоҳдир. Доимо барҳаёт, ўлмайдиган Зот, онам Фотима бинт Асадни мағфират қил, ҳужжатини айтишини насиб қил, кирар жойини кенг қил. Пайғамбаринг ҳаққи ва ўзимдан олдинги пайғамбарлар ҳаққи билан»*⁸⁵. Бу ҳадисда Пайғамбар (алайҳис-салом) томонидан ўтган пайғамбарлар ҳурмати билан очиқ тавассул қилингани кўринади.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар солиҳ зотларни тавассул қилиш билан боғлиқ эди. Саҳобийлар нафақат солиҳ зотлар, ҳатто Пайғамбар (алайҳис-салом)дан қолган муборак ашёларни ҳам васила қилиб, Аллоҳдан ўз мақсадларини сўраганлар:

Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Асмо (р.а.)нинг мавлоси Абдуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда Асмо (р.а.): *«Мана бу Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг жуббалари (чакмонлари)», деб, ёқаси ва енгларига ипак қайирма тикилган қора чакмонни чиқариб кўрсатди. Сўнг «Бу вафот этгунларича Оиша (р.а.)нинг уйида эди. Уни Пайғамбар (алайҳис-салом) кияр эдилар. Биз уни ювиб, сувини шифо бўлади, деб касалларимизга берар эдик», деди*⁸⁶. Бу уларнинг Расулуллоҳ (алайҳис-салом) чакмонлари ҳурматидан шифо беришини Аллоҳдан тилаганларини билдиради. Агар Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг чакмонларини васила қилиш жоиз бўлган экан, қандай қилиб у кишининг ўзлари ёки солиҳ зотларни васила қилиб, бўлмайди?!

⁸⁵ Имом Табароний, 19519-ҳадис.

⁸⁶ Саҳиҳи Муслим, 3970-ҳадис.

Сохта салафийлар шунга ўхшаш кўплаб далиллар турса ҳам уларни тан олмасликлари ёки улардан ўзга маъно чиқариб, мусулмонларга ўз фикрларини ўтказишга уринишлари натижасида турли ихтилофлар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда сохта салафийлар Имом Абу Ҳанифа (р.х.) ҳам тавассулга қарши бўлган деган мазмундаги фикрни илгари сурмоқдалар. Аслида, Имом Аъзам (р.х.) тавассулни инкор этиб, унга қарши бўлмаганлар. Балки, тавассулни амалга оширишда кишининг нияти, ҳолати ва тавассул лафзи тўғри бўлиши зарур эканига эътибор қаратганлар.

У зотнинг фикрига кўра, тавассул қилишда ўртага қўйиб сўралаётган инсон ҳақи бирор сўровимни бергин, дейилганда қасам маъноси бўлмаслиги ва Аллоҳ ўша инсон ҳақи сўровимни бериши лозим деб тушунмаслик керак. Акс, ҳолда гўёки, Аллоҳ васила қилинаётган инсондан қарздор бўлгани учун сўровни беради, деган тушунча келиб чиқади ёки Аллоҳдан бошқа билан қасам ичиш юзага келади. Бундай тавассул натижасида макрух амал содир этилади.

Шунингдек, агар Имом Абу Ҳанифа (р.х.) тавассулга қарши бўлганларида кўплаб мужтахид ҳанафий олимлари тавассулни жоиз амал демаган бўлардилар. Жумладан, Колобозий Бухорий Ҳанафий (х.380), Имом Замахшарий Ҳанафий (х.538), Ибн Адим Ҳанафий (х.660), Маждуддин Мавсили Ҳанафий (х.683), Абул Вафо Қураший Ҳанафий (х.743), Саййид Шариф Журжоний Ҳанафий (х.816), Ибн Хужжа Ҳамавий Ҳанафий (х.837), Имом Бадриддин Айний Ҳанафий (х.855), Камолиддин ибн Ҳумом Ҳанафий (х.861), Ибн Туғроберди Ҳанафий (х.874), Аҳмад Зубайдий Ҳанафий (х.893), Солиҳий Шомий Ҳанафий (х.942), Тошкупирзода Ҳанафий (х.968) каби етук ҳанафий уламолари тавассул қилганлар ва демакки, уни жоиз амал деб билганлар.

Шундай экан, тавассул қилувчиларни ўйламай-нетмай мушрикка чиқариш оқил инсоннинг иши эмас. Боз устига бу айбловчининг имонига ҳам путур етишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, тавассул бу ширк, яъни бут ва санамларга ибодат қилишдан тубдан фарқ қилувчи диний маросимдир.

СОХТА САЛАФИЙЛИК ТАЛҚИНИДАГИ «АЛ-ВАЛО’ ВА-Л-БАРО’» ТУШУНЧАСИ АСОСЛИМИ?

«Ал-вало’» ва «ал-баро’» тушунчаларини кенгроқ шарҳлаш учун бу сўзларнинг луғавий ҳамда истилоҳий маъноларини кўриб чиқиш зарур. Бу сўзлар араб тилидан олинган бўлиб, *ал-вало’* луғатда яқинлик, муҳаббат, *ал-баро’* эса, узоқлашиш, ёмон кўриш маъноларини англатади.

«Ал-Алим ва-л-мутааллим» асарида келтирилишича, Имом Абу Ҳанифа бу тушунчаларга қуйидагича таъриф берган: «Валоят» (*ал-вало’*) – яхши ишга рози бўлиш, «бароат» (*ал-баро’*) эса ёмон ишдан нафратланиш демакдир. Бу икки хислат бир одамда жамланиши ҳам ва жам бўлмаслиги ҳам мумкин». У иккиси жам бўладиган инсон яхши ишни ҳам, ёмон ишни ҳам қиладиган мўминдир. Сен унинг яхши ишни қўллаб, уни қилгани учун яхши кўрасан. Унинг ёмон ишига қаршилиқ қиласан ва бунинг учун уни ёмон кўрасан».

Сохта салафийларнинг бузуқ талқинида *ал-вало’* ва *ал-баро’* имоннинг асоси бўлган «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасининг шартларидан бири ҳисобланади. Бу икки тушунчани мутлақлаштирган ашаддий сохта салафийлар ўзаро меҳроқибат кўрсатишлари, ёрдам беришлари ҳамда бир-бирларини дўст тутишлари *ал-вало’* замирида тушунилса, салафийлик эътиқодида бўлмаганлар ва сунний мазҳабларга эргашувчилар билан яқин алоқа қилмаслик, уларга хайрихоҳ бўлмаслик, ҳаттоки нафрат билан қараш *ал-баро’* шаклида ифодаланади. Бундай таълимот асосида сохта салафийлар ёпиқ жамоалар ташкил этадилар. Бу каби ҳаёт тарзи уларни гўё «бидъатлар»дан ва ғайридинларга ўхшаб қолишдан сақлайдиган энг самарали йўл, деб ишонадилар⁸⁷. Юриш-туриш, гаплашишда ғайридинларга ўхшаб қолиш, уларнинг байрамларида иштирок этиш ёки байрам билан табриклаш, ғайридинларнинг маданият ва тараққиётида

⁸⁷ Ahmad Mousalli. Wahhabism, Salafism and Islamism: Who is the enemy? Beirut: American University of Beirut, 2009. 13-page.

эришган ютуқларини мақташ, уларга раҳмдиллик қилиш, ғайридинларнинг йил ҳисобларидан фойдаланиш, улардан ёрдам олиш ҳамда уларга ишонч билдириш, давлатларига саёҳат қилиш каби ҳолатлар сохта салафий эътиқодига кўра тақиқланади. Улар ҳаттоки, «ноисломий асосларда шакланган» деган тамға билан миллий ва халқ байрамларини ҳам тамомила инкор этадилар.

Ашаддий сохта салафийлар ғайридин давлатларда яшаш умуман мумкин эмас, деб уқтирадилар ва ундай давлатлардан гўёки диёнатини ҳимоя қилиш мақсадида мусулмон давлатларга ҳижрат қилишга буюрадилар.

Шу ўринда ғайридинлар ўзи кимлар ва уларга ислом динининг муносабати қандай, деган асосли савол туғилади. Ислом ҳуқуқига оид анъанавий классик манбаларда ғайридинларнинг тўрт тури ажратиб кўрсатилган:

1. Зиммий – мусулмон ерларида истиқомат қиладиган ғайридинлардир. Улар мусулмон жамиятида яратилган барча шароит ва имкониятлардан фойдаланадилар. Мусулмон жамияти зиммийни ташқи душмандан ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

2. Муаҳад – мусулмонлар билан маълум муддатга ёки муддатсиз шартнома ёки тинчлик келишуви ўрнатилган давлатнинг фуқароси – мусулмон бўлмаган шахс.

3. Мустамин – мусулмонлар томонидан омонлик, яъни хавфсизлик кафолати берилган мусулмон бўлмаган шахс. Ҳозирги замонда хавфсизликнинг бундай кафолати виза кўринишида берилади, десак хато бўлмайди.

Юқорида санаб ўтилган мусулмон бўлмаган шахсларнинг ҳаётлари дахлсиз ҳисобланган. Уларнинг ҳаётларига тажовуз қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ бўлган. Пайғамбар (алайҳиссалом) шундай дейдилар: *«Ким муаҳадни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан таралиб туради»*⁸⁸. Қуръони каримда шундай дейилади: **«...Агар у⁸⁹ сизлар билан улар ўртасида сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш**

⁸⁸ Саҳиҳи Бухорий, 3021-ҳадис.

⁸⁹ Ўлдирилган одам.

(буюрилади)...» (Нисо, 92). Ушбу оятдан ханафий мазҳабида мусулмон диёрида яшаётган ғайридинлар, яъни зиммийлар билан мусулмонлар дияси⁹⁰ (хуни) ўртасида фарқ йўқлиги тўғрисида ҳукми чиқарганлар. Шу тарзда зиммий, муаҳад ва мустамин ҳолатидаги ғайридинларни эҳтиётсизликдан ўлдирган мусулмонга Аллоҳ дия тўлашни ва гуноҳни ювишни шарт қилиб қўйган. Ғайридинни қасддан ўлдириш борасида Имом Абу Ҳанифага кўра, ҳар қандай зиммийни қасддан ўлдирган мусулмон ўлим жазоси билан жазоланиши керак. Демак, тарихий манбаларда ҳам ғайридинларга кўрсатиладиган мурувват, эътибор диний омилга эмас, балки адолат тамойилларига асосланади.

4. Ҳарбий – юқорида санаб ўтилган турларга кирмайдиган, мусулмонларга қарши босқинчилик уруши олиб бораётган мусулмон бўлмаган шахс. Бундай мудофаа урушида босқинчи ғайридинларнинг ҳаёти, мол-мулки ва шаъни дахлсиз ҳисобланмайди. Лекин уларга қарши ҳар қандай фаолият давлат бошлиғининг кўрсатмаси билан амалга оширилади. Ҳарбийларнинг ёш болалари, аёллари ва қариялар бундан мустаснодирлар.

Кўриб турганимиздек, ислом дини таълимотларида мусулмонлар билан маълум тинчлик битими асосида ҳаёт кечираётган ғайридинларнинг ҳаётлари, мол-мулклари ва шаъни дахлсиз ҳисобланади. Уларга мусулмонлар учун яратилган барча шароитлар амал қилади.

Ҳозирги ҳолат ўрта асрлардаги вазиятдан тубдан фарқ қилади. Айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда бир давлат ҳудудида бир вақтнинг ўзида турли динлар биргаликда тенг ҳуқуқлилиқ асосида фаолият олиб бораётганини кўриш мумкин. Ўрта асрларда эса, муайян дин маълум давлатнинг мафқурасини белгилаган. Динлардаги тафовут мафқуравий ва сиёсий жиҳатдан фарқланишга сабаб бўлган. Шунинг учун маълум давлатдаги асосий ўрин тутган дин вакилларига муносабат бошқа дин вакилларига кўрсатилган муносабатдан фарқ қилган.

⁹⁰ Дия – ўлдирилган кишининг қариндошларига ўлдирган томоннинг жон баробарига тўлайдиган хун ҳақидир. Хур кишининг хуни ханафий мазҳаби бўйича 100 та туя ёки минг динор тилла ёхуд ўн минг дирҳам кумуш деб белгиланган.

Бугунги кунда фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларга бирор имтиёз ёки чеклашлар белгиланмайди.

Сохта салафийлар эса, ўз диний қарашларида мутлақ мутаассиблик ғояларини тарғиб қилиб, ояти каримадаги **«Аллоҳ таоло одамларни ўзаро танишишлари учун турли халқ ва қабилалар қилиб яратгани»**ни эсдан чиқариб қўядилар. Ваҳоланки, ислом дини ижтимоий ғояларининг мутлақлиги билан эмас, балки ўзининг бағрикенглиги, енгилликка буюриши билан бошқа динлардан кескин фарқ қилади. Чунки замон ўтиши билан ижтимоий муносабатларни амалга ошириш усуллари, тартиблари тубдан ўзгариб бормоқда. Ислом дини мусулмонларни ақидавий асосларда турғунликка буюрса, кундалик ҳаётда, яъни муомалот масаласида шаръий ҳукмлар доирасида тараққиёт билан ҳамнафас боришга чақиради. Аслида *ал-вало'* ва *ал-баро'* ғояси фақатгина ақидавий аҳамият касб этиб, кундалик ҳаёт тарзида ғайридинлар билан ўзаро ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказмаслиги керак⁹¹. Ислом дини манбаларида ғайридинлар билан ўзаро муносабатда мўътадиллик ва бағрикенглик тамойиллари доим устувор бўлиб келган.

Сохта салафийлар талқинидаги *ал-вало'* ва *ал-баро'* тушунчасининг акси ўлароқ, қуйидаги ояти каримада таъкидланишича, ёрдам сўраган мушрикларга мусулмонлар паноҳ беришлари лозим: **«Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир»** (*Тавба, 6*).

Яна бир оятда эса Аллоҳ мўминларни ғайридинларга яхшилик ва адолат қилишдан қайтармаганлиги «Мумтаҳана» сурасининг 8-оятда ўз аксини топади: **«Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас...»**.

⁹¹ Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Ал-ирҳоб ат-ташҳис ва-л-хулул // Мавқиф ал-ислам мин ал-ғулу ва-т-татарруф. – Ар-Риёд, 2012, 106-бет.

Ҳозирги сохта салафийлар даъво қилаётганларидек, ғайридинларга адоват ҳисси билан муносабатда бўлиш Аллоҳнинг белгилаб қўйган тақдирига келтирилган имонга путур етказади. Мусулмон киши инсонларнинг тақдирлари Аллоҳнинг иродасига кўра қарор топишига эътиқод қилса, *ал-вало' ва ал-баро'* масаласида «салафийлар» ёндашуви ўз мазмунини йўқотади. «Юнус» сурасининг 99-оятида Аллоҳ таоло ўз расулига хитоб қилади: **«Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»** Яъни динга мажбурлаш йўқдир. Ким хоҳласа, имон келтиради, хоҳламаса йўқ.

Эътиқодларидан қатъи назар агар улар мусулмонларга нисбатан хайрихоҳ бўлсалар, ислом дини уларга нисбатан адолатсизлик қилишга чақирмайди.

Қолаверса, ҳар бир инсон Яратганнинг бандаси, дея эътироф этилади. Аллоҳ бу дунёда барча инсонларга бирдек меҳрибонлигининг замирида инсоннинг бу дунёда қанчалик азиз ва муқаррам эканлигида ўз аксини топади. «Исро» сурасининг 70-оятида шундай дейилади: **«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик...»**. Инсонни Аллоҳнинг Ўзи азиз қилиб яратган экан, инсонларга улар ғайридин бўлган тақдирларида ҳам нафрат ҳисси билан қараш, улар билан асоссиз адоват қилиш динимиз тамойилларига зид.

«Хужурот» сурасининг 13-оятида шундай дейилади: **«Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир»**. Ояти каримада ҳамма инсонларга бирдек **«Эй, инсонлар!»** дея хитоб қилинмоқда, барча инсонларнинг келиб чиқиши аслида бир эркак ва аёлга бориб тақалиши таъкидланмоқда. Шундай экан, инсонлар орасида ҳеч ким бир-бирига бегона эмас, хоҳ у мусулмон бўлсин хоҳ ғайридин. Аллоҳ таоло инсонларни бир-бирлари билан

танишишлари учун турли халқлар ва қабилаларга ажратиб қўйганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни Аллоҳ инсонларни бир-бирларини ёмон кўрсинлар, ўзаро душман бўлсинлар, деб турли халқларга бўлиб ажратиб қўйгани йўқ.

«Ҳаж» сураси 40-оятда шундай дейилади: «Улар ўз диёрларидан фақатгина «Раббимиз Аллоҳдир», деганлари учун ноҳақ қувилган эдилар. Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насонийларда) бутхоналар, (яхудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли ва қудратлидир». Имом Мотуридий Куръон тафсирига бағишланган «Таъвилот аҳл ас-сунна» китобида юқоридаги оятни тафсир қилиб: «Черков ва синагогаларни вайрон этиш ман этилади. Шунинг учун ҳам, мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. Бу масалада илм аҳли орасида ихтилоф йўқдир», деб таъкидлайди⁹².

Салафи солиҳлар ва фақиҳларнинг бу масала бўйича фикрларига келсак, улар мусулмонларнинг ғайридинларга хайрихоҳ бўлишларини ёки уларнинг мусулмонларга ёрдам беришларини кўфрга сабаб бўлади, деб ҳисобламаганлар ёки имон масаласига тааллуқли деб билмаганлар.

Ал-вало' ва ал-баро' борасидаги кескин мутаассиб қарашлар Куръони карим айрим оятларининг юзаки талқинидан келиб чиққан.

Ушбу оятлар Муҳаммад (с.а.в.) даврларигагина хослиги ҳамда Ҳижозда ислом дини айни шаклланаётган даврда туширилган эканига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳозирги кунда бу оятларни далил қилиб инсонларга адоват қилинмайди.

Юқоридаги каби оятлар сохта салафийлар томонидан сўзма-сўз талқин этилади ва улар ғайридинларга хайрихоҳ бўлган мусулмонларни ана шу оятлар асосида имонсизликда айблайдилар. Уларнинг фикрича, бу оятларда мусулмон

⁹² Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот аҳл ас-сунна // Фотима Юсуф ал-Хаймий нашрга тайёрлаган. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 2004. Т.3. 376-бет.

кишининг фақат мўминлар билан дўстлашиши талаб этилган бўлиб, акс ҳолда имондан ажраб қолиш хавфи эслатиб ўтилган. Қуръони карим оятларини бу тарзда сўзма-сўз тушуниш ва бошқа оятларини тўла ўрганмай туриб кескин хулосага келиш инсонни ислом динининг асл моҳиятидан узоқлаштиради. Масалан, «Мумтаҳана» сурасида шундай дейилади:

«Эй, имон келтирганлар! Менинг душманим ва сизларнинг душманингизни (яъни мушрикларни) дўст тутмангиз! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хабар) юборурсиз, ҳолбуки, улар сизларга келган ҳақиқатни (Қуръонни) инкор этгандирлар...» (*Мумтаҳана, 1*).

Кўриб турганимиздек, оятнинг бошида ғайридинларга хайрихоҳлик кўрсатган мусулмонларга нисбатан **«Эй, имон келтирганлар!»** дея хитоб қилинмоқда. Расулulloҳ (алайҳис-салом) мусулмонларга қарши жанг қилмаган баъзи ғайридинларни яхши кўрганлари қуйидаги оятда баён қилинади: **«(Эй, Муҳаммад!) Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топувчиларни яхши билувчидир»** (*Қасас, 56*).

Баъзи мусулмонлар ҳатто исломга қарши жанг қилган ғайридинларга нисбатан яхши муносабатда бўлганлари қуйидаги оятда ўз аксини топган:

«Эй, сизлар! (Улар) сизларни яхши кўрмасалар-да, (сизлар) уларни яхши кўряпсиз ҳамда ҳамма илоҳий китобларга имон келтиряпсиз...» (*Оли Имрон, 119*).

Аллоҳ таоло аҳли китоблар наздида мушрикларга хайрихоҳ бўлиш масаласини гўзал тарзда баён этади: **«Уларнинг аксарияти кофирлар билан дўстлашганини кўрасиз. Нафслари уларга орттирган нарса шунчалик ёмон бўлдики, уларга (нисбатан) Аллоҳнинг ғазабини келтирди. Улар шу азобда абадий қолувчилардир»** (*Моида, 80*). Дастлабки қарашда бу оятда кофирлар билан дўстлашганларга абадий азоб ваъда қилинмоқда. Ақидага кўра эса дўзах фақатгина кофирлар учун абадий ҳисобланади. Нима учун абадий азоб ваъда қилингани кейинги оятда баён этилмоқда:

«Агар улар Аллоҳга, Пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсаларга имон келтирган бўлганларида, ўшаларни ўзларига ҳомий қилиб олмаган бўлур эдилар. Лекин уларнинг кўпчилиги фосиқлардир» (*Моида, 81*). Оятда зикр қилинганларнинг барчаси куфр ишлардир, фақат кофирларга зоҳирий хайрихоҳлик сабабидан эмас, балки ана ўша куфр амалларнинг сабабидан абадий дўзах ваъда қилинмоқда.

Юқоридаги оятларни фақат зоҳиран қўллаш, мавзуга оид бошқа оят ва ҳадисларни ўрганиб чиқмасдан хулоса чиқариш бу борадаги муаммонинг асосий сабабидир. Машхур фақиҳ Имом Шотибий (р.х.) бу хусусда шундай деган: «Бу ердаги асосий хато шариат мақсадларини билмаслик ва унинг томонлари бир-бирини тўлдиришини инобатга олмасликдир. Уламолар наздида, шариат ўзининг умумий ва жузъий томонларга эга эканлиги нуқтаи назаридан яхлит бир сурат мисолида эътиборга олинади. Унинг умумий қисми хос қисмини тартибга солади. Қисқа ёритилган қисми кенгроқ баён этилган қисми билан тафсир қилинади. Шариатнинг барча томонларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд бир қанча ҳукмлар ичидан муносиб ҳукм ажратиб олинади. Шу ўринда инсонни мисол қилиб келтирмоқчимиз: фақат қўллар, оёқлар, бош ёки тилнинг ўзи алоҳида-алоҳида эмас, балки шуларнинг барчаси биргалиқда инсонни ташкил этади. Шунингдек, шариатда ҳам ҳукм чиқаришнинг тўғрилиги биргина далил билан эмас, балки барча далилларни жамлаб кўриб чиққандагина асосли ҳисобланади. Уламолар шариатни бир бутун суратда тасаввур қилишлари уни инсон аъзолари каби бири иккинчисига хизмат қиладиган яхлит ҳолда қабул қилиш кераклигини тақозо этади. Яъни биргина оят ёки ҳадисни ушлаб олиб, ундан ҳукм чиқарилмайди»⁹⁵.

Шуни ҳам инобатга олиш зарурки, жоҳилия давридаги Арабистон ярим оролида инсонлар қабилаларга бўлинган тарзда ҳаёт кечирганлар. Қабила аҳли ўз қабиладошини ёмон кўрган тақдирида ҳам битта қабиладан экани учун у билан яхши муносабат қилишга, бошқа қабилалар олдида ҳимоя қилишга мажбур бўлган. *Ал-вало'* ва *ал-баро'* ёндашувида кескинликни

⁹⁵ «Мусулмон жамяятларида тинчликни мустаҳкамлаш» халқаро конференцияси материаллари. – Абу Даби, 2014 йил, 9 – 11 март.

тарғиб қилиш ислом дини кириб келгунга қадар араблар орасида тарқалган «ўзимизники» ва «бегоналар» ҳаёт тарзини эслатади⁹⁴. Ислом дини эса, бир қабилага ёки миллатга эмас, балки бутун инсониятга нозил қилинди. Муҳаммад (алайҳис-салом) бутун инсоният учун, уларни «ўзимизники» ва «бегоналар»га ажратмаган ҳолда пайғамбар этиб юборилдилар.

Пайғамбар (алайҳис-салом) аҳли китоблардан уйланиш, уларнинг таомларидан ейиш, олди-берди қилиш, улар билан ўзаро тотув муносабатда бўлишни ўз ҳаёт йўллари намунасида кўрсатиб берганлар.

Жумладан, Мадинага ҳижрат қилгандан сўнг Пайғамбар (алайҳис-салом) динидан қатъи назар шаҳардаги барча тоифалар ўртасида сулҳ тузилиб, барча аҳоли тинчлик ва омонликда ўша келишувга амал қилиб яшадилар; Нажрондан келган насроний меҳмонларни иззат қилиб, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)нинг ўзлари уларга хизмат қилганлари, уларнинг ибодатлари учун масжиди набавийдан фойдаланишга рухсат берганлари ҳақида машҳур ривоятлар етиб келган.

Шундай экан, сохта салафийларнинг *ал-вало'* ва *ал-баро'* борасидаги ғулувга кетган, кескин қарашлари динимиз таълимотларига зиддир. Бинобарин, бу тушунчалар ислом динининг асосий икки манбаи Куръони карим ва ҳадиси шарифда мутлақ тарзда қайд этилмаган.

Исломда ғайридинлар билан ўзаро муносабатлар уламолар томонидан қайд этилган қуйидаги категориялар устига қурилади:

1. Фарз – кишининг ота-онаси гарчи мусулмон бўлмасалар ҳам улар билан яхши муносабатда бўлиши ва алоқаларини узмаслиги талаб этилади. «Луқмон» сурасининг 15-оятисида шундай дейилади: **«Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсаларда,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин!...»**

⁹⁴ Қаранг: Bukay D. Islam's hatred of the Non-Muslim (Ислом динининг ғайридинга нисбатан нафрати)// The Middle East Quarterly, Summer. Philadelphia: Middle East Forum, 2013, 11-page.

2. Суннат – бошқа дин вакилларига яхшилик қилиш ва ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга тарғиб қилинади. Бунга далил Қуръони каримдаги қуйидаги оятда келтирилади: «**Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта Аллоҳ адолатли кишиларни севар**» (Мумтаҳана, 8).

Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг аёллари София (р.а.) ўзларининг яҳудий акалари билан хабарлашиб туришга изн сўраганларида, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) рухсат берганлар. Шунингдек, Пайғамбар (алайҳис-салом) Умар (р.а.)га кийим-бош ҳадя қилганларида, Умар (р.а.) у кийимни маккалик акаларига бериб юборганлар. Ўша вақтда у кишининг акалари ислом динини қабул қилмаган эди.

3. Мубоҳ – «Моида» сураси, 5-оятда шундай дейилади: «**Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, аҳли Китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки махрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг иффатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёллари (ҳам ҳалолдир)...**» Ушбу оятга кўра, аҳли Китоблар билан яхши муносабатда бўлиш, уларнинг таомларидан таомланиш, уларга ҳам таом бериш, шунингдек уларнинг аёлларига уйланиш, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида ҳамкорлик қилиш мумкин.

4. Мусулмон киши эҳтиёжидан келиб чиқиб ғайридин инсоннинг қўл остида ишлашини шариат тақиқламайди. Мадинага ҳижрат қилинган даврда Али (р.а.) бир яҳудийнинг қўли остида ишлаганлари бунинг яққол мисолидир.

5. Мусулмонларга, эл-юртига, миллатига зарар етказиш мақсадида ғайридиннинг қўл остида ишлаш мусулмон кишига тақиқланган.

Кўриб турганимиздек, аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, хоинлик мақсадида ғайридинлар билан тил бириктириш

тақиқланган иш ҳисобланади ҳамда эътиқод масаласида ғайридинларга эргашиш мусулмон кишини ислом динидан чиқаради. Бошқа ҳолатларда эса, ғайридинлар билан яхши муносабат қилиш, улар билан ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечиришга монелик қилинмайди.

Ҳозирги глобаллашув асрида эътибор берилиши керак бўлган муҳим бир нуқта – бу жамиятлардаги мультиконфессионаллик шароитида ўзга динларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳиссини инсонларга гўдакликданоқ сингдириб боришдир. Инсоннинг турли динлар ва маданиятларга нисбатан бағрикенглик тушунчаси билан вояга етиши бошқа маданиятларга рўбарў келганда, ўз қобиғига ўралиб қолмасдан, улар билан ҳурмат асосида муносабатда бўлишига замин яратади, ноўрин таассубга ўрин қолдирмайди. Масалан, Қуръонда келтирилган Юсуф (алайҳис-салом) ва Зулқарнайн қиссалари бағрикенгликнинг энг гўзал кўринишларидандир: Юсуф пайғамбар ўз даврида ўзга дин, ўзга маданият ўчоғи бўлган Миср жамиятига қандай бориб қолгани ва чеккан азиятлари ҳақида Қуръон ҳикоя қилади. Аммо бундай жамиятга тушиб қолганига қарамай, Юсуф (алайҳис-салом) шу юртнинг равнақи учун бор кучи билан хизмат қилади ҳамда Аллоҳдан берилган иқтидорини ушбу диёр ривожи ва фаровонлиги учун сарфлайди. Зулқарнайн эса, Қуръон оятида тасвирланганидек, бегона юрт, бошқа миллат, турфа маданият вакилларига ҳеч қандай эвазсиз ёрдам беради: уларнинг жонлари ва юртларини душмандан сақлаш учун тўсиқ қуриб беради, улар билан ҳамкорлик қилади. Бу ҳам албатта диний бағрикенглик ва инсонпарварликнинг энг гўзал намуналаридир. Демак, инсон қандай жамиятда яшамасин, унинг моддий ва маънавий равнақи, фаровонлиги ва ҳимояси учун камарбаста туриши лозимлиги Қуръони карим оятларида ҳам мужассам бўлган.

Ҳозирги кунда, халқаро миқёсда виждон эркинлиги таъминланганини кўриш мумкин⁹⁵. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз

⁹⁵ 1-илова қаранг.

дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка тартибда, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади»⁹⁶. Кўриб турганимиздек, ҳозирги кунда диний эътиқод эркинлиги халқаро ҳужжатларда ҳуқуқий жиҳатдан асослаб қўйилган. Бошқа динлар билан бир қаторда ислом динига эътиқод қилиш ҳамда эмин, эркин тоат-ибодат қилиш учун халқаро миқёсда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, виждон эркинлиги таъминланган ҳозирги даврда, диний эътиқод масаласида ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд бўлмаган замонимизда сохта салафийларнинг кескин кўринишдаги диний қарашлари халқаро ва динлараро келишмовчиликлар, низо ва ҳатто уруш ҳолатлари ҳамда ўзга миллатлар эришган ютуқлардан бебаҳра бўлиш туфайли фан ва тараққиётдан орқада қолиш, илм-фаннинг таназзули каби салбий оқибатларга олиб келади. *Ал-вало'* ва *ал-баро'* эътиқодида чуқур кетиш эса, мусулмонларни дунёнинг бошқа халқларидан узиб олиб, уларнинг маданияти ва фан-техника тараққиётдан бебаҳра қилади ҳамда қоқлик чоҳига етаклайди. Оқибатда мусулмон жамиятлари кимларгадир қарам бўлишда давом этаверадилар. Шу оддий ҳақиқатнинг ўзидан ҳам сохта салафийлик ғоялари аслида кимга хизмат қилишини англаб олиш қийин эмас. Диний бағрикенгликни таъминлашдан асосий мақсад барча эътиқодларга бирдек эргашиш эмас, балки ўз эътиқодида мустаҳкам турган ҳолда ўзга дин вакиллари билан тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшаш, эзгу ишларда ҳамкорлик қилиш орқали тараққиёт, илм-фан ривожини учун тинчликни қарор топтиришдир.

⁹⁶ Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги (ҳужжатлар тўплами), – Тошкент: «Ўзбекистон», 2013, 27-бет.

ДОР АЛ-ИСЛОМ, ДОР АЛ-ҲАРБ ТУШУНЧАЛАРИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДА БУ ТУШУНЧАЛАР ҚАНДАЙ МАЪНО КАСБ ЭТАДИ?

Сохта салафийларнинг дор ал-ислом ва дор ал-ҳарб тушунчаларига муносабатларини келтиришдан аввал бу тушунчаларнинг келиб чиқиш тарихига, луғавий маъносига эътибор қаратиш лозим.

Ўрта асрларда халқаро миқёсдаги тинчлик шартномалари мавжуд эмаслиги туфайли мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда уруш муносабати муайян ўрин тутган. Шунинг учун ислом динида ўзини таҳдидлардан ҳимоялашга рухсат берилган. Айниқса, аббосийлар даврида халқаро муносабатларда диний асосдаги адоват кайфияти кучайиб боргач, “дор ал-ислом” ва “дор ал-ҳарб” тушунчалари шароит тақозоси билан пайдо бўлганини зикр этиш ўринли.

Дор ал-ислом арабча сўз бўлиб, «ислом ҳудуди», «ислом диёри» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, ислом арконлари амалда намоён бўладиган ҳудудлар манбаларда «дор ал-ислом» деб аталган.

Дор ал-ҳарб эса, «уруш диёри» деб таржима қилинади. Мусулмонлар билан уруш ҳолатида бўлган диёрларга нисбатан «дор ал-ҳарб» атамаси қўлланилган. Лекин мусулмонлар диёри ва ғайридинлар диёри орасида тинчлик битими мавжуд бўлса, дор ал-ҳарб деб нисбат берилмайди.

Сохта салафийлик ғоялари таъсиридаги айрим оқим ва ҳаракатларнинг мазкур тушунчаларга қарашлари ва муносабатлари тубдан фарқ қилади. Уларнинг наздида маълум ҳудудни дор ал-ҳарб (уруш диёри) деб эълон қилиш ва у ерга нисбатан жиҳод ҳаракатларини олиб бориш муайян босқичларда амалга оширилади:

– маълум ҳудудга нисбатан такфир ғояси илгари сурилади;

– ўша ҳудуд «дор ал-ҳарб» деб эълон қилиниб, бунга далил бўладиган важлар кўрсатилади;

– давлатдаги мусулмонлар бу юртдан чиқиб кетиш, яъни хижрат қилишга чақирилади;

– уларнинг наздидаги «чин мусулмонлар» дор ал-ҳарбдан чиқиб кетгандан сўнг, бу юртга нисбатан жиҳод эълон қилинади;

– жиҳод билан бирга шаҳидлик тушунчаси ноҳолис талқинлар билан мияга қўйилади.

Демак, **биринчи босқичга** кўра, такфир ғояси илгари сурилади. Бу босқичда сохта салафийлар дунёни «оқ ва қора»га ажратадилар. Уларнинг фикрича, дунёнинг «қора» томони бу зулмат бўлиб, инсонни ўйлашга мажбур қиладиган ҳар қандай янгилик ва маълумотни бутунлай рад этиш орқали ундан қочишга чорлайдилар. Такфир босқичида сохта салафийлар ўзларидан бошқа мусулмонларга, хоссатан, ҳанафийларга нисбатан асосиз равишда «муржий» атамасини қўллайдилар. Ваҳоланки, ҳанафийлар муржий тоифаларни ўз асарларида доимий танқид қилиб келадилар. Тарихдан маълумки, муржийлар ўзларининг ақидавий қарашлари билан хорижийларга қарши юзага келган йўналиш ҳисобланади. Муржийларнинг фикрича, кишининг мусулмон ёки кофирлигини фақат Аллоҳ билади, инсон қанча гуноҳ қилгани билан имонда собит қолса, у мусулмон ҳисобланади, деб ишонганлар. Лекин ҳеч бир мусулмон дўзахга тушмайди, деган ақидавий қарашлари аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ келмайди. Сунний уламолар наздида улар адашган фирқалардан бири ҳисобланади. Сохта салафийлар наздида, «муржийлар» – бу ҳал қилувчи хулосага келолмайдиган, ўзи ҳеч бир ҳаракат қилмай, барча нарсани Аллоҳдан кутиб ўтирадиган, ҳеч қандай масъулиятни бўйнига олмайдиган заиф мусулмонлардир. Сохта салафийлар ўзларидан бошқа мусулмонларни заиф ва тирик манқурт сифатида кўришга интиладилар.

Сохта салафийлар ўз ғояларини инкор этган давлат ва унинг аҳолисини қуйидаги Куръон оятини қурол қилиб, куфрда айблайдилар ва оятни ўзларига мослаб таъвил қиладилар:

«... Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар ана ўшалар кофирлардир» (Моида, 44)⁹⁷.

Иккинчи босқичда ўша давлат ҳудуди дор ал-ҳарб деб эълон қилинади.

Ҳозирда сохта салафийлар Ғарбни дор ал-ҳарб деб эълон қилиб, оқибатда мусулмонлар у ердан дор ал-исломга ҳижрат қилиши зарурлигини тарғиб қиладилар.

Лекин айрим уламоларнинг фикрича, «дор ал-ҳарб» атамасини ҳозирги пайтда умуман ишлатиб бўлмайди. Чунки ўрта асрларга хос бу атама халқаро битим ва шартномалар мавжуд бўлмаган шароит учун мувофиқ бўлган.

Ислом тарихига назар солинса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) учун ўз юртларида эмин-эркин яшаш, ислом арконларини тўлиқ адо этиш имкони қолмагани, доимий равишда атрофдагилар томонидан камситилиш ва ниҳоят ҳаётларига тажовуз қилиш каби ҳолатларнинг вужудга келиши У зотнинг ноилож ҳижрат қилишларига сабаб бўлган. Бундан кўриниб турибдики, сохта салафийлар бугунги кунда муайян бир давлатни дор ал-ҳарб деб, ундан ҳижрат қилишга чақиришлари асоссиздир. Сабаби тарихда дор ал-ҳарб деб эълон қилиш учун келтирилган вазларнинг бирортаси ҳам бугунги кунимизга тўғри келмайди. Бугунги кунда мустақил демократик давлатларда виждон эркинлиги таъминланган, ҳеч ким динга мажбурланмайди, бирор диний маросимга тўсқинлик қилинмайди. Шундай экан, бугунги кунда «дор ал-ҳарб» атамасини ишлатиш ўринлими?

Ҳадисшунос олим Юсуф Жадий «Дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом» асарида таъкидлашича, бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларини нисбий равишда «дор ал-ислом» деб атаса муболаға бўлмайди. Сабаби, барча демократик давлатларда мусулмонлар ўз диний маросимларини очиқ ва хавфсиз равишда бажармоқдалар. Гарчи, бу давлатларининг аксарияти анъанавий кўринишдаги «дор ал-ислом» бўлмаса ҳам.

⁹⁷ Бу оятнинг шарҳи «Сохта салафийларнинг “Аллоҳнинг ҳукми” ва давлат сиёсий бошқаруви борасидаги фикрлари ўринлими?» сарлавҳа остидаги бўлимда берилган.

Ҳанафий уламоларидан Исбижобий ҳам азон, жума, жамоат намозлари бўлиб турган диёрлар «дор ал-ислом» эканини алоҳида таъкидлаган.

Учинчи босқичда ҳижрат қилиш лозимлиги таъкидланади. Уларнинг фикри бўйича ҳижратдан мақсад – имонни асраб қолиш. Аслида-чи шундайми?!

Ҳижрат даъвосида ўз юртини ташлаб чиқиб кетган гўллар ўзга юртларда мажбурлаб ҳарбий тайёргарликни ўтайдилар.

Ҳижратнинг *махфий кўриниши* ҳам бўлиб, у «узла шуурийя», яъни ҳиссий қобиқ шаклида ўтади. Унинг маъноси: «Ҳақиқий ислом ҳавоси билан яшаш». Бу ҳижратда жисмонан шу юртда яшасалар-да, лекин ўзларини шу юрт жамиятидан буткул ажратадилар, деярли жамият билан мулоқотга киришмайдилар. Бу худди ички ҳижрат каби. Сохта салафийлар бу босқичда «исломий» бўлмаган барча одатлардан, либос ва зийнатлардан воз кечадилар. Ҳатто давлат идораларидаги иш жойларидан бўшайдилар. Улар буларнинг барчасини шайтоний, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, ислом дини ўзи яшаётган жамиятдан ажралмай, унга муносиб хизмат қилишга, унинг ривожини учун ўз ҳиссасини қўшишга чақиради. Зеро, бу пайғамбарлар суннатидир. Куръондаги Юсуф (а.с.) қиссаси айнан шу мазмунни ифода этади.

«Анфол» сураси 72-оятда шундай дейилади: **«Албатта, имон келтирган, ҳижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. Имон келтирган-у, лекин ҳижрат қилмаганлар, то ҳижрат қилмагунларига қадар, улар билан дўстлик қилиш сизлар учун жоиз эмасдир. Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг зиммангиздадир. Илло, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳдлашув бўлган қавм зиддига (ёрдамлашиш жоиз) эмас. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир».** Маккалик мусулмонлар учун Мадинага ҳижрат қилиш фарз

қилинган эди, лекин ҳижрий саккизинчи йили, Макка фатҳ этилгандан кейин юқоридаги оят асосида ҳижрат қилишнинг фарзлиги мансух, яъни бекор қилинди. Оятда имон келтирган, лекин ҳижрат қилмаган мусулмонларни ҳам Аллоҳ таоло мўминлар, деб марҳамат қилмоқда. Шундай экан, деярли барча мамлакатлар орасида инсон ҳуқуқларини, жумладан, эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида ўзаро келишувлар имзоланган бир вақтда ҳижрат ҳақида сўз боришининг ўзи ноўрин. Дунёнинг қай бир ривожланган мамлакатига борманг, инсонлар ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилишлари ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмасликлари учун барча шароитлар яратилган. Тараққиётнинг асосий кўрсаткичи ҳам бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг қай даражада таъминлагани билан ўлчанмоқда. Бундай шароитда ҳижрат ҳақида бонг уриш фақат инсоният душманлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Яна шуни қайд этиш лозимки, ушбу масаланинг сохта салафийлар жуда кам мурожаат қиладиган яна бир жиҳати бор бўлиб, у ҳам бўлса, «дор ал-муаҳада» ёки «дор ас-сулҳ»дир. Луғатда бу сўзлар «аҳдлашув диёри», ёки «сулҳ диёри» деган маъноларни билдиради. Аҳдлашув диёрлари мақом жиҳатидан дор ал-ислом билан бир хил ҳисобланади. Бугунги кунда, дунёнинг барча давлатлари ўзаро шартнома ва битимлар билан тинчлик алоқаларини ўрнатган бир даврда дор ал-куфрни ажратиб кўрсатишнинг ўзи амри маҳолдир!

Кўриб турганимиздек, салафийларнинг дор ал-ҳарб ва дор ал-ислом тушунчаларини бузиб талқин қилишлари ислом дини ҳақида етарли маълумоти бўлмаган ёшларни осонгина ўз сафларига қўшишга ёрдам беради. Сўнгги йилларда дунё ҳамжамиятида кузатилаётган террор фаолиятларининг муайян улуши сохта салафийлик ғояларидан таъсирланган жангарилар зиммасига тушаётганини қайд этиш лозим. Ислом ниқоби остида олиб борилаётган ҳар қандай бузғунчи мафкурадан келажак авлодларни, қолаверса, дунё ҳамжамиятини фақатгина илм-маърифат ва огоҳликка даъват орқали сақлаб қолиш мумкин.

СОХТА САЛАФИЙЛАР ЖИҲОДНИ «ИСЛОМНИНГ ОЛТИНЧИ АРКОНИ» ДЕЙИШЛАРИ АСОСЛИМИ?

Бу даъво мутлақо асоссиздир. Бугунги кунда турли оқим вакиллари томонидан ислом динидаги турли тушунчалар ва ҳатто, дин асослари ҳам бузиб талқин этилмоқда. Ана шундай масалалардан бири бу «жиҳод» тушунчаси билан боғлиқ. Бузғунчи кимсаларнинг талқинича, «жиҳод мусулмоннинг ғайридинларга қарши муқаддас урушидан бошқа нарса эмас ва у исломнинг олтинчи арконидир». Бундай талқин динимизнинг гўёки, ёвузликка, жангу жадал, уруш, қон тўкиш, бошқа диндагиларга қарши кураш олиб боришга асослангани ҳақидаги ноҳолис қарашларнинг шаклланишига туртки бўлмоқда. Аслида эса, «жиҳод» Қуръонда «муқаддас уруш» деб аталмаган.

Ислом ўз моҳиятига кўра тинчлик динидир. У инсонларни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида бор куч-ғайратини сарфлашга, турли фитна ва ўзаро адоватга барҳам беришга чақиради. Зеро, тинчликпарварлик ислом динининг асосини ташкил этади. Аммо бугунги кунда динни ниқоб қилиб, унинг номидан иш олиб боришга интилаётган экстремистик ва террорчи оқимларнинг бузғунчи фаолияти муқаддас ислом дини ва тинчликсевар мусулмонлар ҳақида нотўғри тасавурларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Хўш, бузғунчи оқимларнинг жиҳод борасидаги қарашлари қай даражада асосли, жиҳоднинг моҳияти нимада?

Жиҳод сўзи арабча «жаҳада» феълидан олингани, «ғайрат қилмоқ», «ҳаракат қилмоқ», «интилмоқ», «зўр бермоқ», «бор кучини сарфламоқ», «курашмоқ», «меҳнат қилмоқ» каби маъноларни англатиши бугунги кунда кўпчиликка маълум. Диний истилоҳга кўра, жиҳоднинг нафс, шайтон ва ёв билан курашишдек турларининг мавжудлиги, уларнинг

мазмун-моҳияти ҳақида мўътабар манбаларда етарлича тушунтиришлар берилган.

Исломнинг дастлабки босқичида «жиҳод» мазмунида исломни тарқатиш учун қилинган саъй-ҳаракат, ғайрат қилиш маъноси тушунилган. Шу боис Макка даврида Пайғамбар (алайҳис-салом) ва саҳобийлар Аллоҳ таолонинг: «(Эй Муҳаммад), **Раббингизнинг йўлига** (диниға) **ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг!** Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг!...» – (Наҳл, 125) деган кўрсатмаси асосида фаолият олиб борганлар.

Кейинчалик, яъни Муҳаммад (алайҳис-салом) Маккадан Мадинаға кўчиб ўтганларидан сўнг мусулмонлар жамиятини ташқи душманлардан мудофаа қилиш мақсадидагина ҳарбий мазмундаги жиҳодға рухсат берилган. Жумладан, «Ҳаж» сурасининг 39-оятида: «(Мушриклар томонидан) **хужумға учраётган** (мусулмон)ларға, **мазлум бўлганлари сабабли** (жанг қилишға) **изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларға ёрдам беришға қодирдир**», дейилади. Бундан кўринадики, жангу жадал маъносидаги жиҳодға мудофаа, муқаррар душман ҳамласини даф этиш мақсадида рухсат берилмоқда.

Таассуфки, ҳозирда жиҳод дейилганда унинг уруш маъносидан бошқаларини инкор этиш, боз устиға террорчилик билан боғлиқ жиноятларни ҳам Аллоҳ йўлидаги жиҳод, деб эълон қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Айниқса, экстремистик ва террорчи оқимларнинг мутаассиблик билан йўғрилган ғаразли мақсадлари йўлидаги босқинчилик урушини «жиҳод» деб эълон қилиши ва бу йўлда ўзини портлатган ва бошқа бегуноҳ инсонларнинг ўлимиға сабабчи бўлган кимсаларни «шаҳид» деб атаётганлари динимиз таълимотларига мутлақо зиддир. Ваҳоланки, ислом динида жон неъматига Аллоҳнинг энг буюк ва қадрли неъматларидан бири, деб қаралади. Бу неъматнинг қадрига етмаганларға улкан азоблар борлиги ҳақида Куръони карим ва ҳадисларда кўплаб кўрсатмалар келган. Жумладан, Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: *Аллоҳ таоло марҳамат қилурки: «Бандам ўзини-ўзи*

ўлдириб, Мен унга берган умрга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим»⁹⁸.

Шунингдек, Имом Бухорий ва Имом Муслимдан ривоят қилинган яна бир ҳадисда ҳам шунга оид масала баён этилган. Унда айтилишича, «Кимки ўзини тоғ тепасидан ташлаб ўлдирса, ўлгандан кейин ҳам жаҳаннамда шу хил азобга гирифтор бўлади. Ўзини сувга ташлаб ёки осиб, ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам унинг ҳукми билан баробардир»⁹⁹.

Худкушлик қилган кимса гўё Аллоҳни шаҳидлик мақомини беришга мажбурлагандек кўринади. Чунки худкуш энг аввало, бегуноҳ кишилар жонига қасд қилиши билан бирга ўзини ҳақ йўлда деб билиб Аллоҳдан ноҳақ шаҳидлик мақомини талаб қилади.

Юқоридаги ҳадислар фақат ўзини ўлдирган кимса ҳақида бўлса, ўзи билан бирга бегуноҳ инсонлар ўлимига сабаб бўлаётган шахсларнинг гуноҳи унданда оғирроқ бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу ҳақида Куръони каримда шундай дейилади: «Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай» (Нисо, 93).

Жиход ҳаракатини террор йўли орқали амалга ошираётган кимсалар ўз қилмишларини муқаддас ислом учун кураш, мусулмонларни бирлаштириш ёки ислом халифалигини қуришга қаратилган амаллар, дея ўзларини оқламоқчи бўладилар. Агар жиход, улар айтганидек, ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбурлаш учун жорий этилганида эди, Пайғамбар (алайҳис-салом) нинг ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлар эдилар. Бироқ Пайғамбар (алайҳис-салом) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, янги пайдо бўлган мусулмон жамиятини ҳимоя қилиш учун ҳамда юртга бостириб кириши муқаррар бўлган душмангагина уруш эълон қилганлар.

Шу билан бирга Муҳаммад (алайҳис-салом) Маккадан Мадинага келганларидан сўнг қилган дастлабки ишларидан

⁹⁸ Саҳиҳи Бухорий, 3304-ҳадис.

⁹⁹ Саҳиҳи Муслим, 187-ҳадис.

бири мусулмонлар жамоаси ва ҳудуддаги турли дин вакиллари ўртасида ўзаро тинч-тотув яшашни таъминлашга қаратилган шартнома тузиш бўлган. 622 йилда тузилган бу шартнома «Мадина саҳифаси» номи билан машҳур бўлиб, унда яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар ўзаро ҳурмат асосида яшаш, уларнинг ўз диний эътиқодини амалга оширишларига тўсқинлик қилмаслик каби муҳим масалалар ўрин олган эди. Ислом дини ҳамма давр ва ҳар қандай вазиятда тинч-тотувликнинг барқарор бўлишидан манфаатдор бўлганини унинг тарихи ҳам намоён этади.

Исломнинг муқаддас манбаларида жиҳод ҳақида тўхтаб ўтилган. Масалан, «Тавба» сурасининг 111-оятда шундай марҳамат қилинади: «**Аллоҳ мўминлардан жонлари ва молларини жаннат эвазига «сотиб олди» – Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. Бас, ўлдирадилар ва ўлдириладилар. Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини берган Аллоҳдан кўра ким аҳдига вафодорроқдир?! Бас, битишган бу савдоларингиздан шодланингиз! Ана ўша улкан ютуқдир!**» – дейилади.

Ушбу мазмундаги оятлар Пайғамбар (алайҳис-салом) ва саҳобийларга Макка мушриклари томонидан оғир тазйиқ ўтказилаётган ва ер юзида ягона Аллоҳга имон келтириш даъвати хавф остида қолган даврда нозил қилинган.

Ислом дини таълимотлари Аллоҳ ва Пайғамбари томонидан инсониятга мукамал етказиб берилганидан сўнг, яъни Макка фатҳ бўлиб, Каъба турли бут ва санамлардан тозалангандан кейин “**Динда зўрлаш йўқ...**” (Бақара, 256) ояти нозил қилинган. Яъни пайғамбарлик яқунлангани, ваҳий поёнига етиб, ислом дини асослари, таълимотлари, одоблари мукамал белгиланганидан сўнг ушбу оят нозил бўлгани аҳамиятга молиқдир.

Агар ислом тарихига холисона ёндашиб илмий объективлик асосида воқеалар ривожини ўрганилса, ушбу оятлар Макка мушрикларига қаратилгани юзага чиқади. Чунки тарихга доир манбалардан маълумки, саҳобийлар фатҳ юришлари давомида ғайридинларга нисбатан юқоридаги каби оятларни қўлламаганлар, яъни уларга нисбатан Макка мушрикларига

қилинадиган муомалани қилмаганлар. Шунингдек, фақиҳлар томонидан араб бўлмаган мушрикларга аҳли китобларга қилинадиган муносабат ўрнатилган. Бу эса Макка мушриклари билан кейинги даврдаги бошқа кўп худоликка эътиқод қилувчилар орасидаги фарқни аниқ кўрсатади.

Шундай экан, ушбу оятларни мўмин-мусулмонларга нисбатан қўллаш ҳам мутлақо асоссиздир.

Шунингдек, ўрта асрларда давлатлар орасида асосан уруш муносабатлари асосий ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Ўша даврларда давлатлар орасида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш, тинчлик шартномаларини тузиш кабилар асосий ўрин тутмаган. Ҳозирги кунда эса жаҳонда давлатлар орасида ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тинчлик асосидаги муносабатлар асосий ўринга кўтарилган. Шу туфайли ислом динида доимо тарғиб этилган тинчлик ва тотувлик таълимотлари ҳозирги кунда давлатлар ўртасидаги муносабатларга ҳамоҳангдир.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуддан (р.а.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.): «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ё Расулуллоҳ, қандай амал афзал? (яъни қандай амал Аллоҳ таолога хуш келур?)» — деб сўрадим. Ул зот: «Ўз вақтида ўқилган намоз», — дедилар. Мен: «Кейин, қайси?» — дедим. Ул зот: «Кейин, ота-онага иттиб, (ҳамиша уларга яхшилик қилмоқ, уларнинг хизматида бўлмоқ)», — дедилар. Мен: «Кейин, қайси?» — дедим. Ул зот: «Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ», — дедилар-да, сукут қилдилар. Агар мен яна сўраганимда, яна жавоб берган бўлар эрдилар»¹⁰⁰.

Яна бир ҳадисда Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Бир киши «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «(Ё Расулуллоҳ, савоби жиҳатидан) жиҳодга тенг келадиган амалнинг (қайси амал эканлигини) менга айтсангиз!» — деди. Жаноб Расулуллоҳ: «(Савоби жиҳатидан жиҳодга тенг келадиган) амални топмадим», — дедилар. Сўнг, яна: «Агар мусулмонлар жиҳодга чиқсалар, сен масжидингга кириб, (улар қайтгунга қадар) тинмай ибодат қилишга ва ифтор қилмай рўза тутушга қодирмисан?» — деб айтдилар. Шунда бояги киши: «Ким ҳам шундай қила оларди?!» — деди». Лекин бу оят ва ҳадисларда айтилаётган

¹⁰⁰ Саҳиҳи Бухорий, 513-ҳадис.

жиҳоднинг экстремистик оқимлар илгари сураётган талқиндаги жиҳод билан осмон билан ерча фарқи бор.

Ушбу оят ва ҳадислар асосан ислом динининг шаклланиш даврида ўта душманлик кайфиятида бўлган Макка ва Мадина мушриклари, аҳли китобнинг айрим адоватли тоифаларига қаратилган. Яъни, бу каби оятлар тарихий воқеликка хосланган бўлиб, бугунги кунга улар татбиқ этилмайди.

Жиҳод сохта салафийлар айтаётганидек, босқинчилик уруши эмас, унинг моҳияти ўзгача. Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳадисларида жиҳоднинг моҳиятини ёритиб берувчи кўрсатмалар мавжуд. Бу ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини англаб етмасдан жиҳодни ўзича талқин этиш қайтарилган амаллардандир.

Маълумки, ислом дини сулҳпарвар дин. Пайғамбар (алайҳиссалом) ўз саҳобийларига ғаним билан жанг қилаётганида душман сулҳ сўраса, албатта, бунга эътибор қаратиш лозим экани ҳақида айтиб ўтганлар.

Шунинг учун саҳобийлар ҳеч қачон Муҳаммад (алайҳиссалом) кўрсатмалари бўлмасдан ташқи душманга қарши уруш мазмунидаги жиҳодга чиқмаганлар. Бу ҳолатдан жиҳод эълон қилиш ваколати давлат раҳбарининг мутлақ ҳуқуқи экани келиб чиқади.

Шу билан бирга ислом динида душман билан жанг қилишнинг ҳам ўзига хос қоидалари баён этилган. Бу ҳақида «Бақара» сурасининг 190-оятида: **«Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай»**, дейилади.

Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятни қуйидагича тафсир қиладилар: «Ислом динида инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто ёв билан жанг қилиш асносида ҳам риоя қилинади. Аллоҳ таоло ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаддан ошмаслик ва тажовузкорликка ўтмасликни буюради. Бу ҳамма учун жуда ибратли танбеҳдир». «Жиҳод» сўзи асосан жидду жаҳд, саъй-ҳаракат, ижтиҳод маъноларида келади. Бу фикрнинг исботини Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисдан ҳам

кўриш мумкин: «Мусулмонларнинг афзали қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдигандир. Мўминларнинг афзали эса, хушхулқлироғидир. Муҳожирларнинг афзали Аллоҳ қайтарган нарсалардан ўзини йироқ тутувчидир. Жиходнинг афзали эса, Аллоҳ йўлида ўз нафси ва хоҳишига қарши қилинадиган жангдир»¹⁰¹.

Бундан ташқари, сохта салафийларнинг жиҳодни исломнинг олтинчи аркони, деб аташлари диндаги бузғунчиликдир. Энг аввало, адашган оқимлар назарда тутгандек, жиҳод исломнинг олтинчи аркони бўлганида эди, ўн тўрт аср илгари Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) мусулмонларни беш рукнга эмас, балки олти рукнга амал қилишга буюрган бўлардилар. Расулуллоҳ (алайҳис-салом) эса: «Ислом беш нарса устида бино қилинган. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг пайғамбари эканига гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, рамазон рўзасини тутиш ва (имкони бўлса) ҳаж қилиш»¹⁰², деб ислом асослари нимадан иборат эканини айтиб ўтганлар. Ислом уламолари, жумладан, юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддис ва мутакаллимлар ҳам ушбу ҳадиси шарифда диннинг арконлари ва моҳияти тўлиқ ҳамда қатъий баён этилганини таъкидлаганлар.

Бундан ташқари Қуръони каримнинг: «...Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломнинг дин бўлишига рози бўлдим...» (Моида, 3), деган ояти нозил бўлган вақтда ислом дини беш аркондан иборатлиги ва бундан кейин улар ҳеч қачон ўзгармаслиги таъкидланган. Яна бир ҳадисда эса, Пайғамбар (алайҳис-салом): «Сизлардан ким мендан кейин яшаса, яқинда кўп ихтилофларни кўради. Менинг суннатим ва мендан кейинги ҳидоят топган рошид халифалар суннати сизларга шарт бўлади. Уларни қаттиқ тутингиз ва озиқ тишлар билан тишлангиз. Шариятда янги пайдо қилинган нарсалардан сақлангиз. Зеро, (шариятда) ҳар бир янги пайдо қилинган нарса – бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир», деганлар¹⁰³. Сохта салафийлар эса, исломнинг беш арконига

¹⁰¹ Имом Марвазий, 556-ҳадис.

¹⁰² Саҳиҳи Бухорий, 8-ҳадис.

¹⁰³ Муснад Имом Аҳмад, 16889-ҳадис.

қаноат қилмай, жиҳод борасида ғулувга кетиб, уни шариатнинг олтинчи аркони деб аташлари жуда таажжубланарлидир. Бу эса, мазкур ҳадисда таъкидланган диндаги бидъат бўлиб, албатта, у залолат сари етаклайди. Ана шу ҳолатнинг ўзи инсонни сергакликка чорлаши, жиҳод масаласида ғулувга кетишдан сақланиши учун кифоя қилади. Зеро, жиҳод борасида ғулувга кетиш бошқа диндагиларга нисбатан босқинчилик бўлишидан ташқари ислом аҳкомларига қарши чиқиш ва уларни оёқости қилиш билан баробардир.

Шуни доимо ёдда тутиш керакки, ислом жангу жадал дини эмас, балки тинчлик динидир. Исломда амалга ошириладиган ҳар қандай жиҳод, яъни саъй-ҳаракат фақатгина тинч-тотув яшаш, тинчликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

СОХТА САЛАФИЙЛАРНИНГ «АЛЛОҲНИНГ ҲУКМИ» ВА ДАВЛАТ СИЁСИЙ БОШҚАРУВИ БОРАСИДАГИ ФИКРЛАРИ ЎРИНЛИМИ?

Аксарият мутаассиб оқимлар «Моида» сурасининг 44, 45 ва 47-оятларида келтирилган маъноларни юзаки тушунишлари натижасида, Аллоҳнинг ҳукми билан иш юритмаганларни кофирга чиқарадилар. Қуйида оятларни батафсил кўриб чиқамиз:

«44. ... Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир. 45. ... Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар золимлардир. 47. ... Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар фосиқлардир».

Юқоридаги оятларнинг нозил бўлиш сабаби «Тафсир ат-Табарий» асарида ишончли ровий – Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Атаба ибн Масъуднинг қуйидаги ривоятида келтирилади:

«Ушбу оят яҳудий бўлмиш Бану Қурайза ва Бану Назир қабилалари орасида кечган воқеадан сўнг нозил қилинган, бир тоифа иккинчисини тобе қилган, унга кўра, «азиз тоифа» «тобе тоифа»дан бир кишини ўлдирса эллик васақ (бир васақ – 132.6 кг.) дия бериши, «тобе тоифа» «азиз тоифа»дан бир кишини ўлдирса юз васақ дия бериши керак эди. Сўнг бир кун «тобе тоифа»дан бир киши «азиз тоифа»дан бир кишини ўлдириб қўяди. Шунда «азиз тоифа» юз васақ дия беришни талаб қилади. «Тобе тоифа»дагилар ҳозир Муҳаммад Мадинага келган бу вақтда икки бир миллатли, бир динли кишилар дияси бошқасининг ярмича бўлиши мумкин эмас, дейдилар. Шундан сўнг уруш бошланиб кетишига оз қолади. Сўнг улар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг олдиларига бу масала бўйича ечим олишга келдилар, улар агар Муҳаммад бизнинг фойдамизга ечим берадиган бўлса, уни бу ишимизда ҳакам қиламиз, бўлмаса уни чиқариб ҳакам қилмаймиз, дейдилар. Бу воқеа Муҳаммад

(алайҳис-салом)га билдирилади. Сўнг Ибн Аббос «Аллоҳга қасамки, ушбу оятлар шу икки қавм ўртасидаги ихтилофдан сўнг нозил қилинган, Аллоҳ ушбу икки қавмни назарда тутган», деди»¹⁰⁴. Яъни бу оят мазкур икки қавмнинг ўртасида вужудга келган жараёнга тегишли бўлиб, саҳобийлар томонидан ҳам оятнинг ҳукми шу икки тоифа билан чекланиши ва хосланиши ижтиҳод қилинган.

Юқоридаги оятларга маъно жиҳатдан яқин бўлган «Анъом» сураси, 57-оятида шундай дейилади: «... **Ҳукм Аллоҳдан ўзганики эмас...**» Сохта салафийлар ана шу оятлар асосида Аллоҳнинг ҳукмига итоат қилмади, деган важ билан замонавий жамиятларда яшаётган мусулмонларни куфрда айбламоқчи бўлганлар.

Тафсир асарларида ушбу оятнинг шарҳида Аллоҳнинг ҳукмини бажармаган кишининг кофир бўлмаслиги, имондан ажрамаслиги, диндан чиқмаслиги ҳақида саҳобийлар орасида кўпроқ Абдуллоҳ ибн Аббос ва ундан таълим олган тобейийлардан ривоят қилинганини кўриш мумкин. Умуман, бошқа саҳобийлар томонидан ҳам ушбу оят аҳли китоблар ҳақида нозил бўлган (хос сабабга кўра чекланувчи) оят сифатида қабул қилинган. Чунки барча саҳобийлар ушбу оятга кўра мусулмон киши шаръий ҳукм билан ҳукм қилмаса ҳам кофир бўлмайди, деб шарҳ берганлар. Ибн Аббоснинг бу оятга шарҳ беришига унинг Али (р.а.) томонидан хорижийларнинг олдиларига баҳс-мунозара учун жўнатилгани, бу борада яхши тажриба ва билимга эгалиги асосий сабаб бўлган.

Чунки ривоятларга кўра Али (р.а.) ва Муовия (р.а.) ўртасидаги келишмовчиликдан сўнг хорижийлар оқими пайдо бўлиб¹⁰⁵, улар ҳар қандай гуноҳ содир этган кишини кофирга чиқаришлари, Али Муовияга нисбатан Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукмни чиқарган, яъни Муовияга қарши курашиб, у билан сулҳ тузмаслиги лозим эди, деган бузғунчи фикрлари мусулмонлар ичида турли ғояларни юзага келтираётган эди.

¹⁰⁴ Табарий. Тафсир. Ж.10, 12037-ҳадис, 352-бет. Имом Аҳмад. Муснад. Ж.1, 2212-ҳадис, 246-бет.

¹⁰⁵ Исломни ниқоб қилиб фаолият олиб борган илк сиёсий-диний оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш жараёнида VII асрнинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Батафсил маълумот учун глоссарийга қаранг.

Шунинг учун улар билан баҳс-мунозара қилиш, уларнинг фикрларига раддия бериш, тўғри йўл кўрсатиш мақсадида Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) уларнинг ҳузурига жўнатилган эди. Абдуллоҳ ибн Аббос асосан уларнинг «Аллоҳнинг ҳукми» борасидаги хато қарашларига раддия берган. Натижада жами олти минглик хорижийлардан икки минг нафари залолат ақидаларидан қайтарилган. Ушбу ҳадис бир нечта ҳадис тўпламларида зикр этилган. Воқеа билан боғлиқ ривоят Ибн Аббос томонидан қуйидагича ҳикоя қилинади:

«...Мен уларга (адашган тоифа аъзоларига) дедим: *Пайғамбар (алайҳис-салом) саҳобийлари ва амакиваччаларини (яъни Алини) нималарда айблаяпсиз. Улар: учта нарсада, дейишди. Мен: улар қайсилар, дедим. Улардан бири: Биринчиси, у Аллоҳнинг амри ва ҳукми бўйича иш юритмасдан одамларни ҳакам қиляпти. Аллоҳ Куръонда «...Хукм Аллоҳдан ўзганики эмас...» (Анъом, 57) деб айтган. Ҳакам бўлган кишилар ва Аллоҳнинг ҳукми масаласи қандай бўлади?» – деди. Мен: Бу биринчиси, кейингисини айт, дедим. У: Али урушди, лекин асир ҳам олмади, ўлжа ҳам олмади. Агар у урушганлар (яъни Муовия ва унинг тарафдорлари) кофир бўлса, унда асир олиши ҳалол бўларди, агар мусулмон бўлишса уларни асир олиши ҳам, улар билан урушиши ҳам мумкин эмас эди, деди. Мен: учинчиси нима, дедим. Улар: Али ўзини-ўзи амирул-мўмининликдан ўчирди. (Чунки Али томонидан тайинланган ҳакам, яъни Абу Мусо ал-Ашъарий Амр ибн Ос билан келишгандан сўнг, «Мен Алини амирул-мўмининликдан озод қилдим», деган) Демак, у амирул-мўминин бўлмаса, унда у амирул-кофирин, дейишди. Сўнг мен Куръондан сизнинг гапингизга раддия берсам қабул қиласизми? дедим, улар рози бўлишди. Мен: Агар Али Аллоҳнинг амри ва ҳукми бўйича ҳакам тайинлаган бўлса, унда Аллоҳ кишиларни бир дирҳамнинг ҳам бир қисмидаги (уч танга) маблағда ҳакам тайин қилишни буюрганини Куръондан ўқиб берсам қабул қиласизларми дедим ва бу оятни кўрганмисиз, дедим: «Эй, имон келтирганлар! Эҳромда бўла туриб, овни ўлдирмангиз! Сизлардан кимки уни қасддан ўлдирса, (жазоси) худди (хонаки) ҳайвон ўлдириш билан баробар жазодир: у (ҳам бўлса) Каъбага юриб бора оладиган қурбонлик бўлиб, унга ўзларингиздан икки адолатли киши ҳакамлик қилур...» (Моид, 95). Аллоҳнинг*

ҳукмида кишиларни ҳакам қилиш келган, агар хоҳлаганда Аллоҳ ўзи ҳукм чиқариб берар эди. Ҳамда аёл эри билан ўрталарида келишмовчилик чиққанда, «Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз...» (Нисо, 35) оятини нозил қилган. Шундай экан, бу масаладан етарли жавоб олдингизми? дедим. Улар: Ҳа, деб жавоб беришди.

Агар Али ва унинг тарафдорлари урушиб, асир ҳам олмади, ўлжа ҳам олмади, десангиз, унда Оиша (р.а.)ни асир олармидингиз? Агар уни бошқалардан кўра асир олишни ҳалол деб билсангиз, унда куфр келтирган бўласиз, агар Оиша (р.а.)ни мўминларнинг онаси, деб эътироф этмасангиз, у ҳолда ҳам куфр келтирган бўласиз, чунки Куръонда «Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақлироқдир, унинг хотинлари эса уларнинг оналаридир», (Аҳзоб, 6) дейилган. Сизлар икки залолат ўртасидасиз, қандай қилиб бундан чиқасиз. Шундай экан бунга ҳам етарли жавоб олдингизми? Улар: ҳа, деб, жавоб беришди. Сизлар у ўзини амирул мўмининликдан чиқарди, деяпсиз. «Худайбия куни» Пайғамбар (алайҳис-салом) мушриклар билан сулҳ тузаётганларида, улар агар сизни пайғамбар деб билганимизда сизлар билан урушмаган бўлардик, ўзингизнинг исмингизни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёзинг, Муҳаммад Пайғамбар, деб ёзманг, дейишди. Шунда Муҳаммад (алайҳис-салом) Алига: «Расулulloҳ сўзини ўчир, эй, Али, «Қуйидагилар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ сулҳ қилган нарсалар...», деб ёз дедилар. Пайғамбар (алайҳис-салом) Алидан афзалдирлар ҳамда бу қилган ишлари, у зотни пайғамбарлик мақомидан чиқармади, бу жавобдан ҳам қониқдингизми, дедим. Улар ҳа, дейишди. Сўнг улардан икки минг йўлларида қайтишди, қолган тўрт минг нафари залолат йўлларида ҳалок бўлишди»¹⁰⁶. Мана шу каби хорижийлик йўлини тутган замонавий оқимлар туфайли Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия ва бошқа давлатларда юз минглаб одамлар ҳалок бўлмоқда.

Демак, «Моида» сурасининг 44, 45 ва 47-оятлари Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Баро ибн Озиб, бошқа барча саҳобий ва тобейлар ривоятлари ва шарҳларига, барча муфассирларнинг шарҳларига кўра хулоса қилиш мумкинки, бу оятдаги «кофирдирлар» сўзи мўмин-мусулмонларга

¹⁰⁶ Имом Насоий. Суанан ал-кубро, 8575-ҳадис.

тегишли эмас, улар кофир эмаслар. Аслида ушбу оят Аллоҳнинг ҳукми билан умуман ҳукм чиқармайдиган тоифаларга тегишли. Чунки мўмин-мусулмон киши имон келтириш билан боғлиқ Аллоҳга, фаришталар, китоблар, пайғамбарлар, охират куни, қазо ва қадарга, шунингдек, ибодатлар ва бошқа никоҳ ва талок, илм олиш, одоб-ахлоқ, фарзанд тарбияси каби барча ҳукмларни бажаради. Шунинг учун Аллоҳнинг ҳукми масаласи кенг тушунча бўлиб, хорижийлар каби масалаларнинг зоҳирига қараб жоҳилона куфрга нисбат бериш Қуръоннинг ўзига хилоф бўлади. Аллоҳнинг ҳукмларини бажармаслик куфр келтирганлар томонидан амалга оширилади, чунки имон аҳли бўлмаган ҳолатда Аллоҳнинг ҳукмлари умуман бажарилмаган бўлади, шунинг учун мўмин-мусулмонларга ушбу оят тегишли бўлмайди.

Ислом дини кўрсатмаларида давлат бошқаруви, давлатнинг аниқ бир сиёсий ёки бошқарув шакли тавсия этилмаган. Ҳозирги кунда жамиятда мусулмонлар кўпчиликини ташкил этадиган давлатларнинг турли хил бошқарув шаклга эга эканлиги, қолаверса, ислом дини тарихида давлатчилик масаласи ранг-баранг шаклда амалга оширилганлиги бунинг яққол далилидир. Ислом дини кўрсатмалари ижтимоий-сиёсий соҳада тенг ҳуқуқлилиқ, эркинлик, турли-туманлик ва жамоа фикрини ҳурмат қилиш каби қадриятларни шакллантиришни ва уларни амалда қўллашни тарғиб этади.

Бу қадриятларни ислом динининг илк ижтимоий-сиёсий ҳаётида, Муҳаммад (алайҳис-салом) бошчилигидаги Мадина шаҳри мисолида кўришимиз мумкин. Муҳаммад (алайҳис-салом) Мадинага у ердаги ўзаро жанг кайфиятида бўлган кўплаб гуруҳларни муросага келтирувчи сифатида келдилар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий раҳбар сифатидаги роллари «Мадина саҳифаси» – Мадина келишувида ўз аксини топган. Бу келишув шаҳардаги барча ижтимоий гуруҳларни ўзаро иттифоқдош қилди ва шартномада шаҳарни ҳимоя қилиш, иттифоқдошларга ёрдам қўлини чўзиш ва Муҳаммад (алайҳис-салом)ни сиёсий ва ҳарбий раҳбар деб тан олишга келишдилар. Бу келишув диний кўринишга эга бўлмай, унда маълум бир диний кўрсатмани

бажариш шарти қўйилмаган эди. Диний гуруҳларга эса ўз эътиқодларида эмин-эркин қолиш ҳуқуқи берилган эди.

Бундан ташқари «Худайбия куни» Пайғамбар (алайҳис-салом) мушриклар билан сулҳ тузаётганларида, «*Муҳаммад ибн Абдуллоҳ сулҳ қилган нарсалар....*», деб ёздирдилар. Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг бу қилган ишлари у зотни пайғамбарлик мақомидан чиқармади, балки эътиқод билан ижтимоий-сиёсий келишув ўртасидаги нозик муносабатни кўрсатиб берди. Худди шу каби фуқаронинг мусулмон эканлиги ҳеч қаерда расмийлаштирилмаса-да, у мусулмонлигича қолаверади. Давлат бошқарувига диний тус берилмаса ҳам давлат ўз фуқароларига эътиқод эркинлигини таъминлайди. Исломи дини кўрсатмаларидаги фикрлар хилма-хиллиги, эркинлик, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши каби масалалар эса замонавий ҳуқуқий давлатлар қонунчилигининг асосий тамойилларига ҳамоҳанг.

Республикаимиз қонунчилиги ҳам диний ва миллий қадриятларимизга хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик, каттага ҳурмат – кичикка иззат, элу юрт равнақиға ҳисса қўшиш, яратувчилик ва бунёдкорлик каби эзгу тамойилларни ўзида мужассам этган. Жумладан, конституцияимизнинг дин ва эътиқод эркинлиги борасидаги ҳурфикрлик, ота-оналар ўз фарзандларини вояға етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашға масъуллиги, ўз навбатида вояға етган, меҳнатға лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишға мажбур экани каби қоидалар мисолида халқимизнинг асрлар давомида каттага ҳурмат – кичикка иззат тамойилиға амал қилиши, оиланинг муқаддас даргоҳ сифатида улуғлангани, билим олиш ҳуқуқининг кафолатлангани ва бошқа жиҳатлари динимиз тамойилларига ҳамоҳангликни ифодалашини кўриш мумкин.

СОХТА САЛАФИЙЛАР ТУШУНГАНДЕК «ҲАР БИР ЯНГИЛИК ЗАЛОЛАТМИ?»

Ислом дини инсон манфаатлари ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай кашфиёт ва янгиликларни юксак қадрлаб, қўллаб-қувватлаган. Тараққиёт илм ва амал устида барпо бўлар экан, ислом ҳам илм олишга ва уламолар қадрини кўтаришга ундайди. Ислом таълимотида илмнинг юксак қадрланишини ҳадислар ҳам тасдиқлайди. Албатта, ислом илм-маърифатга асосланган диндир.

Сир эмаски, Куръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларнинг зоҳирига қараб туриб ҳукм олиш салбий оқибатларга олиб келиши ёки ислом дини ҳақида нотўғри тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб қолмоқда. Жумладан, ҳозирда энг кўп баҳсларга сабаб бўлаётган масалалардан бири «бидъат» тушунчасидир. “Ҳадид” сураси 27-оятда шундай дейилади: “... **Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга уни (роҳибликни) ёзганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб (роҳиблик) қилдилар-у, сўнгра унга тўла риоя қила олмадилар...**” (Ҳадид, 27). Ушбу оятда *бидъат* сўзидан ясалган *ибтада’ууҳа* – “ўзлари чиқариб олдилар” сўзи ишлатилган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу оятда насронийларнинг бу қилмиши учун азоб ҳақида сўз юритилмайди.

Ҳадис тўпламларида шундай матнларни учратиш мумкинки, уларда юзаки қараганда Куръон ва суннатда бўлмаган ҳар қандай нарсани пайдо қилишдан қайтарилгандек кўринади. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «*Ким бизнинг ишимизда унда бўлмаган янгиликни пайдо қилса, у рад этилади*», дейилган¹⁰⁷. Имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса: «*Дарҳақиқат, энг яхши сўз Аллоҳнинг Китоби, энг яхши йўл Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони*

¹⁰⁷ Саҳиҳи Бухорий, 2578-ҳадис.

эса уларнинг янги пайдо бўлганларидир ва ҳар бир янгилик залолатдир»¹⁰⁸. Имом Аҳмад ривоят қилади: «Мендан кейин ким тирик бўлса кўп ихтилофларни кўради. Ўша пайтда менинг суннатимни ва тўғри йўлда бўлган халифаларнинг йўлини озиқ тишларингиз билан маҳкам тутингиз. Мен сизларни янги пайдо бўлган ишлардан қайтараман, чунки (диндаги) ҳар бир янгилик залолатдир»¹⁰⁹. Юқорида келтирилган ҳадисларни тўғридан-тўғри тушуниш исломни тараққиёт билан ҳамнафас эмаслиги ва у ўзи нозил бўлган замонгагина яроқли бўлган эски дин сифатида қораланишига олиб келади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, саҳобий Билол (р.а.) бомдод намозига азон айтаётганида “ас-солату хойрун минан-навм” жумласини қўшиб айтдилар. Пайғамбар (алайҳис-салом) буни қўллаб-қувватлаб, ҳатто доимо айтишни жорий қилганлари “бидъат” тушунчаси ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга кўмак беради.

Уламолар юқоридаги ҳадисларда келган «бидъат» сўзини ўрганиб, унинг луғавий ва истилоҳий маъноларини қуйидагича талқин қилиб берганлар. «Бидъат» луғатда олдин бўлмаган бирор нарсани пайдо қилишдир. Бунга Пайғамбар (алайҳис-салом) ва халифалардан кейин пайдо қилинган нарсалар ҳам киради. Шунингдек, у яхши ва ёмон бўлган, ибодат ёки ибодат бўлмаган нарсаларнинг барчасини ўз ичига олади. Ибн Таймия бу борада ўта тор йўл тутиб ҳар қандай турлардаги янгиликларни бидъат ва залолат деб баҳо берган. Аммо бошқа машҳур ислом уламолари бу борада кенгроқ мушоҳада юритишади.

Бу борада Имом Шофеий шундай деганлар: «Янги пайдо қилинган ишлар икки хил бўлади. Биринчиси – Куръон, сунна, асар (саҳобий ва салафи солиҳлар сўзи) ёки ижмога хилоф бўлган янгиликлар бўлиб, бу «бидъат саййиа», яъни ёмон бидъат ҳисобланади. Иккинчиси эса, яхши нарсалар учун пайдо қилинган ишлар бўлиб, «бидъат ҳасана», яъни яхши бидъат ҳисобланади». Бидъат ҳасанага тарихдан кўплаб

¹⁰⁸ Саҳиҳи Муслим, 1493-ҳадис.

¹⁰⁹ Муснад Имом Аҳмад, 16889-ҳадис.

мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Умар ибн Хаттоб (р.а.) мусулмонларни Убай ибн Каъб (р.а.)нинг орқасидан жамоат бўлиб таровиҳ намозини адо этаётганларини кўриб: «Бу қандай ҳам яхши бидъат», деб айтганлар. Маълумки, бу вақтга қадар мусулмонлар рамазон ойида таровиҳ намозини ёлғиз ёки кичик жамоалар бўлиб адо этганлар. Шунингдек, Абу Бакр (р.а.)нинг Куръони каримни ягона китоб ҳолига келтириб, жамлаганларини кўриш мумкин. Дастлаб, Умар (р.а.) бу ишни амалга ошириш таклифи билан чиққанларида Абу Бакр (р.а.): «Расулulloҳ (алайҳис-салом) қилмаган ишларини мен қандай қиламан», деб рози бўлмайдилар. Бу иш Зайд ибн Собит (р.а.)га топширилганда, у киши ҳам рози бўлмайди. Бироқ, Умар (р.а.)нинг уринишлари натижасида бу ишда яхшилик борлигини кўрдилар ва рози бўлдилар.

Замонамиз уламоларидан Имом Ноблусий бу борада шундай ёзади: «Бугунги кунда дунё каттадан-катта ўзгаришлар, тараққиётни бошидан кечирмоқда. Инсон ақлини шошириб кўядиган янги ихтиролар дунё юзини кўрмоқда. Хўш, Расулulloҳ (алайҳис-салом) «ҳар қандай бидъат залолатдир» деган ҳадисларида айтилган «янгилик»да айнан шуларни назарда тутганмилар?! Йўқ, албатта. Расулulloҳ (алайҳис-салом) назарда тутган бидъат бу – ақоид, шариат ёки ибодат масаласида унда бўлмаган бирор нарса кўшишдир».

Фақиҳларнинг истилоҳида ҳамда ҳадисларда қораланган бидъат деганда, диндан деб даъво қилинса-да, аслида диндан бўлмаган тўқима йўл назарда тутилади. Имом Шотибий: «Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга монандлик қасд қилинади», деган. Баъзилар эса, уни фақат ибодат билан чегаралаганлар. Бу каби бидъат «ҳар бир бидъат залолатдир» деган ҳадисга мувофиқ доимо қораланади. Бу хусусда Имом Молик шундай деган: «Ким яхши деб ҳисоблаб, исломда бидъат пайдо қилса, демак у «Муҳаммад (алайҳис-салом) ўзлари олиб келган рисолатга хиёнат қилган» деб даъво қилибди». Чунки Аллоҳ таоло шундай дейди: «...Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим...» (Моида, 3). Демак, мусулмонлар орасида янги пайдо қилинган нарса дин асосларига оид

масалаларда бўлса, у янгилик «бидъати саййиа» ҳисобланади ва шу бидъат қораланади.

Бошқача қилиб айтганда, «бидъати залолат» фақат дин асосларига оид масалаларда бўлади. Юқорида келтирилган ҳадис ҳам айнан шунга далолат қилмоқда: *«Бизнинг ишимизда янгилик пайдо қилса...»*, яъни ишдан мақсад Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ва у зот билан бирга мусулмонлар жамоатининг ишидир. Дунёвий ишларда насс ва муайян диний қоидаларга хилоф келмаса, уларда ёмон бидъат йўқдир. Яъни ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаромга айлантириш каби бидъатларга йўл қўйилмаса бунга эътироз йўқдир. Шу ўринда қуйидаги воқеани келтириб ўтиш ўринли: бир куни Расулуллоҳ (алайҳис-салом) хурмони чанглатаётган одамлар олдидан ўтиб қолдилар ва уларга бундай қилишга ҳожат йўқлигига ишора қилдилар. Улар Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га итоат этдилар, лекин ўша йили хурмо аввалгидек яхши ҳосил бермади. Шунда Расулуллоҳ (алайҳис-салом): *«Дунё ишларингизни ўзингиз яхши биласиз»*, деб айтдилар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ва рошид халифалар замонида мавжуд бўлмаган, аммо кейинчалик юзага келган ҳар қандай янгилик аниқ тарзда келган насс билан рад этилмаса ва унинг натижасида яхшилик, умумманфаат кутилса ҳамда инсонларга нафи тегса, бундай янгилик шаръий ҳалол доирасида ҳисобланади.

Шайх Муҳаммад Абдуллатиф Фахҳом бошчилигидаги «ал-Азҳар» қошидаги «Фатво кўмитаси» бу масалада шундай фикрни билдирган эди: «Бидъат ибодатга тааллуқли масалаларда бўлади. Масалан, мустақил бир ибодат пайдо қилиш ёки мавжуд ибодатга бирор қўшимча киритиш ёки уни бажариш тартибини ўзгартирган ҳолда ибодат жорий қилиш ҳамда у асли шаръий ибодат деб ҳисоблаш, бу «бидъат» бўлиб, Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг *«Ким бизнинг ишимизда унда бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад этилади»* деган ҳадисларига мувофиқ инкор қилинади. Лекин ибодат қилиш учун пайдо қилинган янги воситалар эса диндаги «янгиликлар» ҳисобланмайди ҳамда у асло «бидъат» чегарасига кирмайди. Бунга мисол тариқасида азонни масжид эшигидан сатҳига, у ердан эса минорага кўчириш, кейинчалик эса овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш, рамазондаги оғиз ёпиш ва очишни билдириш

учун тўпдан отиш, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) минбарларига хилоф равишда катта масжидларда одамларга эшиттириш учун хутбани баланд зинада ўқишни келтириш мумкин. Шунингдек, илк ислом даврида масжидларда алоҳида меҳроб бўлмаган ҳамда масжидлар гумбазли қурилмаган. Масжидларга гумбаз қуриш кейинчалик умавийлар даврида жорий бўлган».

Бугунги кунда сохта салафийлар мазҳабларни диндаги бидъат, деб унга эргашишдан қайтардилар. Ваҳоланки, мазҳаблар Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан кейинги салаф солиҳлар даврида забардаст уламолар томонидан асос солиниб тизимлаштирилган. Бу нарса енгиллик нуқтаи назаридан ҳам кейинги давр уламолари учун анча ёрдам бўлган. Ҳозирги кунда мусулмонлар 100 минглаб ҳадислар орасидан ўз саволларига жавоб қидириб юрмасликлари, топганда ҳам у масала юзасидан ҳукм чиқаришга қодир бўлмаганлари сабабли, аҳли сунна ва жамоанинг тўрт мазҳабига эргашишлари шарт ҳисобланади. Зеро, аҳли сунна ва жамоа мазҳабларига эргашиш айнан салафи солиҳларга эргашиш ҳисобланади. Аксинча, мазҳабга эргашмаслик, уни инкор қилишнинг ўзи «бидъати саййиа» ҳисобланади.

Диннинг ўзи гоҳо Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ва салафи солиҳлар замонида бўлмаган нарсалардан истифода олади. Масалан, микрофон, магнитофон, симли ва симсиз алоқа воситалари, самолётга ўхшаган транспорт воситалари, булардан ташқари тараққиётга ҳамнафас бўладиган нарсалар ҳам шулар жумласига киради. Шунингдек, ҳижрий-қамарий ой ҳисобини аниқлаш, рамазоннинг кириши, ҳаж мавсуми ва бошқа ибодатларни адо қилишда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Баъзилар умуман йил ҳисобини олиб бориш ва уни аниқлашда бу каби йўллارни тутиш Расулуллоҳ (алайҳис-салом) даврида амалга оширилмаган, қолаверса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг: *«Биз оми умматмиз. Ёзмаймиз ҳам, ҳисобламаймиз ҳам. Ойлар шундай-шундай (яъни баъзан 29, баъзан 30 кун) бўлади»*¹¹⁰ деган ҳадисларини далил қилиб, бундай ишларни диндаги бидъат ҳисоблаб, бутунлай инкор қиладилар. Ваҳоланки, мазкур нарсалар диндан эмас, балки дин ишларини олиб боришдаги бир воситадир. Бу нарсани ҳаттоки Расулуллоҳ

¹¹⁰ Саҳиҳи Бухорий, 1831-ҳадис.

(алайҳис-салом)нинг ўзлари ҳам қўллаб-қувватлаб «*Ойни кўриб рўзани бошланглар, уни кўриб рўзани тугатинглар*», деб буюрганлар¹¹¹. Йил ҳисобини ҳеч бир асбобларсиз аниқлашнинг бу усули ўз даври учун энг мақбул йўл бўлган. Замон ўтиши билан ойларнинг кирганини аниқроқ ва тўғрироқ аниқлайдиган воситалар пайдо бўлди. Шариат улардан фойдаланишни асло қайтармайди.

Бу борада замонамизнинг кўзга кўринган уламолари айтадилар: «Расулulloҳ (алайҳис-салом) вафотларидан сўнг, диний, илмий ва бошқа соҳаларда пайдо бўлган нарсаларнинг барчаси ҳам қораланган бидъат ҳисобланмайди. Шаҳарлар кенгайиши ва аҳоли сонининг ортиши натижасида жума намозларига иккинчи азонни Усмон (р.а.) томонларидан қўшилганини барчамиз яхши биламиз. Шунингдек, Пайғамбар (алайҳис-салом) вафотларидан сўнг, кўпгина диний ва дунёвий илмларга асос солиниб тизимлаштирилди. Мазкур янгиликларнинг ҳеч қайси бири илоҳий кўрсатмаларга зид бўлмаган. Шундай экан, шариатга зид бўлмаган ҳар қандай янгиликни қоралаш ёки инкор қилиш мумкин эмас». Чунки олимлар ўз даврларидаги муаммолардан келиб чиқиб, илмий асосланган хулосаларни берадилар. Зеро, Куръонда шундай дейилади: «...**Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар...**» (*Фотир, 28*).

Дарҳақиқат, тараққиётга интилиш инсон ўз ҳолатини яхшилаш учун амалга оширадиган саъй-ҳаракат ва фаолияти унинг туғма инстинктида бор. Барча динлар ҳам буни эътироф этади. Динларнинг ривожланиш-тараққиёт олдидаги вазифаси шахс ва жамият саодатини таъминлаш учун энг тўғри йўлга йўналтириш билан белгиланади. Динлар ҳам ўзида тадрижийликни мужассам этганини ёдда тутиш лозим. Зеро, ҳар бир рисолат ўзидан олдин келган рисолатни тасдиқлаб, унинг давоми сифатида намоён бўлган. Чунки замон ва маконнинг ўзгариши билан ундаги баъзи шариат аҳкомлари ҳам ўзгариб борган. Исломда инсон ва жамиятни ёмон ҳолатдан яхшига, яхшидан эса ундан ҳам яхшироғига етаклайдиган, тараққиётга ундайдиган кўплаб чақириқлар мавжуд. Бунга: «*Мўмин киши охири жаннат билан тугамагунча яхшиликка тўймайди*»¹¹² (Имом

¹¹¹ Саҳиҳи Бухорий, 1827-ҳадис.

¹¹² Сунани Термизий, 2735-ҳадис.

Термизий ривояти), каби ҳадислар мисол бўла олади. Шунингдек, шариат доирасида бўлган моддийлик ва маънавиятдаги кучқувват ва комилликка ундовчи ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан, «Аллоҳ наздида кучли мўмин кучсиз мўминдан кўра яхши ва маҳбуброқдир. Барча яхшиликларда сенга фойда берадиганига интилинган ҳамда Аллоҳдан ёрдам сўрагин ва ожиз бўлмагин»¹¹³. Шак-шубҳасиз манфаат келтирувчи нарсага интилиш тараққиёт сари очик-ойдин чақириқдир.

Ислом фикрда ҳам, амалда ҳам яхшилиги бўлмаган эскиликни маҳкам ушлаб олишдан қайтаради. Жумладан, Имом Ҳоким ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Аллоҳ таоло бу умматга ҳар юз йилнинг бошида динни янгилаб турадиган инсонни юборади»¹¹⁴ деб айтганлар. Ҳар бир даврнинг ўз хусусиятлари, фарқли жиҳатлари доимо мавжуд бўлган. Ўша даврда яшовчи олимлар Қуръон ва сунна ҳамда ўз мазҳабининг асосларига таяниб, хулоса ва фатволарни чиқарадилар. Ҳазрати Умар (р.а.) ўз даврларидаги муаммоларга шароитдан келиб чиқиб ечим берганлари бунинг яққол мисолидир. Маълумки, янгилашиш тараққиёт белгисидир. Ҳазрати Али (р.а.) ҳам: «Фарзандларингизга ўз замонаси илмини таълим беринг. Зеро, улар сизнинг эмас ўз замоналарида яшайдилар» – деб замон билан ҳамнафас бўлишга чақирганлар.

Албатта, бу ўринда янгилик қатъий матн, муқаррар қоидага муҳолиф келмаслиги ва унинг натижасида фойда бўлмоқлиги керакдир.

Хулоса қилиб айтганда, исломдаги ҳар бир янгилик агар у диндаги муқаррар қонун-қоидаларга хилоф бўлмаса, «бидъати залолат» ҳисобланмайди. Айрим мутаассиб оқимлар таъкидлагандек, замона ўзгаришлари билан ҳамнафас бўлмаслик ва ҳаттоки уни инкор этиш, фақатгина ўрта асрлар муҳитини қўмсаб яшаш халқларни тараққиётдан узиб, фикрий турғунлик ва қолоқлик ботқоғига олиб боради. Дин қадриятлар ва муқаррар қоидалар доирасида доимо тараққиётга ва ҳар бир нарсанинг яхшисини олишга ундайди. Бу эса исломнинг ҳар бир замон ва макон учун яроқли эканининг ёрқин далилидир.

¹¹³ Саҳиҳи Муслим, 4945-ҳадис.

¹¹⁴ Сунани Абу Довуд, 3800-ҳадис.

ХУЛОСА

XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб, фан-техника тараққиёти ва айниқса глобаллашув жараёнининг кучайиши оқибатида ниҳоятда тез ўзгараётган даврда яшаётганимизни эътироф этишимиз керак. Бу жараён бизнинг Марказий Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Геосиёсий жараёнлар жаҳоннинг бошқа минтақаларига қараганда бу ерда жўшқинроқ ривожланмоқда, десак хато бўлмаса керак. Табиий-тарихий ривожланиш жараёнлари ва муаммолари (*аҳоли сонининг ортиб бориши, ер, сув муаммолари ва бошқа*) ёнига ташқи кучлар ва уларнинг минтақамизга бўлган қизиқиши, олиб бораётган сиёсати ва бунинг натижасида пайдо бўлаётган янги таҳдидларни қўшадиган бўлсак, бу хатарларнинг бирортасини ҳам алоҳида олинган бир мамлакат доирасида ҳал этишга уриниш кутилган натижа бермаслиги аён бўлади. Минтақамиз тинчлиги, барқарор ривож, ундаги давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатлар асосидаги сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик ташқи кучларнинг геосиёсий манфаатларига мос келмаслиги эҳтимолини назардан қочирмаслик фойдадан холи бўлмайди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик каби хавф-хатарларнинг сабаблари, илдизлари, омиллари, мақсадлари ва кўринишлари чуқур таҳлил, тадқиқ қилиниши ва туб моҳияти очиб берилиши лозим. Хусусан, дин омилдан устомонлик билан фойдаланаётган ғаразли кучлардан ёшларни ҳимоя қилиш юрт келажаги учун ғоят муҳимдир. Бир қарашда тўғридек кўринган «эзгу» ғоя ва чақириқларнинг ортидан кўр-кўрона эргашиш пировардида қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушунтириб бериш бугунги кунда масъулиятли вазифадир. Айниқса, глобал микёсда фаолият олиб бораётган сохта салафийлик ғоялари бугунги кунда кўплаб мутаассиб оқим ва фирқаларга озуқа бўлаётгани аён бўлиб бормоқда. Мутаассиб ғояларни тарқатиш йўлида Куръон оятлари ва ҳадис матнларини бирёқлама бузиб талқин қилаётган сохта салафийлар диндорлар

ўртасида зиддият чиқариш, тоқатсизликни шакллантириш, бузғунчилик ҳаракатларига ундаш, юртга нисбатан адоват кайфиятини тарбиялаш, жамиятни пароканда қилиш, фитна кўзғаш каби хатти-ҳаракатлари билан фаровон диёримиздаги тинчликка раҳна солмоқдалар. Исломнинг илк даврларидан бери турли шаклларда намоён бўлиб келаётган бу каби сохта ғоялар қанчалаб мўмин-мусулмонларнинг ёстиғини қуритгани манбаларда ўз аксини топган. Жаҳолат туфайли бу каби сохта ғояларга эргашаётган инсонлар аслида Раҳмон йўлида эмас, балки шайтон изидан кетаётганларини ҳамма англаб етиши учун барча эзгу кучларни сафарбар қилиш зарур. Ғояларнинг таъсири беқиёс даражага кўтарилган глобаллашув шароитида халқимизни, айниқса ёшларни жаҳолатга етакловчи ғоялар олдида «қуролсиз» қолдириш нималарга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш» ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, сохта салафийлик ислом дини таълимотларига зид бўлиб, мусулмонларнинг дунёвий соҳаларда тараққиётга бўлган интилишига тўсқинлик қилувчи йўналишдир. Бунга уларнинг диний матнларни ҳарфий, зоҳиран тушунишлари, илк ислом давридаги фатволарни ҳозирги кун учун қўллаш мумкин, деб ҳисоблашлари сабаб бўлмоқда. Мана шу ёндашувлар мўмин-мусулмонлар ўртасида тўхтовсиз уруш, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Сохта салафийлар пайдо бўлгандан бери мусулмонларни куфрга чиқариш ва уларга қарши “жиход” эълон қилиш бузуқ ғояси билан дунёнинг аксар мусулмон давлатларида беқарорликнинг юзага келишининг асосий сабабчилари ҳисобланадилар. Бу эса, ушбу йўналиш ортида ислом динини бузиб кўрсатиш орқали мусулмонларни бир-бирларига қарши қўйиш, мусулмон мамлакатларида беқарорлик келтириб чиқариш, натижада мусулмонлар доимо қолоқликда бўлишларини режа қилган учинчи кучлар борлигидан далолат беради. Сохта салафийлар эса

ўзлари билган ва билмаган ҳолда ана шу УЧИНЧИ КУЧларнинг қуроли сифатида уларга хизмат қилмоқдалар.

Қуръон ва суннадаги диний матнлар кишиларни тадаббур этишлари, турли масалалар бўйича тафаккурларини ишлатишларига йўл очиб берди. Натижада турли мазҳаб ва қарашлар шаклланди. Ислом динининг бой илмий мероси, жумладан, юртимиз алломалари яратган нодир илмий асарлар мазмун-моҳияти ўрганилса, уларнинг Қуръон ва суннага тўлиқ мослиги, мустаҳкам тафаккур асосида юзага келганини кўриб-билиш мумкин. Ушбу улкан бебаҳо мерос қаршисида сохта салафийларнинг қарашлари бир оддий, ҳарфий, зоҳиран ёндашилган саёз қарашлар мажмуаси эканлиги аён бўлади.

Сўзимизнинг охирида ислом динига баҳоли қудрат амал қилмоқчи бўлган инсонларга «минг йиллар оша, миллиардлаб мусулмонларнинг йўли бўлган, эътиқод ва амал борасида Қуръон, ҳадис ва мужтаҳидлар ижмоси асоси бўлган ҳамда ҳадисда «савод ал-аъзам», яъни “катта оламон” деб аталган умматдан бир қарич ҳам ажралманг» деймиз. Ислом динига бўлган муҳаббатингиз сизни турли фирқа ва оқимларга етаклаб кетмасин. Аҳли сунна ва жамоа уламоларининг, хусусан «Мовароуннаҳр уламолари» деб аталган боболаримиз йўлини маҳкам тутиб, залолатда юрган тоифаларга эргашманг! Улар дин номидан гапирадилар, лекин дин аҳли эмаслар, балки динни ичидан емиришга ҳаракат қилувчи фасод аҳлидирлар. Улар ҳақ йўлда эмаслар. Қандай қилиб ҳақ йўлда бўлсинлар, ахир Расулulloҳ (алайҳис-салом) «Умматим залолат устида жам бўлмайди» демоқдалар. Улар бўлса ўша муборак умматдан ўзларини ажратиб олганлар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло ўз бандаларига: **“Ҳаммангиз Аллоҳнинг «арқони»ни (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг”** (Оли Имрон, 103) деб буюрмоқда. Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда эса Расули Акрам (алайҳис-салом): *«Ихтилоф қилманглар, яна қалбларингиз ихтилофли бўлиб қолмасин»*, деб бежиз огоҳлантирмаганлар.

ГЛОССАРИЙ

Ашъарий – Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий (874-936) Ироқ калом мактабининг кўзга кўринган намояндаси. Ашъарийлик ақидавий мазҳабининг асосчиси. «Китоб ал-лумаъ», «Китоб ал-ибона» ва бошқа бир қанча ақидага оид асарларнинг муаллифи.

Аҳли раъй – тараққиёт натижасида юзага келган янги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳодисалар борасидаги фикҳий масалаларни ечиш жараёнида умумий тамойилларига асосланган ҳолда раъй ва қиёсдан кенг фойдаланадиган фикрий йўналиш. Ушбу йўналиш Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Зуфар томонидан ривожлантирилган.

Аҳли ҳадис – фикҳий масалаларни ечишда асосан оят ва ҳадисларга таяниб, раъй ва қиёсга камроқ ўрин бериладиган йўналиш. Ушбу йўналишнинг асосчиси Молик ибн Анас бўлиб, Имом Шофеий, Аҳмад ибн Ҳанбал унинг йирик намояндalари ҳисобланадилар.

Ақидапарастлик – («ақида» – араб. «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш.

Байтулмол – (араб. – «мол-мулк уйи») – ислом тарихида мамлакатнинг умумий мол-мулк ва маблағлари тўпланган ғазна. Пайғамбар (алайҳис-салом) даврларида махсус молиявий муассаса кўринишида бўлмаган. Халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) уни махсус муассаса шаклига келтирган. Ундаги бойликлар асосан закот, хирож, жизя, жангларда қўлга киритилган ўлжалар кабилардан тўпланган ва вазиятга қараб жамиятнинг барча эҳтиёжи, нафақа, маош, озиқ-овқат, дори-дармон ва ҳарбий харажатлар учун сарфланган.

Бидъат – динга кириб келган янгилик.

Вожиб – (араб. – «лозим, шарт», «собит») қатъий бўлмаган далиллар асосида бажарилиши шарт қилинган амаллар. Вожиб мажбурий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлиб, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларида фарз билан бир категория деб ҳисобланади. Ханафий мазҳабида фарздан фарқли, яъни қуйироқ мажбурият ҳисобланади. Вожиб фарздан икки жиҳати, яъни етиб келиши (субут) ва ифодаси (далолати) билан фарқланади. Агар бирор мажбурият қатъий тарзда, яъни Қуръони карим оятлари ва мутавотир ҳадислар асосида бизга етиб келса, шу билан бир вақтда ифодаси қатъий, низоли бўлмаган далиллар билан исботланса фарз ҳисобланади. Агар мажбуриятнинг етиб келиши (субут) ёки ифодаси (далолати) қатъий бўлмаса вожиб саналади. Фарзни инкор этган киши кофир бўлади, вожибни инкор этган киши кофир бўлмайди, балки фосиқ, яъни гуноҳқор бўлади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт.

Дия – хун ҳақи.

Закот – (араб. «ўсиш, тозалаш, поклаш») исломнинг беш рукнидан бири. Муайян мол-мулк *нисобга* (муайян миқдорга) етиб, бир йил тўлгач унинг қирқдан бири (2,5 %) муайян кишиларга берилади.

Зиммий – ўрта асрларда мусулмон мамлакат соясида яшайдиган ғайридин.

Ижтиҳод – қиёс ва ижмода қўлланиладиган метод (услуг) ҳисобланади. Ислому ҳуқуқининг асосий манбалари – Қуръон ва суннадан шаръий ҳукмларни қиёс орқали чиқариб олиш учун фақиҳ томонидан бор имкониятни ишлатиш.

Имом Қарофий – Шаҳобиддин Аҳмад ибн ал-Улоъ (1229-1285) бўлиб, Имом Қарофий номи билан шуҳрат топган моликий мазҳаби уламоларидан. Фиқҳ, усул, тафсир каби ислом соҳасига оид илмларда етуқ олим бўлган.

Имом Ноблусий – Муҳаммад Ротиб Ноблусий (1938 йил Дамашқда таваллуд топган) замонамиз машҳур уламоларидан.

Ижтимоий ва диний соҳага оид кўплаб асарлар муаллифи. Глобал миқёсда – интернет, телевидение, сунъий йўлдош каналлари орқали фаолият олиб боради.

Имом Шотибий – Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мусо ибн Муҳаммад Лаҳмий Шотибий (ваф. 1388 й.) – машҳур фақиҳ ва муҳаддис. Шунингдек, араб тили грамматикасига оид бир қатор асарлар муаллифи. Ўрта асрларда «Мақосид аш-шариа» мавзусига катта эътибор бериб, уни тизимлаштириб ривожлантирган олим.

Истинбот – бирор масала бўйича шариатнинг асосий манбаларидан ҳукм чиқариб олиш услуги. Абу Ҳанифанинг истинбот услуги қуйидаги асосларга таянган: Қуръон, сунна, саҳобийларнинг сўзлари, қиёс, истехсон, ижмо, урф.

Кофир – имонсиз инсон. Ислом дини кўрсатмаларида келтирилган яккахудоликни инкор этувчи шахс.

Куфр – имонсизлик.

Мазҳаб – (араб. «йўл») исломдаги шариат қонунлари тизими, фикҳий йўналиш.

Макруҳ – (араб. «ёмон кўрилган», «қораланган», «ёқимсиз») қатъий бўлмаган далил асосида тақиқланган ҳаракат. Макруҳ икки хил бўлади: макруҳи таҳримий (ҳаромга яқин макруҳ) ва макруҳи танзиҳий (мубоҳга яқин макруҳ). Қатъий бўлмаган далил асосида тақиқланган, тарк этилиши талаб этилган ҳаракат макруҳи таҳримий ҳисобланади. Аслида макруҳи таҳримий ҳаром билан деярли бир категория ҳисобланади. Макруҳи таҳримийни қилган одам гуноҳкор бўлади, тарк этган киши савоб олади. Мажбурий тарзда тақиқланмаган, тарк қилиниши ахлоқ нормалари асосида афзал деб ҳисобланган, аммо бу қилмиш учун жазо берилмайдиган ҳаракат макруҳи танзиҳий дейилади. Макруҳи танзиҳийни бажарган киши қиёматда жазога тортилмаса ҳам маломатга қолади, уни тарк этган киши савоб олади ва мақтовга сазовор бўлади.

Мандуб – бажарилиши тарк қилинишидан афзал бўлган амал.

Мансух – (араб. «кўтарилган», «бекор қилинган», «ўзгартирилган») Қуръоннинг айрим оятларидаги ёки баъзи

ҳадислардаги матн ёки ҳукмнинг улардан кейин келган оят ва ҳадислар асосида амалдан қолиши, татбиқ этилмаслиги.

Мадина саҳифаси – Муҳаммад (алайҳис-салом) даврида мусулмонлар, яҳудийлар ва бошқа тоифалар ўртасида Мадинада тузилган шартнома.

Мотуридий – Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий (ваф. 945 й.) сунний эътиқодидаги икки йирик ақидавий йўналишларидан бири – мотуридиянинг асосчиси ҳисобланади. У «Таъвилот аҳл ас-сунна», “Тавҳид” ва бошқа китобларнинг муаллифи.

Мубоҳ – бажариш мумкин бўлган амаллар. Бундай амал учун савоб берилмайди, гуноҳ ҳам ёзилмайди, уларни бажариш ёки бажармаслик инсоннинг ўз ихтиёрига топширилади: ухлаш, чарчаганда ўтириш каби амаллар (табиий ҳуқуқлар) шулар жумласидандир.

Мужтаҳид – ижтиҳод қилиш даражасига етган фақиҳ олим.

Муртад – (араб. – орқага қайтган, чекинган) – диндан қайтган, ундан воз кечган, яъни исломни тарк этган киши.

Муташобих – (араб. “ўхшаш, бир-бирига ўхшайдиган”). Қуръони каримдаги бир неча маъноларга далолат қилувчи оятлар “муташобих” саналади. Муфасссир уламолар муташобих оятларда келган Аллоҳнинг зоти, исм ва сифатлари, Арш, Курси, сирот, жаннат, дўзах каби ғайб оламига оид жумла ва ибораларга бир неча йўналишда шарҳлар берилиши мумкинлиги учун уларнинг чуқур таҳлиliga берилмасдан бор маълумотга имон келтириш кераклиги, акс ҳолда Қуръони карим оятларини тушуниш борасида мусулмонлар ўртасида турли ихтилоф ва келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Юртимиздан етишиб чиққан муфасссирлардан Абу Лайс Самарқандий (911-985) муҳкам ва муташобих оятлар хусусида шундай дейди: “Муҳкам – маъноси тушунарли ҳамда таъвил қилиш эҳтимоли бўлмаган оят. Муташобих эса, маъноси турлича бўлган ва бир неча маъноларга таъвил қилиш мумкин бўлган оятдир”. Бу борада Абул Баракот Насафий (1232-1310) шундай дейди: “Муҳкам оят – эҳтимоллик ва ўхшашликдан

холи бўлган оятлар. Муташобих оятлар – бошқа маънонинг эҳтимоли бўлган, иштибоҳли оятлардир. Уларнинг ҳақиқий таъвилини Аллоҳнинг ўзи билишига имон келтирилади”. Аҳли сунна ва жамоа уламолари муташобих оятларни Қуръон ва сунна доирасида таъвил қилишда тажсим ва ташбеҳга олиб борувчи маъно бермасликка иттифоқ қилганлар.

Муқаллид – чиқарилган ҳукмга унинг далилини билмаган ҳолда эргашувчи шахс.

Мушрик – кўпхудоликда айбланган одам.

Мустаҳаб – бажариш тавсия этилган амаллар (бундай амални бажармаслик учун гуноҳ ёзилмайди, жазога тортилмайди, бу амални бажариш эса, савобга лойиқ деб ҳисобланади, нафл намоз ўқиш ва нафл рўза тутиш мустаҳаб амал ҳисобланади).

Мусҳаф – (араб. «саҳифаланган») Қуръони каримнинг номларидан бири.

Мутаассиблик – (араб. «чуқур кетиш», «ғулувга кетиш») ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа қарашларга мурасасиз муносабатда бўлиш.

Оят – (араб. «белги, мўъжиза») Қуръон сураларини ташкил этувчи қисм, «жумлалар».

Оҳод хабар – Расулulloҳ (алайҳис-салом)дан тавотур даражасига етмайдиган миқдордаги ёки бир, икки кишилар томонидан ривоят қилинган ҳадисдир. Оҳод ҳадис билан собит бўлган ҳукмга амал қилинади. Унга амал қилмаган одам гуноҳкор бўлади. Ҳадисларнинг катта қисми оҳод ҳисобланади. Агар оҳод хабар Қуръоннинг умум маънолари ва зоҳирига хилоф бўлса, у ҳолда бу оҳод ривоят бошқа оят ва ҳадислардан устун қилинмайди. Агар хилоф бўлмаса, у ҳолда мужмал ўринларини баён қилиш учун улардан фойдаланилади, чунки, баён ва шарҳ этилмай далил ишлаб чиқиб бўлмайди.

Паздавий – Абул Юср Паздавий (1030-1099). Ҳанафий мазҳабининг ўрта осиелик машҳур олимларидан бири, фақиҳ ва мутакаллим.

Салафи солиҳлар – ислом дини вужудга келгандан сўнг уч аср давомида яшаб ўтган саҳобий, тобейий ва табаа тобейийлар.

Саҳобий – Расулulloҳ (алайҳис-салом)ни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.

Сунна – 1. Исломда «Пайғамбар йўли»; 2. Ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаи.

Тажсим – (жассама феълидан – «муҷассамламоқ») муҷассамлаш, Аллоҳни жисм кўринишида тасаввур этиш; кўпинча ат-ташбиҳ синоними сифатида ишлатилади. Тажсим издошларини ал-муҷассима деб аташади.

Такфир – мусулмонни имонсизликда айблаш.

Тасаввуф – исломдаги мистик-аскетик йўналиш.

Ташбиҳ – (араб. – ўхшатиш) Худони одамларга ўхшатиб таърифлайдиган таълимот (антропоморфизм). Бу тушунча ат-тажсим тушунчаси билан синоним сифатида ишлатилади. Илк ислом илоҳиётчилари ичида ташбиҳ тарафдорлари худонинг қиёфасини инсонга ўхшатиб талқин этганлар ҳам бўлган. Улар муътазилийларнинг худо ҳеч қандай сифатга эга эмас деган ат-таътил таълимотига (бу таълимот ислом тарихида таътил, унинг тарафдорлари муъаттила деб ном олган) қарши чиққанлар. Бу таълимотга қарши ўлароқ Аллоҳнинг сифатларини инсонларга ўхшатишни қоралайдиган ат-танзиҳ таълимоти юзага келган.

Терроризм – (фр. «кўркитиш») ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш (Бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик каби усуллардан фойдаланилади).

Тобейй – (араб. «эргашувчи») Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг саҳобийларини имон келтирган ҳолда кўрган ва уларга эргашган киши.

Усул ал-фикҳ – ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ва тамойиллари асосида ҳукмларни чиқариб олиш йўлларини белгилаб берувчи қоидаларни ўрганувчи фан, фикҳ илмининг бир қисми.

Фатво – фақиҳнинг динда пайдо бўлган янги муаммоларни Куръон ва суннага зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми.

Фикҳ – шариат ҳукмларини ўрганиш, шариат қоидаларини барча жузъиёти билан англаш ҳамда қайси мақсадда ишлаб чиқилганини тушуниб этиш.

Фосиқ – гуноҳкор.

Хорижийлар (араб. – ажралиб чиққан, исёнчи) – исломни ниқоб қилиб фаолият олиб борган илк сиёсий-диний оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида 7-асрнинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Бу тўқнашув ислом тарихига “Сиффин жанги” деб кирган. Али (р.а.) Муовия (р.а.) тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али (р.а.) ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Кўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Али (р.а.)ни келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган. Улар Куфадан унча узоқ бўлмаган Ҳарура деган жойга кетдилар, шу боисдан дастлаб «Ҳарурийлар» деб аталдилар.

Кейинчалик хорижийлар Али (р.а.)га ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Хорижийлар катта гуноҳ содир этган мусулмонларни исломдан чиққан деб эълон қилишган ва уларни ўлдиришни ҳалол ҳисоблашган. Хорижийларнинг бу каби бузуқ ақидалари сабабли ҳокимият тепасига келган аксарият халифалар уларга қарши кураш олиб боришган ва ҳозирда бу тоифа вакиллари тугатилган. Лекин ислом уламолари мусулмонларни куфрда айбловчи ва уларнинг қонини тўкишни ҳалол сановчи экстремистик ва террорчи оқимларни замонавий хорижийлар сифатида баҳолашади.

Жулафои рошидун – («тўғри йўлдан борган халифалар») – Муҳаммад (алайҳис-салом) вафотларидан кейин мусулмон давлати тепасида турган дастлабки тўрт халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (р.а.).

Журофот – исломгача мавжуд бўлган қадимий диний эътиқодларга оид урф-одатлар, тўқима ривоят ва афсоналар, ирим-сиримлар, сеҳр, фолбинлик, қабр, тумор каби нарсалардан ёрдам тегишига ишониш ва динда бўлмаган ёлғон-яшиқ гаплар.

Шариат – Қуръони карим ва Пайғамбар суннатида келган илоҳий кўрсатмалар (ҳукмлар)нинг мажмуи, ислом қонунчилиги мажмуи.

Экстремизм – (лотин. «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин чора-

тадбирлар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар.

Ширк – Аллоҳга бошқа бировни шерик қилиш.

Киёс – ислом ҳуқуқи манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмодан сўнг тўртинчи манба ҳисобланади). Киёс – ҳукми аниқ бўлмаган масалани насс орқали ҳукми аниқ бўлган масала билан солиштирилиб, улар орасида муштарак сабаб мавжуд бўлган ҳолатда аниқ ҳукми ҳукми аниқ бўлмаган масалага кўчиришдан иборатдир.

Қурайш – Маккада яшаган араб қабиласи (Шу қабиланинг ҳошимийлар хонадонида Муҳаммад (алайҳис-салом) туғилганлар. Қуръоннинг 106-сураси ҳам «Қурайш» деб аталади).

Ҳаром – ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал.

Ҳижрат – (араб. «бирор нарсадан ажраш») Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтишлари.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

*БМТ томонидан 1948 йил
10 декабрда қабул қилинган.*

18-модда

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш эркини, ўз дини ёки маслагига яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, таълимот, тоат-ибодатда ҳамда диний расм-русумлар ва бошқа шунга ўхшаш маросимларни адо этишда халойиқ билан биргаликда ёки хусусий тарзда эътиқод эркинлигини қамраб олади.

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлигига ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир; ушбу ҳуқуқ ҳеч бир халалсиз ўз эътиқодига риоя этиш эркинлигини ва ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан ҳамда давлат чегараларидан мустақил тарзда қидириш, олиш ва тарқатиш эркини қамраб олади.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТУҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

*БМТ томонидан 1966 йил
16 декабрда қабул қилинган.*

18-модда

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда ибодат қилиш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқод эркинлигига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар белгиланиши мумкин.

4. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодларига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар.

19-модда

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрига собит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар ёзма равишда ёки матбуот орқали ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият

юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланиши ва қуйидагилар учун зарур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятини муҳофаза этиш учун.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

*БМТ томонидан 1966 йил
19 декабрда қабул қилинган*

13-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, таълим олиш учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам танлаб олиш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эркига ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАТВОЛАРИ

ДИН НИҚОБИ ОСТИДАГИ ДИНБУЗАРЛАР ҲАҚИДА ФАТВО

Аллоҳ таолога беадад шукрлар айтамизки, даҳрийликка асосланган кўп йиллик истибдод тузумидан халос этиб, жонажон юртимиз халқини истиқлол неъматини ила сарафроз айлади. Лекин бу улуғ неъматнинг қадр-қимматини чуқур англаб етмайдиган, ўтиш давридаги баъзи қийинчиликларга мардона бардош бериш ўрнига ношукрчилик балосига мубтало бўлган, ташқи ва ички душманларимизнинг макр ва ҳийлаларига учиб, турли жиноят ва хиёнат йўлларига кириб кетаётган айрим ҳамюрт ёшларимизнинг қоқилаётганлиги ўта таассуфли ҳолдир.

Айниқса, кейинги пайтда «Ҳизб ат-Таҳрир» дея аталмиш диний-сиёсий фирқанинг хориждан келиб, юртимизда ўз даъвати ва фаолиятини юргазаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу фирқа динни озод қилиш шиори остида, кимлардир тузиб берган режаларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Динимиз асосини пухта билмайдиган баъзи мағрур ёшларимиз онгини заҳарлаб, уларни ўз тузоқларига илинтирмоқдалар. 16 февраль воқеаларидан кейинги ўтказилган чора-тадбирлар ва жиноятчилар устидан олиб борилган суд шуни кўрсатяптики, жиноятчиларнинг деярли дин ниқоби остида сиёсий ғаразларини амалга оширмақчи бўлиб юрган турли оқим, партия ва гуруҳларнинг малайлари бўлиб, Исломи дини қонун-қоидаларини яхши билмаганликлари оқибатида осонгина алданиб қолганлар. Улар ҳозирда қилган ишларига пушаймон бўлиб, хатоларини тан олиб, ёшларга қарата ўзларига ўхшаб алданиб қолмасликни такрор ва такрор айтмоқдалар.

Азиз мўмин-мусулмонлар!

Сизларни ўта ҳушёрликка, мазкур ҳизб ташкилотчиларининг дин номидан гапираётган ғаразли даъватларига сира ишонмасликка чақирамиз. Улар тарқатаётган варақаларда ёзилган даъволарда айтилишича, гўёки улар бу ҳаракатлари билан Аллоҳнинг амрини бажараётган эмишлар, ўз даврини ўтаган ислом халифалиги тузумини қайта тиклаб, ер юзидаги барча мусулмонларни шу халифаликка бўйсундирар эмишлар.

Уларнинг бу каби иддаоларига қисқача жавоб тарзида тўла ишонч билан шуни таъкидлаб айтамызки, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) вафотларидан олдин шундай деганлар: *«Менинг вафотимдан кейин халифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин амирлик ва подшоҳлик бошланади»* (Имом Термизий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоятлари).

Демак, ҳақиқий ислом халифалиги ўз даврини ўттиз йил муддатда ўтаб бўлган. Ундан кейинги умавийлар, аббосийлар ёки усмонли турк халифаликларига гарчи халифалик атамаси қўлланилган бўлса-да, улар ҳақиқий халифалик эмас, балки амирлик, подшоҳлик эканлиги аҳли сунна ва жамоа уламолари томонидан исботланиб келинмоқда.

Ҳизбчилар ҳар қандай даврда, ҳозир ҳам халифалик давом этиши керак, усиз яшаш мумкин эмас, у мусулмончиликнинг асосий шартларидан бири деб жар солмоқдалар. Ваҳоланки, мусулмончиликнинг ҳамма шартлари азалдан ҳаммага аён. Бу шартлар ичида халифалик тўғрисида бирор ишорат ҳам йўқ.

Халифалик ислом шартларидан деб мусулмонлар онгини чалғитиш, имон-этиқодларига шубҳа туғдириш – бу айни фитна-фасод ишлардандир. Халифалик Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафот этган замонларида зарур эди. Зеро, исломни энди қабул қилган, имонлари мустаҳкам бўлмаган мусулмонлар кўп бўлиб, улар Пайғамбаримиз (с.а.в.) вафотларини исломнинг инқирози деб тушуниб, диндан қайтишлари мумкин эди. Шу боис ўша даврдан бир кун ҳам халифасиз яшаш аҳли ислом учун жоиз эмас эди. Ўттиз йил мобайнида мусулмонлар кўникиб, имонлар такомиллашиб олгандан кейин, ислом ер юзининг узоқ-узоқ ўлкаларига ҳам тарқаб бўлгач, халифалик

каби якка ҳокимликка эҳтиёж қолмади. Тарихга бир назар солсангиз, ўша 30 йил давом этган «хулафои рошидун» давридан кейинги халифаликлар, амирлик ва подшоҳликлар фақат мулку салтанат, тожу тахт талашиш, мусулмонлар қонини тўкиш, нотинчлик келтирган. Ҳизбчилар қайси халифаликни қайта тикламоқчилар ўзи?! Бинобарин, ҳозирда ҳизбчиларнинг халифаликнинг қайта тиклаш йўлидаги ҳаракатлари замирида ислом динига ва мусулмонларга фойда эмас, балки фақат қирғинбарот уруш ва нотинчлик келтириб чиқариш ётибди. Иккинчи тарафдан, мабодо халифалик тикланган тақдирда ҳам, ким халифа этиб сайланади? Қайси мамлакат номзоди қабул этилади? Унинг маркази ва ҳудуди қандай белгиланади? Бу муаммо шундай мураккаб, шундай ечими мушкул жумбоқки, уни ҳал этиш умуман мумкин бўлмаган, амримаҳол нарсадир. Шу йўл билан мусулмонларни инқирозга учратмоқчи бўлган дин душманлари гоҳ халифалик, гоҳида ислом давлати қуриш каби усти ялтироқ, ичи қалтироқ ғояларни содда мусулмонлар оммасига сингдирмоқчи бўладилар. Бу ҳийла ва макрни тушунмаган ёшларимизнинг кўпчилиги уларнинг тузоқларига илиниб қолмоқдалар.

Иккинчи иддаолари – бизнинг мамлакат кофирлар диёри эмиш. Йўқ, асло! Бизнинг мамлакат мусулмонлар диёридир. Зеро, аҳолимизнинг 80 фоизи мўмин-мусулмон. Ислонинг беш рукни, яъни имон, намоз, рўза, закот, ҳаж ибодатлари амалга оширилиб келинмоқда. Ислон дини таълимотига тўлиқ амал қилиш учун бизда барча шароитлар мавжуд. Давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсати ижобий эканлигига, зарур бўлса, беҳисоб далиллар келтириш мумкин. Истиқлол тантанасидан кейин диний ва миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида қилинган ишларни кўрмаслик – бу айни нонкўрлик ва ношукурликдир.

Ҳизбчиларнинг қўлланма ва тарқатган маълумотларидан билинмоқдаки, мусулмончиликда ҳокимият учун кураш биринчи ўринда, ибодат ва ахлоқ иккинчи ўринда эмиш. Шунинг учун ҳам уларда на устозлар ва на ота-оналарга нисбатан иззат-ҳурмат бор.

Бундан ташқари улар мамлакатимиздаги расмий диний ташкилотларни ҳам тан олишмайди. Муфтиётдан тортиб, йирик-йирик дин пешволари, имом хатиблар, хатто уларнинг ғоясига қўшилмаган ҳар қандай алломаларни ҳам эътироф этмайдилар, улар билан ҳисоблашмайдилар, балки улар шаънига турли таъна ва танқидларни йўллайдилар.

Яна энг ачинарлиси шундаки, улар Имоми Аъзам (раҳматуллоҳу алайҳ) асос солган ҳанафий мазҳабига ҳурмат-сизлик билан қарайдилар. Юртимиз мусулмонларининг энг тўғри йўли саналмиш ҳанафий мазҳабида эканликларидан фахрланиш ўрнига бошқа заиф мазҳаб ва бузғунчи оқимларни қўллаб-қувватлайдилар. Ахир, бу ҳам хиёнатнинг бир тури эмасми?! Мазкур ҳақиқатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Олий ҳайъати ва Уламолар кенгаши куйидаги кўрсатмаларни юртимиз мусулмонлари диққатига фатво шаклида тақдим этади:

1. Ҳизб ат-таҳрир аъзоларининг фаолияти ва ташвиқоти ислом дини таълимотига мувофиқ эмас, балки дин душманлари томонидан мусулмонлар ўртасига низо ва нифоқ солиш йўли билан уларнинг инқирозга учратиш мақсадида тузиб берган режаларининг амалдаги татбиқи деб билинсин.

2. Ҳизбчиларнинг Ислом дини номидан тарқатаётган адабиётлари, дарсликлари ва қўлланмалари ҳамда варақаларида ёзилган маълумотлар жаҳондаги Ислом дини бўйича ҳақиқий етук олим ва уламолар томонидан эътироф этилмаган, балки ганимларимиз томонидан ўргатилган ифвогарона ташвиқот экани назарда тутилсин.

3. Мамлакатимиздаги мавжуд барча масжид имом-хатиблари ўз мавъизаларида Ҳизб ат-таҳрир каби жангари оқимларнинг ноҳақ эканликларини ва уларнинг таъсирига берилишнинг ноҳуш оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

4. Имом-хатиблар муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган, ўз айбига иқрор бўлиб, кечирим сўраган ёшларни афв этилишининг аҳамиятини халқ оммасига

етказиб, адашган гуруҳларга тўғри йўл топиб олишларида кўмаклашсинлар.

5. Шунингдек, улар жаҳолатга берилиб, адашиб кириб қолган жиноят йўлларида қайтмай, қайсарлик қилувчи ёшларнинг жавобгарликка тортилиши давлатимиз обрўси учун ҳам зарарли, уларни ўз вақтида тийиб олмасак, фожиали натижалар келтириши тўғрисида кенг жамоатчилик билан музокарали суҳбатлар ўтказилсин.

6. Барча мусулмон халқимиздан талаб қиламизки, мазкур оқим аъзоларининг иш-фаолияти, тарқатаётган варақалари тўғрисида хабар топганларида, улар бевосита ва билвосита тўсқинлик қилиб, чора кўрсинлар.

7. Динимиз ва миллатимиз шаънига доғ тушираётган бундай гуруҳларга қарши қандай чора ва тадбирлар кўраётганлиги тўғрисида ҳар бир имом-хатиб Диний идорага маълумот бериб турсин.

8. Барча имом-хатиблар ўз жойларидаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда динимиз ва маънавиятимизга ёт бўлган ҳар қандай ғояларнинг тарқатилишига қарши курашда фаолликларини оширсинлар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бизларга шундай дуони таълим беради:

«Парвардигоро! Бизларни аҳли куфрлар учун фитна (масхара) қилиб қўймагин, бизларни мағфират эт! Парвардигоро! Сен Ўзинг қудратли ва ҳикматли зотдирсан!»
(Мумтаҳана сураси, 5-оят.)

Шунинг учун Ҳақ таолодан илтижо ила сўраймизки, ҳеч бир бандани тўғри йўлдан адаштирмасин. Катталарга нури имон, ёшларимизга инсофу тавфиқ ато этсин. Ватанимиз равнақи кундан-кунга зиёда бўлиб, барча мусулмон-мўминларни рушду ҳидоятда собитқадам айласин. Вассалому алайкум вароҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.
Тошкент шаҳри, 16.06.1999 й.*

ҚАБРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБИ ҲАҚИДА ФАТВО

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига фуқаролар тарафидан келаётган савол-истаклар ва айрим шахслар тарафидан қабрларни зиёрат қилишда йўл қўйилаётган камчиликларни инобатга олиб Ўзбекистон мусулмонлари идораси қабристонни зиёрат қилиш одоби ҳақидаги ушбу фатвони қабул қилади.

Қабристонни зиёрат қилиш чоғида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало қабристонга кирилганда «Алайкумус салам ё аҳлал қубур», яъни: «Сизга салом эй, қабристон аҳллари», – деб салом бериб кирилади.

– Қабрларни зиёрат қилиш суннат амаллардандир. Чунки Пайғамбаримиз (алайҳис-салом):

«Сизларга қабрлар зиёратини тақиқлаган эдим. Мана, энди қабрларни зиёрат этаверингиз, зеро у сизларга охиратни эслатади» (Имом Термизий ривояти).

Демак, қабристонга борганда у ерда ётган мархумларнинг аҳволини ўйлаб, ундан ҳар ким ўзига ўғит ва ибрат олиши лозим. Зеро, улар ҳам бизлардек бу дунёда яшаганлар, турли амалларни қилиб ўтганлар. Ҳозирда ўша қилмишларига яраша бир қадар Аллоҳнинг ажри ёки уқубатига дохил бўлган ҳолда ётурлар. Бу эса инсонни фикр қилишга ундайди.

Қабристон зиёрат қилинган пайтда мархумлар руҳига бағишлаб тиловати Қуръон ҳамда дуои хайрлар қилинади.

Маълумки, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, шунингдек, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш Ислому динида савобли ишлардан саналади. Аммо бунинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Масалан, азиз-авлиёларнинг мазорига борилганда Каъба атрофини тавоф қилгандек атрофини айланмасдан, одоб билан бориб тиловат ва дуо қилиб савобини шу қабр соҳибининг руҳига бағишлаб, биздан ва

авлодларимиздан шу зотлар каби улуғ инсонлар чиқаргин, деб Яратганга илтижо қилинади. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки, ҳар бир зиёрат этувчи киши қабрда ётган авлиё ёки бошқа зотлардан мадад сўраб, ундан ҳожатини раво қилинишини талаб қилмайди. Ҳар қандай ҳожатларни раво этишни бевосита фақат Парвардигорнинг ўзидан сўралади.

Шунингдек, имкони бўлса қабристоннинг қибла томонига ўтиб, орқани қиблага қилиб қабр аҳлига юзма-юз туриб тиловат ва дуо қилиш лозим бўлади.

Қабрларга шам ёқиш, қабр тошларини ўпиш, унинг устида ўтириш, босиб юриш, қабр рўпарасида намоз ўқиш солиҳ амаллардан эмас.

Қабр йўқолмаслиги учун бир белги сифатида тош ёки тахта қўйиш, уларга номларини ёзиш жоиз, аммо ҳозирги кунимиздек чиқми кўп ва дабдабали қилиб ўрнатиш исроф саналади.

Маълумки, қабристон зиёрати учун белгиланган муайян бир вақт йўқ, исталган вақтда зиёрат қилиш мумкин.

Шариатимизда қабрларга гул ва шунга ўхшаш ўсимликлар экиш яхши амаллардан саналади. Лекин мевали дарахтлар экиш, уларнинг мевасини истеъмол қилиш, қабристонда чорва молларини ўтлатиш лозим эмас.

Маййит руҳини шод этадиган амаллар: Қуръон ўқиб савобини унинг руҳига бағишлаш, дуои хайрлар қилиш, эҳсон ва садақалар улашиш кабилардир.

Аллоҳ таоло ўтганларимизнинг руҳларини шод, охиратларини обод айласин.

*Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий.
Тошкент шаҳри, 04.06.2000 й.*

ЎЗИНИ-ЎЗИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ҚАСДДАН ЎЛДИРИШНИНГ ОҒИР ГУНОҲЛИГИ ҲАҚИДА ФАТВО

Инсон ўзига берилган барча илоҳий неъматларга доимо шукр қилиб, ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай синов, қийинчилик, муваффақиятсизлик, мусибатларга сабр қилиши ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиб яшаши лозим бўлади. Турли шайтоний васваса, тушкунлик ва умидсизликка берилмай, Инсон деган улуғ номга мувофиқ иш тутиши керак бўлади.

Шунга қарамай, кейинги вақтларда жамиятимизда айрим кишилар билиб-билмай, айниқса, хотин-қизлар ўзларининг жонларига қасд қилиб, Аллоҳ таоло ато қилган ҳаёт нуруни бевақт ўчиришга, икки дунёда абадий лаънатга ва дўзах азобига дучор бўлишдек оғир гуноҳ қилишга ўтмоқдалар. Динимиз таълимотида инсон ўз жонига қасд қилиши қаттиқ қораланади, уни қилган осий банда жаҳаннам ўти билан азобланиши таъкидланади.

Аллоҳ таоло айтади:

«...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради» (Бақара, 195-оят).

«Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» китобларида ривоят қиладилар, Расулulloҳ (с.а.в.) ўз ҳадиси шарифларида бундай дейдилар:

«Ким тоғ тепасидан ташлаб, ўзини-ўзи ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар заҳар ичиб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлади. Ким ўзини темир парчаси билан ўлдирса, ўша кимса темир парчаси қорнига суқилган ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади».

Пайғамбар алайҳиссалом яна бир ҳадисларида: «Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми

ҳам юқорида зикр қилинганлар ҳукми билан баробардир», – деб марҳамат қилганлар.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилиб, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ушбу ҳадиси шарифларини келтирадилар:

«Ким ўзини-ўзи бўғиб ўлдирса, дўзахда ҳам шу хил азобга қолади ва ким ўзини олов билан ўлдирса дўзах оловида ҳам худди шундай азобга қолади».

Яна Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ҳазрати Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: «Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилади:

«Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шуқр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим».

Ушбу ҳадиси қудсий мазмунига кўра, ўзини-ўзи ўлдирган банда жаннатдан абадий маҳрум қилинар экан.

Шу муносабат билан афсус ила зикр қилиб ўтиш лозимки, шу кунларда Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва бошқа айрим вилоятларда турли йўллар ила ўз жонига қасд қилиш воқеалари рўй бериб турибди. Айниқса, бу ҳодиса аёллар ва ёшлар ўртасида кўпроқ рўй бераётгани маълум бўлмоқда.

Бу мудҳиш ҳолатлар нафақат Ислом шариаатида қораланган, балки Аллоҳ таолонинг қазойи қадарига ҳам туғён қилишдан иборатдир. Ўзини-ўзи ўлдириш Аллоҳ таоло ҳузурида энг оғир гуноҳлардан бўлиб, шу йўл билан ўлганлар, юқорида айтилганидек, охиратда ҳам оғир азобга қолишади ҳамда хешу-ақраболарини ва ота-оналарини ҳам оғир кулфатга солиб қўйишади. Ислом шариаатида ўзини-ўзи ўлдирувчилар ҳақида махсус фатволар берилган. Шулар жумласидан фикҳ китобларида ўз жонига қасд қилиб ўзини-ўзи ўлдирган шахсларга айрим уламо ва фуқаҳолар жаноза намози ўқимаслик тўғрисида фатво ҳам берганлар.

Мўътабар манбаларда шундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу мудҳиш феълдан заҳр қилмоқ, яъни умматларини қатъиян қайтармоқ учун ўзини-ўзи ўлдирган шахсларга жаноза ўқимадилар».

Аллоҳ таолога шукрки, биз – мусулмонлар инсон учун ҳамма ҳаёт шароитлари тўлиқ мухайё қилинган одил жамиятда яшамоқдамиз. Биров-бировнинг ҳақ-ҳуқуқини камсита олмайди. Бундай адолатли жамият Ер юзида ягонадир. Бинобарин, бизнинг Ватанимизда ўзини-ўзи ўлдиришга ҳеч қандай сабаб йўқ.

Ҳар бир инсон, хоҳ эркак ва хоҳ аёл бўлсин, ушбу ҳақиқатни яхши тушуниб олиши ва шундайин тўкин, тинч ва фаровон замонда ҳамда адолат устувор бир жамиятда яшаётгани учун Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни сабру қаноат ва ҳусни тадбир билан ҳал қилса бўлади. Аммо бесабрлик ила ношукрлик қилинса, оқибати хайрли бўлмайди.

Қуръони карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларига амал қилган ҳолда ва мазкур далиллар асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси юртимиздаги барча мусулмонларга мурожаат қилиб, ўзини-ўзи ўлдириш каби ношаръий ҳолатларга қарши кескин чоралар кўришни умид қилади. Инсонлар шундай ҳолатларга дуч келган тақдирда уни бартараф этишнинг чора-тадбирларини кўриш барча имом-хатибларнинг энг муҳим вазифаси ва ҳам диний, ҳам инсоний бурчларидир, деб ҳисоблайди.

Барча имом-хатиблар инсон ўзини-ўзи ўлдириши ёки ўзига ўт қўйиши катта гуноҳ эканлигини мусулмонларга оят ва ҳадислар билан исботлаб тушунтиришлари лозим. Бундай ношаръий ишлар Аллоҳ таолонинг бандаларига берган ҳаёт неъматига ношукрлик эканини батафсил англашиб боришлари зарурдир.

Шу билан имом-хатиблардан ўзини-ўзи ўлдирганларга жаноза намози ўқишдан бош тортишлари талаб этилади. Бундан ташқари, уларнинг шундай ўлимга боғлиқ маърака ва худойиларига бормасликлари ҳамда ўз жонига қасд қилиб ўлганларнинг руҳларига Қуръони карим оятларидан ўқимасликлари шаръан жоиздир. Имом-хатиблар шу йўл билан ўзини-ўзи ўлдирган шахсларнинг гуноҳи қанчалик оғир эканини халққа ошкор қилган ва мусулмонларни бу мудҳиш феълдан асраган бўлишади.

Аллоҳ таоло омонат қилиб берган ҳаёт неъматини ва умримиз йилларини чиройли солиҳ амаллар қилишга, савобли ишларни бажариш билан ўтказишга, кундалик ҳаётий қийинчилик ва муаммоларни ақл-заковат билан ҳал этишга ҳаракат қилиш ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан доимо умидворлик билан яшашга интилиш ҳақиқий имонли инсоннинг баркамол фазилати бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг айрим ерларида, хусусан Яқин Шарқ давлатлари ва Афғонистонда рўй бераётган қўпоровчилик, диний-экстремистик ташкилотлар томонидан уюштирилаётган террорчилик ҳаракатлари ўзини-ўзи портлатиш орқали на фақат ўзининг жонига, балки бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳам умрига зомин бўлмоқдалар. Бу ҳолат азиз ва мукаррам бўлган бегуноҳ инсон ҳаётига тажовуз қилиш бўлиб, улкан гуноҳ эканлигини қуйидаги ояти карима равшан баён қилади. Аллоҳ таоло айтади:

«...Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз!...»
– деб айтган (Анъом сураси, 151-оят).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада бегуноҳ инсонларнинг ноҳақ қонини тўкиш катта гуноҳ эканлигини таъкидлаб, бундай қабих иш инсониятга қилинган тажовуз деб таъкидлади.

Баъзи бир кимсалар ўзини портлатиш билан гўё «шаҳидлик» мақомига сазовор бўлмоқчи бўладилар, аммо улар ўзларининг бу ғайриинсоний ҳаракатлари билан қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига, майиб-мажруҳ бўлишларига сабаб бўладилар. Исломот таълимоти бундай ҳолатни кескин қоралайди ва бегуноҳ бир инсонга қилинган тажовуз деб билади. Бундай қабих ишни қилган кимса бу дунёда ҳам қиёматда ҳам азобу уқубатда қолади, деб таъкидлайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

«Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукми битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир».
Уларга расулларимиз (илоҳий) ҳужжатларни келтирганлар.

Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир» (Моидда, 32).

Жаҳондаги нуфузли ислом муассасалари, чунончи Миср Араб Республикаси Фатво Бошқармаси ва Саудия Арабистони уламолари ҳам ўзини турли портловчи моддалар билан портлатиш орқали бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлиш шаръан харом амал бўлиб ҳисобланади. Бу ишнинг Исломга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу гуноҳ ишни амалга оширганлар ким бўлишидан қатъи назар Аллоҳ таолонинг азобига учрайди, деб алоҳида уқтирганлар.

Миср Фатво Бош Бошқармаси уламолари шуни яна алоҳида таъкидлайдики, ўзини-ўзи портлатиш ёки шунга ўхшаш йўллар билан ўзини-ўзи ўлдириши Жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: *«Бир киши дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат куни шу нарса билан азобланади»*, деган ҳадислари мазмуни остига киради деб фатво беришди. Ўзини-ўзи портлатиб ўлдириш мусулмон ёки бошқа бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш бўлиб ҳисобланади.

Аллоҳ таоло ҳар бир бандасига ато этган неъматларига шукр қилишга ва синов учун етган мусибатларга сабр қилишни насибу рўзий айласин!

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Уламолар кенгаши раиси, муфтий.
Тошкент шаҳри, 22.04.2014 й.*

ЗАМОНАВИЙ ОЛИМЛАРНИНГ ФАТВОЛАРИ

ТАКФИРДА ЧУҚУР КЕТИШ

Юсуф Қарзовий, Бутунжаҳон
ислом уламолари уюшмаси раиси

Аллоҳ таолога ҳамд ва Унинг расули саййидимиз Муҳаммад мустафога саловоту саломларимиз бўлсин!

Инсон «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулulloҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули), – деб шаҳодат калимасини қалби билан холис тасдиқласа, мусулмон ҳисобланади. Унга мусулмонларга қилинадиган муомала қилиниши лозим. Ким фақат тили билан шаҳодат калимасига иқрор бўлса ҳам Исломига киради. Қалбида уни инкор қилиб турган тақдирда ҳам унга мусулмонларнинг ҳукми жорий бўлади. Чунки биз зоҳирга қараб ҳукм чиқаришга, қалблардаги нарсаларни Аллоҳга ҳавола қилишга буюрилганмиз. Бунга далиллар:

1. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) икки шаҳодатни айтганнинг мусулмонлигини қабул қилаверардилар. Намоз, рўза ва бошқа ибодатларни бажаришини кутиб ўтирмасдилар;

2. Усома ибн Зайд (розияллоҳу анху) душманлардан бирига қилич яланғочлаб турганида у «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейди. Лекин Усома уни ўлимдан қутулиш учун айтди, деб ўлдиради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу ишни инкор қилиб, «Уни «Ла илаҳа иллаллоҳ», дегандан сўнг ўлдирдингми?» дедилар. Усома: «У бунни қиличдан сақланиш учун айтди», деди. Шунда У зот: «Унинг қалбини ёриб кўрдингми?» дедилар.

Яна киши шаҳодат калимасини айтиш билан Аллоҳдан икки нарсага ҳақли бўлади:

1. Дўзахда абадий қолишдан нажот топиш;

2. Жаннатга кириш.

Бунга далил:

Убода ибн Сомит (розияллоҳу анху) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: «*Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, У ёлғиз Ўзи экани ва Унинг шериги йўқлигига, Муҳаммад Унинг бандаси ва расули эканига, Исо Аллоҳнинг бандаси ва расули эканига, Марямга ташлаган калимаси ва Ундан бўлган руҳ эканига, жаннат ва дўзахнинг ҳақлигига гувоҳлик берса, Аллоҳ унинг амали қандай бўлишидан қатъи назар жаннатга киритади*» (Муттафақун алайх).

Абу Зарр (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг олдиларига келдим. У киши: «Қайси банда «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса, сўнг ўшанда ўлса, албатта жаннатга киради», дедилар*» (Муттафақун алайх).

«Куфр» сўзи шаръий манбалар (наслар)да икки маънода келади. Биринчиси катта куфр бўлиб, у билан инсон диндан чиқади. Иккинчиси эса, кичик куфр бўлиб, инсон у билан диндан чиқмайди. Балки жазога мустаҳиқ бўлади. Масалан,

«*Ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса, кофир бўлибди*», «*Мусулмоннинг сўкиши фосиқлик, урушиши куфрдир*», «*Мендан кейин бир – бирингизнинг бўйингизга урадиган кофирлар бўлиб кетманглар*» ҳадислари шу маънодадир. Бунга далил шуки, саҳобийлар бир-бирлари билан урушганларида бир-бирларини кофирга чиқаришмаган. Масалан, Али (розияллоҳу анху) Жамал, Сиффин урушларида ўзига қарши урушганларни кофир ҳисобламаганлар, балки боғийлар, деб санаганлар.

Катта гуноҳлар имоннинг комиллигига путур етказса-да, уни йўқ қилмайди. Бунга далил:

1. Агар катта гуноҳлар имонни йўқ қилганида унда диндан қайтиш ва катта гуноҳларнинг ҳукмлари бир хил бўлиб қоларди. Шунда ўғрилиқ, зино каби жиноятларга алоҳида жазо тайинланмасди. Балки диндан қайтганлик (муртад) жазоси бериларди;

2. Куръонда урушиб турган икки гуруҳ ҳам мўминлар деб аталган: «**Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб**

қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!» (Хужурот, 9). Агар юқоридаги ҳадиси шарифда келганидек «икки мўминнинг урушиши куфр» бўлганда, Аллоҳ таоло уларни «мўминлар» деб сифатламаган бўлар эди;

3. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтганлар:

«Икки мусулмон қиличлари билан юзлашса, ўлдирган ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахдадир». Шу ҳадисни Имом Бухорий гуноҳлар эгасини кофирга чиқармаслигига далил қилган. Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларнинг дўзахга тушишини айтган бўлсалар ҳам, уларни мусулмон деб атадилар.

Маълумки, Аллоҳ таоло ўз Каломида ширкдан бошқа гуноҳларни кечиришини таъкидлаган. Жумладан, «Нисо» сураси 48-оятда: **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи) ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар) ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур»**, деб марҳамат қилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ислом оламида маълум бўлган, мусулмонлар эргашиб келаётган мазҳабларнинг барчаси, жумладан, бу Аҳли сунна ва жамоадаги тўрт фикҳий мазҳаб ёки ашъария, могуридия, жаъфария, зайдия, ибодия каби ақидавий мазҳаблар бўладими фарқи йўқ, буларнинг барчаси ислом ҳукмидадир. Чунки мазкур мазҳаб вакиллари Қуръони каримда келтирилган (Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига) ҳамда суннатда зикр қилинган қадарга имон келтирганлар ва яна исломнинг амалий арконлари бўлмиш — икки шаҳодат калимаси, намоз, закот, рўза ва ҳажни эътироф этадилар.

Кенг қамровли қоидалар, қатъий далилларни баён қилганимиздан сўнг икки кўзи бор ҳар кишига такфирда ҳаддидан ошган «биродарларимиз» йўл қўйган улкан хато, катта хатар маълум бўлади. Улар шахслар ва жамиятларни бира тўла кофирга чиқара бошлашди. Ўзларининг қарашларига мос келмайдиган шарият далилларидан юз ўгирдилар. Таъвилда ўзбошимчалик қилдилар. Далилмас нарсани далил қилдилар. Ўзларига мувофиқ бўлмаган умматнинг олдинги ва кейинги олимларини, имомларини хатокорга чиқардилар. Ўзларини

имомлик, мутлақ мужтахидлик даражасига етганларини даъво қилдилар. Ўзларини умматнинг олдинчилари ва кейинчилари иттифоқ қилган ишларга хилоф қилишга ҳақли деб билдилар. Бу, Аллоҳ сақласин, ҳалокатга олиб борувчи ўзига бино кўйиш (ужб), алданиш, зарар етказувчи чуқур кетишдир. Бунинг манбаи Аллоҳ таолони, одамларни, қолаверса, ўзни билмасликдир. Саҳиҳ ҳадисда бундай дейилган:

«Чуқур кетишдан узоқ бўлинг, сизлардан олдинчиларни чуқур кетиши ҳалок қилган». Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *«Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди. Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди. Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди»*, деб уч марта айтганлар.

Шунинг учун, олдинги салаф олимлар хорижийларни қоралаб, бу каби тоифалар борасида саҳиҳ ҳадислар келган бўлса-да, уларни кофирга чиқаришда ихтилоф қилганлар. Али (розияллоҳу анху) ҳам уларни кофир демаганлари, уларга қарши биринчи бўлиб жанг бошламаганлари маълум. У кишидан: *«Улар кофирларми?»* деб сўралганида, у киши: *«Куфрдан қочишди»*, деганлар. Шунинг учун, улар ўз ғояларида адашган, чуқурга кетган бўлсалар-да, уларни биродар дейишдан қайтмаганлар. Мен аниқ ишонаманки, уларнинг кўпчилиги ёзганларимни инсоф ва ҳақ талабида ихлос билан, мутаасибликдан холи ўқишса, такфирдаги фикрларидан қайтишади.

Хулоса ўрнида Имом Шавканийнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтамиз: *«Билгинки, Аллоҳ ва охират кунига имон келтирган мусулмон киши ёруғ кундаги Қуёш каби аниқ далили бўлмай туриб, бошқа бир мусулмон кишини кофир санаб, Исломдан чиққан деб ҳукм қилишга ҳаққи йўқ. Чунки саҳиҳ ҳадисларда: «Кимки бир биродарига кофирсан деса, унинг ўзи кофир бўлибди»*, деб бу ишнинг оғир гуноҳ ҳамда оқибати хатарли экани таъкидланган».

МУСУЛМОН БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ҚАТЛ ЭТГАН ЖАННАТГА КИРМАЙДИ

Тоҳир Қодирий,
Покистонлик ҳанафий уламо,
«Халқаро Қуръон йўли» ташкилотининг асосчиси

Мусулмон мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа дин вакили ўша юртда яшаётган мусулмон аҳоли билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Мусулмон давлати, энг аввало, бошқа дин вакиллари мамлакат ичида ҳамда ташқарисида тинч ҳаёт кечиришлари учун уларни ички ҳужум ва ташқи жабр-зулмдан муҳофаза этмоғи шарт.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «*Айбсиз зимийни ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини ҳидламас. Жаннатнинг ҳиди эса қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради*».

Ушбу ҳадисда кофир бўлса ҳам, инсон жони Ислоом наздида қанчалик қадр-қийматга эга экани кўришиб турибди. Ҳадиси шарифда «ғайридинни ўлдириш»нинг оқибати қандоқ бўлиши ажойиб ўхшатиш ила васф қилинган. Мазкур жиноятни қилган одам жаннатга кириш, ундаги хушбўй мушку анбарлардан ҳидлаб, лаззат олиш у ёқда турсин, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Яқинига йўлай олмаслик қай даражада бўлади? Бундай жиноят қилган одам жаннатдан қирқ йиллик масофадан ҳам узоқроқда бўлади. Чунки жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туради. Бас, шундоқ экан, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзи билан тинч-тотувликда яшамоқчи бўлган ҳар бир ғайридиннинг ҳурматини жойига қўйиши, унга зинҳор ёмонлик қилмаслиги зарур. Ушбу ҳадисни Анвар Шоҳ Кашмирий ўзининг «Файз ал-Борий» китобида шарҳлаб, қуйидагиларни келтириб ўтади:

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг юқорида келтириб ўтилган ҳадисларининг энг асосий мазмуни шундан иборатки, мусулмонни ўлдириш улкан гуноҳ, бу жирканч ишни содир этиш куфрга олиб бориши ва дўзахда абадий азоб бўлиши яхши маълум. Бироқ худди шунингдек, бошқа дин вакилини ўлдириш ҳам юқоридаги каби улкан азобларга сабаб бўлади.

МУСУЛМОН ВА МУСУЛМОН БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ЎЛДИРИШ ОРАСИДА ХЕЧ ҚАНДАЙ ФАРҚ ЙЎҚ

Тоҳир Қодирӣ,
Покистонлик ҳанафий уламо,
«Халқаро Қуръон йўли» ташикотининг асосчиси

Қуръон ва Пайғамбаримизнинг суннатларида Ислом дини тинчлик дини экани, у жамиятнинг барча аъзоларини, ирқи, жинси, дини, табақасидан қатъи назар уларнинг ҳаётини, мол-мулкини, ор-номусини сақлашни кафолатлаган дин экани борасида кўплаб маълумотлар келтирилган. Шулар жумласига, мусулмон ёки мусулмон бўлмаган мамлакатларда истиқомат қилаётган бошқа дин вакилларининг жони, моли ва обрў-эътиборини муҳофаза қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон зиммасидаги вазифа экани ҳам киради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзларининг охирги хутбаларида инсонлар ҳаёти, мол-мулкини ва обрў-эътиборини сақлаш ҳақида шундай дедилар: «*Албатта, Аллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва номусингизни бир-бирингиз учун мана шу муқаддас шахрингиз, табаррук ойингиз ва улғ айёмингиз каби муқаддас айлади*».

Ушбу ҳадисга кўра, бир одамини ноҳақ ўлдириш, унинг молига тажовуз қилиш, обрўсига путур етказиш мутлақо тақиқланади.

Дарҳақиқат, мусулмон ёки бошқа дин вакилини улар қаерда яшашларидан қатъи назар уларнинг ҳаётига тажовуз қилиш мумкин эмас. Бу ҳақда Қуръони каримда қуйидагича баён этилади: «... **бирон жонни ўлдирмаган ва Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир**» (*Моида, 32*).

Ушбу оятда «нафс» сўзининг ишлатилиши барча башарият учун далолат қилишни англатади. Исломда ҳар бир жон жуда қадрланади. Шубоис, бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади.

Чунки жонлар кўп бўлгани билан ҳаёт кечириш ҳаққи битта. Ҳар бир жон ҳаёт кечириш ҳаққига эга. Ана ўша жонлардан биттасини ўлдирган одам ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққига тажовуз этган бўлади. Шунинг учун бир жонни ноҳақ уни қайси динга мансублигидан, тилидан ёки қайси мамлакат фуқароси эканлигидан қатъи назар қатл этиш ислом динида қатъиян ман этилади. Аксинча, битта жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса, ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққини сақлаб қолган билан тенг бўлади.

ТИНЧ АҲОЛИГА ҚАРШИ ҚЎПОРУВЧИЛИК ИШЛАРИНИНГ ИСЛОМ ДИНИДА ҚОРАЛАНИШИ

*Миср фатво марказининг мазкур
мавзуга доир берилган саволга жавоби*

Савол: Баъзи давлатларда мусулмонларга қарши урушмаётган тинч аҳолига нисбатан содир этилаётган амалиётларнинг ҳукми қандай? Мазкур ишларни амалга ошириш жараёнида вафот этганлар шаҳид ҳисобланадими?

Жавоб: Шубҳасиз, тинч аҳолига қарши олиб борилаётган ҳар қандай қўпоровчилик амалиётлари шаръан ҳаром бўлиб, унинг Ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча бу шариат жазо белгилаган катта гуноҳлардан саналади. Бунинг бир қанча омиллари мавжуд:

Биринчидан: Бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган қон тўкиш ва беғуноҳларни ўлдиришдир. Шариат инсон умрини улуғлаб, унинг қонини тўкишдан қаттиқ қайтарган: «**Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз!**» (*Анъом, 151*). Аллоҳ таоло мусулмон ёки номусулмон инсонни ноҳақ ўлдиришни бутун инсониятни ўлдириш билан тенглаштирган. Аллоҳ таоло айтади: «**Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир**» (*Моида, 32*).

Иккинчидан: Бунда ғофил, беҳабар кишиларни ўлдириш бор. Абу Довуд ва Ҳоким «Мустадрак»да Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилади: «*Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)*

айтдилар: «Мўмин омонлик берилган кишини ўлдирмайди. Имон омонликдаги кишини ўлдиришдан қайтариб туради».

Ибн Асир «Ниҳоя»да айтади: «(Фатк) Омонликдаги кишини ўлдириш бу беҳабар турган кишини ўлдиришдир». Ҳадиснинг маъноси шуки, имон омонликдаги одамни ўлдиришдан қайтаради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг «Мўмин омонлик берилган кишини ўлдирмайди», деганлари қайтариш маъносидаги дарак гапдир. Чунки бу ишда макр, ҳийла бордир.

Аввалги мусулмонлар шу олий маъноларни билганлари ва уларга бўйсунганлари учун тарихда ажойиб мисоллар қолдирганлар. Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида ривоят қилган Хубайб (розияллоҳу анҳу)нинг қиссаси бунинг ёрқин мисолидир. Унда бундай ҳикоя қилинади: «Ува Зайд ибн Дасина мушрикларга асир тушдилар. Мушриклар уларни Маккада сотдилар. Хубайбни Ҳорис ибн Омир ибн Навфал уруғи сотиб олди. Хубайб Ҳорисни Бадр куни ўлдирган бўлиб, у уларда бир неча муддат асирликда турди. Улар Хубайбни ўлдиришга қарор қилганларида Хубайб Ҳориснинг қизларидан биридан тозаланиш учун устара сўраб олди. Ўша аёл айтади: «Хабарсиз қолиб, ўғилчам Хубайбнинг олдига кириб кетибди. Хубайб уни тиззасига ўтқизиб олган экан. Мен қаттиқ кўрқиб кетдим. Чунки унинг қўлида устара бор эди. Буни сезган Хубайб:

«Боламни ўлдиради, деб кўрқяпсанми? Кўрқма! Иншааллоҳ, бундай қилмайман!» деди. Хубайбдан кўра яхшироқ асирни кўрмаганман». Ана шу мусулмон ўзини ўлдирмоқчи бўлиб турган душманлари қўлида, ўлим ёқасида турган эди. Лекин у уларнинг фарзандларини ўлдириш билан қалбларини қон қилиш имконини амалга оширмади. Чунки алдаш ва хабарсиз кишиларни чув тушириш мусулмоннинг хулқидан эмас.

Уруш ҳолатида урушмаётган аёллар, болалар, ожиз кексалар ва умуман, тинч аҳолини ўлдириш жоиз эмас экан, бошқа ҳолатда ҳам ўлдириш ундан-да ёмонроқдир.

Аллоҳ таоло айтади: «Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан

ошувчиларни ёқтирмагай» (Бақара, 190). «Сизларга қарши жанг қилувчилар»дан мурод сизларга қарши урушга тайёргарлик кўрганлардир. Яъни, кексалар, аёллар ва болаларга қарши урушмангиз.

Имом Аҳмад «Муснад»ида Марқаъ ибн Сайфийдан, у бобоси Ҳанзала Котибнинг биродари Рабоҳ ибн Рабиъдан ривоят қилишича, у бир ғазотда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга чиқибди. Қўшин бошида Халид ибн Валид эди. Рабоҳ ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобалари қўшин боши ўтиб кетган жойда бир ўлдирилган аёлнинг олдидан ўтибдилар. Улар тўхтаб, унинг кўринишидан ажабланиб қолишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уловларида уларнинг олдига етиб келганларида орани очиб, у кишига йўл беришди. *Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) у аёлнинг тепасига келиб: «Бунга қарши уруш қилиш керак эмас эди», дедилар. Кейин бир кишига: «Халидга бориб, унга: «Болаларни ҳам, мардикорларни ҳам ўлдирма!» деб айт», дедилар.*

Имом Нававий «Шарҳу Саҳиҳи Муслим»да айтади: «Олимлар уруш қилмасалар, аёллар ва болаларни ўлдиришнинг ҳаромлигига иттифоқ қилганлар».

Агар ўлдиришнинг сабаби урушиш деб эътибор қилсак, урушмаган ҳар бир киши шаръий нассларда келган кўр, касал, давосиз касал, деҳқон кабиларга қўшилади. Мана шу кишилар замонавий истилоҳда тинч аҳоли деб номланади. Шунинг учун, уларни ўлдириш у ёқда турсин, уларга азият бериш, молларига талафот етказиш, тинч аҳолини ўлдириш катта гуноҳлардандир.

Учинчидан: Бу ишларнинг шариат мақсадларига хилофлиги. Маълумки, шариат мақсадларига кўра, инсоннинг дини, жони, ақли, номуси ва молига тажовуз қилиш ҳаром саналади. Истилоҳда мазкур тушунчалар беш шаръий мақсад, деб аталади.

Юқоридаги саволда сўралган портлатишлар айтиб ўтилган мақсадларнинг баъзиларини йўққа чиқаради. Шундан, жонни сақлаш мақсади. Ўлдирилган киши хабарсиз бўлиб, унда тажовуз қилиш ҳаром бўлган ва асраш керак бўлган жон бор. Аллоҳ таоло инсон жонини улуғлаб: **«Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб**

қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир» (Моида, 32), деган.

Шунингдек, бу портлатишлар молларни сақлаш мақсадини ҳам йўққа чиқаради. Бу ишлар натижасида мол-мулк, бинолар, оммавий ва хусусий мулкларга зарар етиши ҳеч кимга сир эмас. Мол-мулкга талафот етказиш, зое қилишни шариат тақиқлайди. Айниқса, кўриб чиқиладиган ҳолатдагидек, бу моллар талафот етказаётган кишиники эмас, балки бошқаники бўлса, бу тақиқ янада қатъийлашади.

Ўзини ўзи ўлдириш масаласига келсак, бу Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Абу Авона «Мустахраж»ида Собит ибн Заҳҳок (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадиси доирасига киради. Бу ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «*Ким дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, ўша нарса билан қиёматда азобланади*», деганлар. Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан, у Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан ривоят қилади: «*Ким ўзини бир темир билан ўлдирса, у қўлига ўша темирни ушлаб, қорнига тиқиб турганча жаҳаннам оловида абадий қолади. Ким ўзини заҳар ичиб ўлдирса, у жаҳаннам оловида ўша заҳарни абадий ичиб туради. Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, у жаҳаннам оловига абадий тушиб кетаверади*». Имом Нававий ушбу ҳадис шарҳига «Инсон ўзини ўлдириши ҳаромлигининг қаттиқлиги, ким ўзини бир нарса билан ўлдирса, ўша билан дўзахда азобланиши боби» деб сарлавҳа қўйган.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири // Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008.
4. Абу Абдуллох ал-Хароний. Сифат ал-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. – Байрут: ал-Мактаб ал-исломий. 1976.
5. Абдуллаев А. Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннахр тафсирунослигида тутган ўрни. – Тошкент: «Мовароуннахр» нашриёти, 2013.
6. Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллох Солимий Кеший. Ат-тамҳид фи баёнит тавҳид / Таржимон ва изоҳлар муаллифи Соатмурод Примов. – Тошкент: «Мовароуннахр» нашриёти, 2014.
7. Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин / Ҳ.Петерленс нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: «Мактаба Азҳарийя ли-т-турос», 2003.
8. Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот аҳли ас-сунна // Фотима Юсуф ал-Хаймий нашрга тайёрлаган. – Байрут: «Муассаса ар-рисола», 2004.
9. Абу Муқотил ас-Самарқандий. Ал-алим ва-л-мутааллим / М.З. Ал-Кавсарий нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: «ал-Анвар», 1946.
10. Мулла Али ал-Қори. Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар ли Аби Ҳанифа ан-Нўман. – Байрут: «Дар ан-Нафоис», 1997.
11. Ал-Қарофий . Ал-Фуруқ / Халил Мансур таҳқиқи. – Байрут: «Дор ал-кутуб ал-илмийя» 1997.
12. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
13. Али-заде А. Исторические и мировоззренческие основы салафизма в Исламе // http://www.upelsinka.com/Russian/religion_islam_7.htm.

14. Алимов У. Суннат ва ҳадис. Т.: «Шарқ», 2012. – 88 бет.
15. Амуш, Бисам Али. Мазаҳиб ва фирақ: дирасат нақдия. – Аммон: «Ал-академийун ли-н-нашр ва-т-тавзий», 2006.
16. Ас-Сайис Али Муҳаммад. Тарих ал-фикҳ ал-ислами. – Байрут: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1990.
17. Ақоид матнлари /нашрга тайёрловчи ва таржимон Шайх Абдулазиз Мансур/. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
18. Ahmad Mousalli. Wahhabism, Salafism and Islamism: Who is the enemy? Beirut: «American University of Beirut», 2009.
19. Билим – имон чироғи / Тўпловчи ва таржимон А. Абдужабборов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети», 2002.
20. Бутий, Муҳаммад Саид Рамазон. Ас-Салафийя: марҳала замания мубарака. Ла мазҳаб ислами. – Дамашқ: «Дар ал-фикр», 1990.
21. Бутий, Муҳаммад Саид Рамазон. Ал-ламазҳабийя: ахтару бидъа тухаддид аш-шариа ал-ислами. – Дамашқ: «Дар ал-Форобий», 2005.
22. Bukay D. Islam's hatred of the Non-Muslim (Ислом динининг ғайридинга нисбатан нафрати)// The Middle East Quarterly, Summer. Philadelphia: «Middle East Forum», 2013.
23. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга – юз жавоб). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
24. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. Ҳасанов А., Юсупов О., Шермухамедов К., Ғафуров У., Каримов Ж. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2013.
25. Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут: «Дор ас-Содир», 2003.
26. Имом Аъзам. Ал-Фикҳ ал-акбар. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006.
27. Имом Шотибий. Ал-Мувафақот / Муҳаммад Абдуллоҳ Дироз таҳқиқи. – Байрут: «Дор ал-маърифат», 2007.
28. Ислом ниюоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тшплари) / Тузувчилар: Шермухамедов К., Каримов Ж. Масъул муҳаррир О.Юсупов; Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази. – Тошкент: «Movarounnahr» нашриёти, 2014.

29. Жалолиддин ас-Суютий. Адаб ал-фатайя / Муҳий Хилол таҳқиқи. – Қоҳира: «Дор ал-офоқ ал-арабийя», 2007.
30. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2002.
31. Зиёдов Ш. Абу Мансур Мотуридий ва унинг «Китоб ат-таъвилот» асари. – Тошкент: «Фан», 2010.
32. Зуҳайлий В. Усул ал-фиқҳ ал-исламиий. – Дамашқ: «Дар ал-фикр», 1986.
33. Карамян С. Исламский фундаментализм: теория и практика. // «Власть», № 4, 2007. С. 82-86.
34. Маърифат гулшани: Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма // Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 200 б.
35. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
36. Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳадир. – Макка, 2008.
37. Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги (ҳужжатлар тўплами), – Тошкент: «Ўзбекистон», 2013.
38. Оқилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийя таълимоти. – Тошкент: Муҳаррир, 2008.
39. Оқилов С. Мотуридия таълимотида «имон» масаласи: «мўмин» тушунчасининг талқини // Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли. – Тошкент, 2010.
40. Оқилов С. Калом илми (Ақоид). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
41. Петухов В.Б. Джихад в контексте информационного вызова исламистских террористов // <http://www.islamrf.ru/news/library/islam-world/2511>.
42. Салоҳ Абу Саъуд. Ал-фирақ ва-л-жамаат ва-л-мазаҳиб ал-исламиийя. – Қоҳира: «Мактабатун нафиза», 2005.
43. Тавассуль – мольба через посредничество в исламе. – Казань: «Иман», 2003.

44. Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) / Ф.Низомов тарж. – Тошкент: «Шарқ», 2005.

45. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: «Шарқ», 2013.

46. Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Ал-ирҳоб ат-ташхис ва-л-хулул // Мавқиф ал-ислам мин ал-ғулу ва-т-татарруф. – Ар-Риёд, 2012.

47. Шайх Абдуллоҳ ибн Байя. Танбиҳ ал-марожиъ. – Абу Даби, 2014.

48. Шермухамедов К. Жаҳолат тўри. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

49. Юнусов А.С. Исламские радикальные и нетрадиционные организации. Глава 7. // «Ислам в Азербайджане». Баку, 2004.

50. Ҳасанов. А. А. Ислом тарихи дарслиги. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

51. Ҳидоят ортига яширинган залолат. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.


52. Ҳоким ан-Найсабурий. Ал-Мустадрак ала-с-саҳиҳайн. – Байрут: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 1990.

53. «Мусулмон жамиятларида тинчликни мустаҳкамлаш» халқаро конференцияси материаллари. – Абу Даби, 2014 йил, 9 – 11 март.

54. «Умуминсоний муштарак кадриятлар ва тинч-тотувлик» халқаро конференцияси материаллари. – Масқат, 2014 йил, 6 – 9 апрель.


Исомдаги ғоявий йўналишлар

1-схема




Исломдаги асосий йўналишлар

2-схема



Сохта салафийлик ғоялари асосида шаклланган ҳаракатлар

3-схема



МУНДАРИЖА

Кириш	3
Салаф ва халаф сўзлари нима маънони билдиради?	
Салаф ва халаф олимлари орасидаги фарқ нималарда намоён бўлади?	7
Сохта салафийлар кимлар?	10
Сохта салафийлик қачон вужудга келди?	15
Мотуридий таълимотига кўра имон нима?	21
Сохта салафийларнинг куфр масаласидаги қарашлари тўғрими?	26
Мазҳабсизлик ва унинг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлади?	35
Фақиҳлар томонидан фикҳий масалаларни ечишда ҳадислардан фойдаланиш қандай асосларга таянади?	45
Ислом дини кўрсатмаларини сохта салафийлар каби ҳарфий тушуниб амалиётга татбиқ этиш тўғрими?	50
«Фатвохонлик» ва унинг оқибатлари	58
Тавассул борасида сохта салафийларнинг фикрлари асослими?	66
Сохта салафийлик талқинидаги «ал-вало' ва-л-баро'» тушунчаси асослими?	73
Дор ал-ислом, дор ал-ҳарб тушунчалари нимани англатади ва ҳозирги кунда бу тушунчалар қандай маъно касб этади? ..	85
Сохта салафийлар жиҳодни «исломнинг олтинчи аркони» дейишлари асослими?	90
Сохта салафийларнинг «Аллоҳнинг ҳукми» ва давлат сиёсий бошқаруви борасидаги фикрлари ўринлими?	98

Сохта салафийлар тушунгандек «ҳар бир янгилик залолатми?»	104
Хулоса	111
Глоссарий.....	114
ИЛОВАЛАР	122
Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда виждон эркинлигининг таъминланганлиги	122
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	122
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ..	122
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.....	124
Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатволари	125
Дин ниқоби остидаги динбузарлар ҳақида фатво.....	125
Қабрларни зиёрат қилиш одоби ҳақида фатво.....	130
Ўзини-ўзи турли йўллар билан қасддан ўлдиришнинг оғир гуноҳлиги ҳақида фатво.....	132
Замонавий олимларнинг фатволари.....	137
Такфирда чуқур кетиш.....	137
Мусулмон бўлмаган аҳолини қатл этган жаннатга кирмайди	141
Мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолини ўлдириш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.....	142
Тинч аҳолига қарши қўпоровчилик ишларининг ислом динида қораланиши	143
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	147

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ


**«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2015**

**Муҳаррирлар: Сарвар Очиллов,
Умида Инсонбоева
Муқова дизайнери: Файзулло Собиров
Саҳифаловчи: Зулхумор Улугбекова**

Нашриётнинг гувоҳнома рақами АИ № 224. 2012 йил 16 ноябр
Босмахонага 2015 йил 24 декабрда берилди.
Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$ Шартли б.т. 9,07. Нашр т. 9,11.
Адади 2000 дона. Буюртма № 13.
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ



ISBN 978-9943-4453-9-0



9 789943 445390